

Abdulkamol Rakhmonov

МАЪНАВИЙ-ЭКОЛОГИК
ДАХЛСИЗЛИК ВА
ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ



ISBN 978-9943-394-41-4



9 789943 394414

“АДОЛАТ”

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
20 йиллигига


Абдукамоф РАХМОНОВ

**МАЪНАВИЙ-ЭКОЛОГИК
ДАХЛСИЗЛИК ВА ИЖТИМОИЙ
АДОЛАТ**

Тошкент

«Адолат»

2012



УДК: 34:574
КБК: 67.407
Р30

Рахмонов Абдукамол

Маънавий-экологик дахлсизлик ва ижтимоий адолат/Абдукамол Рахмонов; Таҳрир ҳайъати: А.С. Турсунов ва бошқ. – Тошкент: «Адолат» нашриёти, 2012. – 112 б.

ISBN 978-9943-394-41-4

УДК: 34:574
КБК: 67.407

Китоб Тошкент давлат юридик институти ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил 24 майдаги қарори билан (баённома №10) нашрга тавсия этилган.

Таҳрир ҳайъати: А.С. Турсунов – юридик фанлари доктори, профессор;
А.Т. Хусанов – юридик фанлари доктори, профессор;
Қ.А. Жўраев – сиёсий фанлар доктори, профессор;
Х.Т. Маматов – юридик фанлари доктори; доцент;
И. Атаджанов – география фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

Б.Б. Алиханов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси;

А.М. Гофуров – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Ушбу илмий-оммабоп китобда маънавий-экологик дахлсизлик муаммолари, хусусан, миллий маънавиятимиз ва кадриятларимизга нисбатан маънавий таҳдид, онг экологияси ва уни зарарсизлантириш воситалари, ҳайвонот ва наботот оламига таъжовузлар ва уларнинг олдини олишда қонун устуворлиги, йўл экологияси, шунингдек, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарликни белгиловчи нормалар ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.

Китоб маънавий-экологик дахлсизлик ва ижтимоий адолат масалаларини илмий талқин қилиш ҳамда мавжуд қонунчиликни тарғиб қилиш баробарида жамиятда ахлоқ институти орқали инсоф ва адолат туйғуларини, қонунларга итоаткорлик ахлоқ-одобини ҳам тарғиб қилади.

Мазкур китоб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек, маънавий-маърифий масалалар билан шуғулланувчи амалиётчи ходимлар, ҳуқуқшунослар, экологлар, ўқитувчи ва талабалар, ўқувчилар ҳамда ҳуқуқ, маънавият ва экология масалалари билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

© Абдукамол Рахмонов, 2012 йил.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2012 йил.

КИРИШ

Мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга ҳам боғлиқ. Маълумки, аҳолида ҳуқуқий онгнинг ошиб бориши ва жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши пировардида эркин ва адолатли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнларини тезлаштиради.

Ҳозирги кунда ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятига қаратилган таҳдидлар, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ҳамда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш масалалари кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлган долзарб масалалардан биридир. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг: «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамятидаги обрў-эътибори авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак»¹, деган фикрлари масаланинг нақадар жиддийлигидан, муҳимлигидан далолат беради.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнларида маънавиятимизга таҳдид солувчи, атроф-муҳитга зарар етказувчи кишилар ҳам аҳён-аҳён учраб турибди.

Бу ўз навбатида маънавий ва экологик дахлсизликни ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ҳимоя қилишни талаб этади. Бунинг учун илмий изланишлар олиб бориш, ҳулосалар чиқариш, турли хил тарғибот воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда аҳолига оммабоп сўзлар билан ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, қонунчиликни тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент, 2008. – 176-бет.

Айниқса, онг экологиясига, маънавият дахлсизлигига қарши хуружлар ва улардан ҳимояланиш йўллари, наботот ва хайвонот олами билан инсоният ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти мисоллар ва далиллар келтириш орқали ҳам илмий, ҳам адабий жанрларда ёритилиши китобнинг таъсир доирасини кучайтирган.

Муаллифнинг «Маънавий-экологик дахлсизлик ва ижтимоий адолат» номли монографияси нафақат илмийлиги, оммабоплиги, ёзилишининг равонлиги ва ўзига хос замонавий услуби билан китобхонга манзур бўлади.

Шу нуқтаи назардан, ушбу китоб мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларимизнинг, аҳолимизнинг маънавиятини мустаҳкамлашга ва турли хил зарарли ахборотлардан муҳофаза қилишга, диёримизда экологик ҳолатни яхшилашга, баркамол авлод – комил инсон тарбиясига хизмат қилиши шубҳасиз.

**И. Саифназаров,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор**

ОНГ МУВОЗАНАТИ ЁКИ МАЪНАВИЙ ДАХЛСИЗЛИК КАФОЛАТЛАРИ

*Маънавият – инсонни руҳан покла-
ниш, қалбан улғайишга чорлайдиган,
одамнинг ички дунёси, иродасини бақув-
ват, иймон-эътиқодини бутун қилади-
ган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч,
унинг барча қарашларининг мезонидир².*

Ислом Каримов

ХАЛҚ ФАЛСАФАСИ. Халқимиз – ўзининг юксак маънавияти билан жаҳон афкор оммасига танилиб, дунё ҳамжамияти орасида катта ҳурмат қозонган, иззат-икром, обрў-эътибор топган, эъзозланган, қадрланган халқ.

Бундай юксак фазилат ва хислатлар соҳиби бўлган улўф халқимиз ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида қуйидагича фалсафий баҳо берган: «Эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда»³.

Мустабид тузум даврида сиқилиб қолган маънавий кадриятларимиз мамлакатимиз мустақилликка эришиши муносабати билан ўз қаддини ростлаб, янада ривож топа бошлади. Барчамиз учун кадрли бўлган Мустақиллик қонун устуворлиги тамойилларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш имкониятини бахшида этди. Мамлакатимизда фуқаролик жамия-

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент – 2008 йил, 14-бет.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент – 2008 йил, 7-бет.

ти институтлари шаклланиб, Ўзбекистон миллий демократик ривожланишда янги улуғ йўлда — эркин ва адолатли фуқаролик жамияти йўлида шахдам кадамлай бошлади.

Эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан мустаҳкамланган ва шу жихатлари билан минглаб конституцияшунос халқаро экспертларни ўзига ром этган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида⁴ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият даражасига кўтарилди. Унда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга кенг ўрин берилди. Билим олиш ҳуқуқи, малакали тиббий хизмат турларидан, маданият ютуқларидан фойдаланиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, виждон ва сўз эркинлиги сингари умумэтироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланди.

Ўзга кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, Ватанни ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш, атроф табиий муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби меъёрлар маънавий кадриятларимизнинг мезони сифатида конституциявий бурчларимизга айланди.

Мамлакатимизда тарихан шаклланган миллий ва маънавий кадриятларни тиклаш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, аҳоли ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, инсонпарварлик ва меҳр-шафкат, кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик ғояларини оммалаштириш, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турли анъанавий маросимлар ўтказиш, ночор оилаларга моддий ёрдам, меҳр-мурувват кўрсатиш каби миллий менталитетимизга хос бўлган ибратли ишлар кенг кўламда бошлаб юборилди.

Халқимизнинг энг сара хислатларидан яна бири инсонпарварлик ва меҳмондўстликдир. XVIII асрда яшаб ўтган фикшшунос (ҳуқуқшунос) аллома Сўфи Оллоёрнинг «Битта нон топсанг ҳам бир ўзинг ема», деган ўғитлари ёки «Кел эй мўмин хуш инсон бўл, Ки инсон бўлса анга меҳрибон

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент — 2010 йил.

бўл»⁵, деган чақириқлари халқимизнинг байналмилаллик, инсонпарварлик, бағрикенглик, саховатпешалик, меҳмондўстлик каби хислатларини намоён қилади.

Ана шундай умуминсоний кадриятларимиз мустақиллик шарофати билан ривож топиб, барча фуқароларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар тарикасида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби бевосита оила масалаларига бағишланганлиги диққатга сазовор. Конституциямизнинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилган ҳамда унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи кафолатланган. Конституциямиздан «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» каби нормалар ўрин олган.

Буларнинг барчаси бир неча минг йиллар давомида шаклланиб ва авлоддан-авлодга ўтиб келган миллий хусусиятларимиз ҳамда маънавий кадриятларимизнинг Бош қонунимизда ўз ифодасини топганлигидан далолат беради.

ОИЛА — МАЪНАВИЯТ ДОРИЛФУНУНИ. Халқимиз оилани азал-азалдан «Ор-номус, садоқат ва муҳаббат кўрғони», деб баҳолаган ва муқаддас билган. Дарҳақиқат, ўзбек оиласи тўғрисида гап кетганида, аввало, кўз олдимизга ўзаро ҳурмат ва муҳаббат асосида қурилган мустаҳкам кўрғон ва унда тўғрилиқ, ҳалоллик, меҳрибонлик, муҳаббат, садоқат, ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, иффат, кичикка иззат, каттага ҳурмат каби эзгу фазилатлар билан уйғунлашган маънавий кадриятларимиз ўчоғи намоён бўлади. Мана шундай кадриятлар йиллар давомида боланинг онгу шуўрига сингиб боради. Пировардида, халқимизнинг бу каби энг қимматли анъана ва кадриятларини

⁵ Сўфи Оллоёр. Сабот-ул ожинин. «Меҳнат» нашриёти, Тошкент — 1991 йил, 63-бет.

ўзларида мужассам этган юксак инсоний фазилатлар соҳиблари — комил инсонлар вояга етади.

Шундай комил инсонларни ўзларининг эзгу ишлари билан дунё тамаддунига, жамият тараққиётига, илму фан, маданият ва маърифат ривожига қўшган хиссалари ҳисобига жаҳонга машхур бўлган бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Муҳаммад ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат Термизий, Имом Мотурудий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абдуҳолик Гиждувоний каби минглаб улуғ аждодларимиз тимсолида кўришимиз мумкин.

Оила дорилфунунини юритишда аёлнинг ўрни беқиёс эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. «Аёл бир қўли билан бешик тебратса, бир қўли билан дунёни тебратди», деганда кўз ўнгимизда ана шундай буюк шоҳлар, соҳибқирон ва саркардалар, олиму уламолар, давлат ва жамоат арбоблари бешигини тебратган оила бекалари — момоларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз гавдаланади. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Эркакни эркак, оилани оила қиладиган, умуман ҳаётимизга маъномазмун бағишлайдиган, бизни одабийликка, мардлик ва олийжаноб, ҳақиқий инсон бўлишга чорлайдиган аёлнинг меҳр-муҳаббати ва заҳматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди»⁶.

Мамлакатимизнинг Мустақиллик майдонида «Бахтиёр она» обидасининг ўрнатилганлиги ҳам бежиз эмас. Бу аввало, аёлга — онага бўлган эътибор, ҳурмат ва эъзоз рамзидир. Бугун барчамиз, ҳатто хориждан келган меҳмонлар ҳам ана шу рамзий бахтиёр она қаршисида бош эгамиз. Ўшанда фарзандини қафтларида кўтариб, бахтли ҳаёт қувончидан кўзлари чакнаб турган онага қараб:

«Сиз борки — ҳаёт бор, юрт бор, кўрғон бор,

Илму маърифат бор, сўз бор, виждон бор,

Ор-номус, ҳаё бор, дилда имон бор.

Сиз билан нурафшон бу ёруғ олам,

Менинг қиблагохим — бахтиёр онам!», — деймиз.

⁶ Аёл, оила ва жамият. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент — 2007 йил. 26-бет.

Мамлакатимизда ана шундай иззат-икромга муносиб ва сазовор бўлган оила бекалари — хотин-қизларга шахсий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фаровон турмуш кечириш, давлат ва жамият ишлари бошқарувида бевосита ёки билвосита иштирок этиш учун барча шароитлар, имкониятлар яратилган. Ҳар бир аёлга ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар бир онанинг кадр-кимматини жойига қўйиш, ҳар бир оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш тўғрисида»ги, 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги, 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 12 февралдаги «Мустақкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ва бошқа қўллаб-қувватлаш фармонлари, ҳукумат қарорлари оила ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган. Пировардида, бу эзгу ҳаракатлар аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, оилалар фаровонлигини таъминлашга, баркамол авлод тарбиясига қаратилган ижтимоий сиёсатнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган энг олий кадриятлардан бири — аёлларга, оилага нисбатан бўлган эзгу муносабат бугун ҳам маънавийтимизнинг асосига айланган. Дарҳақиқат, аёлни эъзозлаш — бу онани эъзозлаш, онани эъзозлаш — она Заминни, бутун борлиқни эъзозлаш демакдир.

Халқимизнинг «Ватан остонадан бошланади» деган ҳикматли сўзларини эшитганимизда кўз ўнгимизда, аввало, оила намоён бўлади. Ваҳоланки, оила — кичик Ватан. У жамиятнинг негизи. Момоларимиз келинларни хонадонга киритиш чоғларида аввал остонага бош урдириши ҳам бежиз эмас. Бу урф-одат оиланинг, Ватан ичидаги ватаннинг шу қадар муқаддаслигига ишорадир. Оила кўрғонини мустаҳкам сақлаш, Ватанни муқаддас билиш — маънавиятимизнинг бақувват ўзаги бўлиб ҳисобланади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Оила бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий кадриятлардан биридир»⁷.

Бинобарин, ҳаётий кадриятларимизнинг асосий бўғини — бу тарбия. Абу Наср Форобий бобомиз бундан бир минг бир юз эллик йил муқаддам таъкидлаганидек, ҳар қандай тарбия, биринчи навбатда оиладан бошланади, оилада куртак отади, қанот ёзади.

Қонунларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, эл-юрт ишқи билан ёниш, мустақиллик, озодлик каби неъматлар билан ғурурланиш ҳис-туйғулари инсон онгу шуурига оилада сингиб боради. Аввало, она сутти, ота меҳри билан берилган бу тарбия ҳар бир бола қалбида бир умр муҳрланиб қолади.

Шу сабабли ҳам оила — ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас кадриятларимиз ва урф-одатларимизни ривожлантирадиган маскангина бўлиб қолмай, жамиятга комил инсонлар етказиб берадиган тарбия мактаби, маънавият дорилфунуни ҳамдир.

Бола тарбиясида икки асосий мезон устуворлик қилади. Биринчи мезон — ўсимлик оламида униб чиққан ниҳолнинг қандай ҳосил бериши ерга қадалган уруғига боғлиқ бўлганидек, бўлажак инсоннинг қандай одам бўлиши, аввало, насл-насабига боғлиқдир. Халқимизнинг «Яхшидан ёмон бўлди, деб куюнма, у ҳам тортар наслига, ёмондан яхши бўлди, деб қувонма, у ҳам тортар аслига», деган пурмаъно ҳикмати бежиз айтилмаган. Иккинчи мезон, бу ибратли тарбия. Бинобарин, ҳар бир отонанинг ўз фарзандларига ибрат кўрсатиши бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997.

Хуллас, «болам, ёлғон гапириш ёмон одат», деб насихат қилиб турган ота ёки онанинг ўзи ёлғон сўзладими, бу борадаги ҳамма қилинган ҳаракатлар бесамар кетади. Бир қарашда оддийгина кўринса-да, жиддий бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Чойхонада чой ичиб ўтирган ота ўғлига жиринглай бошлаган телефонни узатди.

— Ма, мени ишга кетган деб қўй, — деди кўзларини катта-катта очиб. Ўшанда бола иккиланмай дадасининг топшириғини бажарди.

Ҳа, халқимизда «Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин», «Катта қарвон қаердан юрса, кичик қарвон ҳам шу йўлдан юради», «Қуш уясида кўрганини қилади» каби кўплаб мақоллар бежиз айтилмаган.

Зеро, миллий ғоямизнинг асосий бўғинларидан бири бўлган комил инсон — энг аввало, оила дорилфунунида тарбияланади, камол топади.

БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА. Ҳа, халқимизда инсонни эгуликка, комилликка етаклайдиган, турли ижтимоий хавфли вазиятлардан огохлантирадиган нақл ва мақоллар, ҳикматлар кўп. «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақл болаларнинг тарбиясидан ҳеч ким четда қолмаслиги зарурлигига ишорадир. Оилада ҳам, кўчада ҳам, таълим муассасаларида ҳам, маданият ва истироҳат боғларида ҳам, хуллас, қаерда ва қачон бўлмасин, болалар тарбиясига эътибор қаратиш, уларга тўғри йўлни кўрсатиш, ножўя иш, ёмон сўз, ножоиз хатти-ҳаракатлардан қайтариш миллатимизга хос бўлган ибратли одатлардан биридир. Бинобарин, катта ёшли кишилар томонидан беҳосдан берилган танбех ёки тарбия болани ҳар қандай ёмон йўллардан сақлаш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Рухшунос-педагогларнинг фикрича, фарзанд тарбиясида боланинг бандлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли кўплаб ота-оналар ҳар доим боласини бўш қолдирмаслик учун ҳаракат қилишади. Дарҳақиқат, нуроний отахон ва онахонларимизнинг фарзандларига қарата айтилган: «Болангни бекор қолдирма, бекордан Худо безор», деган гапларини кўп эшитганимиз. Аждодларимиздан бизгача етиб келган бу каби ҳикматли

сўзлар одатда маълум бир иш ёки ўқиш билан банд бўлмаган киши, айниқса, бола кимгадир ёки нимагадир зарар етказиб қўйишига ёхуд бирор-бир фалокатга дучор бўлишига ишора.

Маълумки, тергов амалиётида кичик ёшдаги ёки тарбиясида маълум нуқсонли бўлган болаларнинг назоратсиз қолиши натижасида хонадонларга, омбухоналарга ўт қўйиб юбориш, ўзганинг мулкани ўғирлаш ёки унга бошқача зарар етказиш, қиз болаларга тегажаклик қилиш ва бошқа ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этиш ҳолатлари кўп учрайди. Бундай қўнғилсиз ҳолатларнинг олдини олишнинг энг оддий йўли болаларни назоратсиз қолдирмасликдир.

Кейинги вақтларда ахборот-телекоммуникация тизимининг жадал ривожланиши натижасида биз учун дунёнинг барча эшиклари кенг очилди. Бу ижобий ҳолат, албатта. Аммо, Интернетнинг айрим сайтларида реклама қилинаётган баъзи ўйинлар ва маълумотларнинг мақсад ва муддаоси ёшларнинг тарбиясини бузишга, ҳаёлини чалғитишга, онгини заҳарлашга қаратилганлиги билан хавфли. Бу хавфдан қутулишнинг ҳам энг афзал йўли ҳали дунёқарашни тўлиқ шаклланиб улгурмаган, ўзининг мустақкам фикрига эга бўлмаган ёки шундай хавфларга нисбатан ўзида «иммунитет» ҳосил қилмаган фарзандларни назоратсиз қолдирмасликдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни⁸ муҳим рол ўйнайди. Мазкур Қонун фарзандларимизнинг назоратсиз қолиши оқибатида маънавий таҳдидлар орқали онгининг заҳарланишидан, турли оқимлар гирдобига ботиб қолишидан ҳимоя қилишда, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир қилинишининг олдини олишда самарали механизм сифатида хизмат қилади. Айниқса, Қонунда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ота-оналар олдига бир қатор вазифалар қўйилган бўлиб, бу вазифалар фарзандларимизни турли оқимлар исқанжасидан, жиноят кўчасига кириб қолиши-

дан ҳимоя қилишда, ҳуқуқбузарлик ва одобсизликлардан сакланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Қонун ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ҳам маълум вазифалар юклайди. Унга мувофиқ, ҳар бир ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиги муҳофаза қилинишини, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини таъминлаши зарур. Бунинг учун таълим муассасаларида ўқиётган болаларнинг ўқиш вақтида таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбирлардан бошқа тадбирларда, хусусан, ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа қўнғилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймасликлари, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўришлари шарт.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари эса, вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини ва кўникмаларини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдириш, машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларнинг дарсларда қатнашишини таъминлаш, ўз ҳаёт йўлини ва касб-ҳунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлигининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам бериш, ривожланишида ёки ҳулқ-атворида нуқсонли бўлган вояга етмаганларга тегишли ёрдамлар кўрсатиш, таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғарақлар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этишни таъминлаш, вояга етмаганларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш, ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдириш билан боғлиқ ва бошқа вазифаларни бажариши лозим бўлади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар ҳам ўз навбатида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашади, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатади, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади.

Хуллас, «Бир болага етти маҳалла ота-она» деганларидек, келажагимиз ворисларининг тақдири учун ҳаммамиз масъулмиз. Зеро, барча тарбия воситаларини ёш авлоднинг маънавий оламини ана шундай хуружлардан ҳимоя қилишга, уларнинг маънавий дахлсизлигини таъминлашга қаратиш, ёшларимизнинг маънавий дунёсини миллий кадриятлар, дунёвий билимлар билан янада бойитиш, уларнинг онгу шуурида ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар биримиздан фидойиликни талаб қилади.

ТАРБИЯ – Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ... Бола тарбияси масаласи ўта нозик, ўта масъулиятли ва долзарб, айни вақтда оғир масала. Бу масалага жиддий ёндашмасдан туриб, ижобий натижага эришиш мушкул. Агар боламизни азиз билиб, унинг қилиғига ўз вақтида эътибор бермасак, анча-мунча имкониятни қўлдан бой беришимиз шубҳасиз.

Шу ўринда халқимизнинг бир ҳикматини эслайлик. «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига». Бу ҳикмат тагида ҳам қандайдир ҳақиқат яширинган кўринади. Ривоят қилишларича: «Бир подшоҳ кўчада ўйнаб юрган бир гуруҳ болаларни кўриб, чўнтагидан битта олмани чиқарибди ва уни йўлда кетаётган ҳабаш йигитга узатиб, ундан шу олмани кўчадаги болаларнинг энг чиройлисига беришни сўрабди. Ҳабаш йигит олмага яхшилаб кўз ташлагач, уни болалар ичидаги тим қора ҳабаш болага берибди.

– Ҳой йигит, мен сендан бу олмани энг гўзал болага беришни сўраган эдим, нега уни энг хунук болага бердинг, – дебди бу воқеадан ажабланган подшоҳ.

– Эй, ҳазратим. Бу бола бошқаларга хунук бўлиб кўринса-да, мен учун энг гўзали шу, чунки у менинг фарзандим бўлади, – деган экан ҳалиги киши».

Тўғри, ҳар кимнинг боласи ўзи учун гўзал, ўзи учун ширин, ўзи учун азиз. Аммо, қилиғичи? Бола тарбияли бўлса, нур устига аъло нур. Аксинча бўлса-чи? Ҳар куни ёмон хулқи билан ота-онасига зарар етказса, уларнинг бошига турли ташвишлар келтирса, унинг ширинлиги каерда қолади.

Аждодларимиздан қолган илмий меросларни варақлаганимизда, албатта, бола тарбиясига оид қандайдир ҳикматга кўзимиз тушади. Халқимизнинг шундай ҳикматларидан бири «Бола азиз, тарбияси ундан ҳам азиз», деган ҳикматидир. Бу ибратли ҳикмат орқали инсон ҳаётида тарбиянинг ўрни ва аҳамияти нақадар устунлиги эътироф этилган.

Ота-боболаримизнинг 3 минг йиллик давлат ва ҳуқуқ тарихидан мерос бўлиб келган «Авесто»да ҳам бола тарбиясига алоҳида ўрин ажратилганлиги эътиборга молик. Унда халқ номидан Яратганга қарата: «Менга баркамол, ватансевар, ахил, эзгу андишали, зулматдан, тангликдан қутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг номи ҳамда овозасини кўтарсинлар»⁹, деган мурожаатлари бунинг яққол далилидир. «Авесто» ўша даврнинг ўзига хос қонуни бўлиб, унда оила қуриш, фарзанд кўриш ва уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, бола ҳуқуқларини ҳурмат қилиш оддий ҳол сифатида эмас, балки ҳар бир инсон учун эзгу ишлар каторидаги вазифа тариқасида белгиланган.

Шу сабабли ҳам узоқ ўтмишдан бола тарбияси миллий кадриятларимиз ўзагига айланган ва ҳар доим ҳам ўз самарасини бериб келган. Ваҳоланки, ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандини комил инсон қилиб тарбиялашдек улғу фазилатлари миллийлигимизга хос бўлган маънавий кадриятларимиз сирасидандир.

⁹ Каримов И.А. Эзгу фикр, эзгу амал, эзгу сўз улуғланган китоб. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 6 ноябрь.

Зеро, IX–X асрларнинг буюк файласуфи, маърифатпарвар Абу Наср Форобий асарларида эътироф этилганидек, «тарбия таълимдан устун қўйилиши ва таълимга нисбатан эрта бошла- ниши зарур бўлган жараён»¹⁰.

Очирини айтиш керак, тоталитар тузум даврида бола тар- бияси борасида кўп вақтни бой берган эдик. У пайтларда таъ- лим билан тарбия ўртасидаги фарқ анча узоқлашиб, узилиб қолганлигини, айниқса, саксонинчи йилларда бу масалаларга нождидий ёндашилганлигини кўпчилигимиз яхши биламиз. Бу- гун мамлакатимизда таълим-тарбия ишларининг кўшиб олиб борилаётганлиги миллий кадриятларимизга ҳам, миллий ман- фаатларимизга ҳам мос келади.

Маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, собиқ Итти- фокдан Ўзбекистонга таълим соҳасида қолган «мерос» аянчли аҳволда бўлганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Ўзбекистон истиклолга эришган вақтда мамлакатимизда 8 минг 333 та мактаб мавжуд бўлиб, улардан 3525 таси (43 фоизи) мослаштирилган биналарда фаолият юритган. Шу жумладан, мактабларнинг 1167 таси (33 фоизи) ўтган асрнинг 40–60 йил- ларида ҳашар йўли билан лой ва хом ғиштдан қурилган бўлиб, белгиланган талабларга жавоб бермаган. Мактабларнинг 80 фои- зи зудлик билан капитал таъмирлашни талаб қилган. Мавжуд мактабларнинг 4248 таси (52 фоизи) газлаштирилмаган, 3581 таси (44 фоизи) ичимлик суви билан таъминланмаган, 5004 тасида (61 фоизида) эса, марказий ва ҳовлига чиқарилган қувурлар тизими (канализация) бўлмаган, 4253 тасига (52 фоиз) теле- фон алоқаси ўрнатилмаган. Буларнинг барчаси ўқув-тарбия жа- раёнини тўғри ташкиллаштиришга халал бериб келган.

Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Респуб- ликаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан беш тамойил асосида яратилган «ўзбек модели»га мувофиқ таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор кўрсатила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий

¹⁰ Х. Бобоев, З. Ғофуров. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараккиёти. «Янги авлод» нашриёти, Тошкент, 2001 йил. 197–198-бетлар.


дастурлари, соҳани ривожлантиришга доир Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бир қатор умуммиллий дастурларнинг таълим тизимига муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари бутунлай янгича тус олди. Таълим-тарбиянинг ўзбек модели яратилди. Оила, маҳалла, мактаб ва жамият ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари И. Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари бирин- чи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, та- биати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қараш- лар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор- номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир»¹¹. Дарҳақиқат, оила, ма- халла, мактаб ва жамият ўртасидаги бола тарбиясига оид муно- сабатлар, гўё бир-бирини мустаҳкам боғловчи занжир халқала- рига ўхшайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу халқа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, фуқаролар- нинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбир- лари тўғрисида»ги қарори билан янада мустаҳкамланди.

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ри- вожланган баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, ота- оналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги Жа- моат кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бош- қармалари ҳузурида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкор- лиги ҳудудий жамоат кенгашлари тузилди ва уларнинг тарки-

¹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент – 2008 йил. 52-бет.



би, «Оила-махалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тасдиқланди.

Хуллас, истиқлол йилларида мактабларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, ўқувчиларга кенг ва тенг шароитлар яратиш, ўқув-тарбия жараёнлари сифатини яхшилаб бориш ишлари, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш, компьютер техника ва технологияларини киритиш ва Интернет тармоғидан унумли фойдаланиш учун барча қулайликларни яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 3431-сонли Фармони¹² мактаб таълимини ҳар томонлама ривожлантириш, ўқувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш учун асос бўлди.

Унга кўра, 2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 8501 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларга 1399,9 миллиард сўм маблағ сарфланган. Умуман олганда, мустақиллик йилларида 351 та янги мактаблар қурилган, 2470 таси капитал реконструкция, 3608 таси капитал таъмир ва 2072 та мактаб эса, жорий таъмирлашдан чиқарилган.

Шу йиллар давомида 1607 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланган, 1163 та мактаб газлаштирилган, 1607 та мактабга телефон алоқаси ўрнатилган, 1076 та мактаб каналлизация тармоғига уланган. Биргина 2011 йилнинг ўзида 272 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлиб, 2012 йилда ҳам 349 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришилган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йигирма йилида: «Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъмин-

¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 250-модда, 2005 й., 37–38-сон, 282-модда; 2009 й., 10–11-сон, 105-модда.

ланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди»¹³.

Агар 2004 йилда мактабларнинг педагогик кадрлар билан таъминланганлик даражаси 97,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб мазкур кўрсаткич 100 фоизга етган. 1991 йили 53 фоиз ўқитувчилар олий маълумотга эга бўлган бўлса, 2005 йили бу борадаги кўрсаткич 68,3 фоизга, 2011 йили эса, 75 фоизга тенглашган.

Пировардида, бугунги кунда 9779 та умумий ўрта ва махсус таълим мактаблари ҳамда 1539 та коллеж (1396) ва академик лицейлар (141) ўқувчи ёшларимиз хизматида. Умумий ўрта ва махсус таълим мактабларида 4682477 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда етти-та – ўзбек, қорақалпоқ, рус, козок, тожик, қирғиз ва туркман тилларда таълим бериш учун барча шароитлар яратилган.

Фарзандларимизнинг 4099428 нафари ўзбек тилида, 335842 нафари рус тилида, 91091 нафари қорақалпоқ тилида, 76702 нафари тожик тилида, 61873 нафари козок тилида, 9178 нафари қирғиз тилида, 8363 нафари туркман тилида умумий ўрта таълим олмоқдалар¹⁴. Бу эса, юртимиздаги турли миллат болаларига ўз она тилларида таълим олиш имконияти яратиб берилганлигидан далолатдир.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тили билан бир вақтда хорижий тилларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 6184 та мактабда инглиз тили, 2136 та мактабда немис тили, 1454 та мактабда француз тили, 105 та мактабда бошқа хорижий тиллар ўрганилмоқда¹⁵.

Мажбурий умумтаълим жараёнида бошқа халқлар тилларининг ўқитилиши ўқувчи ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама ошириш билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида белгиланган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон

¹³ Қаримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti. www.uza.uz.

¹⁴ www.uzedu.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вебсайти.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Асосий кўрсаткичлар. 2011 йил.

Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишни таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди»¹⁶, деган норма талабларига ҳам тўлиқ жавоб беради.

Умумтаълим мактаблари замонавий кабинетлар билан жиҳозланган, жумладан, 22 минг 709 та бошланғич 1 – 4 синфлар учун, 14 минг 335 та 5 – 9 синфлар учун кабинетлар, 6962 та физика, 6682 та биология, 6682 та кимё ўқув лаборатория хоналари, 2553 та ўқув устахоналари, (32 турдаги) 4625 та спорт заллари фаолият юритмоқда.

Мактабларнинг замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ҳамда спорт инвентарлари билан таъминланганлик даражаси 1990 йилга нисбатан 70 фоиздан ошган. Хусусан, бу борадаги кўрсаткичлар физика кабинетларида 28 фоиздан 71,2 фоизга, кимё кабинетларида 27,0 фоиздан 68,4 фоизга, биология кабинетларида 27,0 фоиздан 68,4 фоизга, компьютер техникаси 2,4 фоиздан 68,9 фоизга, спорт инвентарлари эса, 14,7 фоиздан 78,3 фоизга кўтарилган.

Ўзбекистондаги барча мактаблар ўртасида оператив равишда ахборот билан алмашилиш тизими ва ягона таълим тармоғини ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Бугунги кунда халқ таълими тизимида 8603 та кутубхоналар ва 1074 та ахборот ресурс марказлари фаолият олиб бормоқда.

Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши кўрсаткичи йил сайин ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Сўнгги беш йил ичида 117 миллион 190 минг 054 нусхада дарслик ва ўқувметодик қўлланмалар чоп этилган. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши даражаси 55,4 фоизга тенг бўлган бўлса, айни пайтда таълим олиб борилаётган барча тиллар ҳисобида мазкур кўрсаткич 100 фоизга тенглашган. Биринчи синфга кадам кўяётган ўқувчиларга Президент совғаси – янги дарсликлар ва 12 та номдаги ўқув анжомлари тақдим этилмоқда.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент – 2010 йил, 4-бет.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақилликка қадар битта дарслик бир неча йиллар давомида қўлдан-қўлга ўтиб, титилиб-йиртилиб юрган бўлса, истиқлол йилларида ҳар икки ва тўрт йилда дарсликларни янгилаш тартиби жорий этилган.

2 – 6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси ҳам ошган. 2011 йили уларга 22 фоиз болалар қамраб олинган бўлиб, мазкур кўрсаткич 1990 йилдагига нисбатан (17 фоизга) юқори эканлигидан далolat беради.

Болаларнинг истеъдодини ривожлантириш ва вақтини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида республикада ташкил этилаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари сони ҳам ошиб бормоқда. Агар ўтган асрнинг 90-йилларида 371 та мактабдан ташқари таълим муассасалари ишлаган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 563 тага етган.

Истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг 30–31 апрель кунлари умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида, 1–2 май кунлари ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари ўртасида 15 та фандан «Билимлар беллашувлари»нинг республика босқичи ўтказилди. Унда куйи босқичларда энг кўп балл тўплаган 529 нафар ўқувчи иштирок этди. Энг муҳими, истеъдодли ўқувчилар ёзнинг жазирама кунларини Чимён кўрғонидаги «Қуёшли» номли «Ёзги интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи»да ўтказдилар.

Мустақиллик йилларида ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кунга қадар 183 та спорт комплекслари (128 та қишлоқ ҳудудида), 62 та сузиш ҳавзалари (20 таси қишлоқ ҳудудида), 1796 та мактаб спорт заллари қурилиши ва 242 та спорт иншоотларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилган. Улар зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланиб, мазкур иншоотларда 23 та спорт тури бўйича машғулотлар ўтказиш имконияти яратилган.

Бугунга келиб 6 – 15 ёш оралиғидаги 1 миллион 615 минг 103 нафар (34,5 фоиз) ўқувчи спорт билан шуғулланишга жалб этилган бўлиб, улардан 703 минг 177 нафари (30,9 фоизи)ни

қизлар ташкил этади. 1990 йилда эса, спорт билан шуғулла- нувчилар сони 448 минг 833 нафар (7,4 фоиз)ни ташкил этган.

Мамлакатимизда жорий этилиб, дунё микёсида тан олинган республикада спорт мусобақаларини ўтказишнинг уч босқичли тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиа- да» баҳслари барча турдаги таълим муассасаларида болаларнинг спорт билан изчил ва мунтазам шуғулланишини таъминлаш им- конини бермоқда. Ушбу мусобақалар тизимида ўқувчилар ўрта- сида ўтказиладиган, чинакам оммавийликка эга «Умид ниҳолла- ри» беллашувлари алоҳида ўринни эгаллайди. Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида спортчиларимиз томонидан нуфуз- ли мусобақалар, жумладан, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпио- натларида ғалаба ҳамда юқори кўрсаткичларга эришиб, ўз навба- тида, мазкур ҳолат мустақил Ўзбекистоннинг халқаро микёсда- ги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатда болаларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги эътирофга лойиқ. Кам таъминлан- ган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларга куртка, бош кийим, кўлқоп ва оёқ кийим жамланмаси бўлган қишки кийимлар бе- риляётганлигини барчамиз яхши биламиз. Шу йиллар ичида 5 миллион 324 минг 723 нафар 1 — 9 синф ўқувчилари қишки кийим жамланмаси, 6 миллион 618 минг 722 нафар 1-синф ўқув- чилари эса, 117,7 миллиард сўмлик ўқув анжомлари жамлан- маси билан таъминланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган «Меҳ- рибонлик уйлари»да минглаб болалар барча қулайлик ва имко- ниятлар шароитида таълим-тарбия олишмоқда. «Меҳрибонлик уйлари»нинг бинолари, уларда яратилган шароитлар, хизмат кўрсатиш сифати энг юқори даражада.

Хизмат сафарларимиз доирасида бир қанча меҳрибонлик уйларида бўлишимизга тўғри келган. Ота-она меҳридан узокда қолган болаларга давлат томонидан меҳр-мурувват кўрсатилиб келинаётганлиги, яратилган шароитлар ҳар қанча ўзини «бой» ҳисоблаган одамнинг сеvimли фарзандларига яратган шароит- ларидан ҳам ҳайратланарли даражада ортиқлигини кўриб, қувон- дик ва шу билан бир вақтда айрим «она» деган шарафли номга

доғ туширган, «ота»лик бурчини унутган инсонлар ҳам орамиз- да мавжудлигидан афсусландик.

Ҳар қандай йиртқич хайвоннинг ҳам боласини олдидан олиб, важохатини бир кўринг-а! Масалан, уйда сигир сақлаганлар яхши билишади, унинг боласини ёнидан олиб кетсангиз, ёнига келти- риб кўйгунингизча ем-хашакка ҳам карамай, безовта бўлади. Бо- лалигимда товугимиз эргаштириб юрган жўжалардан бирини ту- тиб олгандим. Ўшанда она товук мени қанчалик қаттиқ чўкиб, қанотлари билан уриб ташлаганлиги ҳали-ҳамон ёдимдан чикма- ган. Кўзларимдан айрилиб қолишимга оз қолганди. Мутахассис- ларнинг билдиришича, ҳатто энг захарли илон ҳам зурриётлари- ни боқиш ва тарбиялаш мажбуриятдан қочмас экан. Шуларни эслаб, нахотки, инсон ўз фарзандини ташлаб кетишдек жирканч ишга ҳам қодир, деган фикрлар ҳаёлимизни чулғайди.

Албатта, ота-онанинг меҳр нуридан мосуво бўлган бола- ларни кўриб, уларнинг қалбидаги ҳаммадан яшириб юрадиган кемтикликни сезиб, юрагинг эзилади экан. Аммо, уларга давла- тимиз томонидан кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик, оналар- ча меҳрибонлик, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар кўнги- ларга таскин беради. Энг муҳими, болаларнинг қалбларини тўлдириб турган бахтиёрлик ҳисси уларнинг кўзларида кўри- ниб турганлиги кишини қувонтиради.

Ногирон болалар ҳам Давлатимиз раҳбарининг эътибори- дан четда қолмаган. 10 минг 825 нафар ногирон болаларга уйда таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган, улар мах- сус дарсликлар, ўқув анжомлари ва компьютерлар билан бе- пул таъминланган.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва- зирлиги тасарруфидаги беш минг икки юздан ортиқ мактабгача тарбия муассасалари 555 минг нафарга яқин фарзандларимизни ўз бағрига олган ва уларга қарийб 58 минг педагог ходим бирик- тирилган. Мактабгача тарбия муассасалари фаолияти тубдан та- комиллаштирилиб, барча замонавий шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умуммаж- бурий бепул таълим тизими жорий этилиши натижасида умум- таълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги

3 йил давмида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиш имкониятига эга бўлдилар. Мустақиллик йилларида ўзининг меъморий қиёфаси ва техника таъминоти га кўра олий ўқув юртларидан қолишмайдиган 1500 дан ртиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей бинолари барпо этилди ва ишга туширилди. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлардаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, аynи вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам яратиб берди.

Таълим-тарбия жараёнини ислоҳ этиш олий ўқув юртларидаги икки барор ар ортганлиги ва бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари сони 59 тани ташкил этганлиги, уларда 230 мингдан зиёд талаба таълим олаётганлиги, абитуриентларни талабани кабул қилиш механизмлари босқичма-босқич такомиллашиб бораётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ри овлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефт ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иктисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европада ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилган. Халқаро даражада танилган бундай олий таълим муассасаларининг бевосита мамлакатимизда фаолият кўрсатаётганлиги ёқларимиз учун яратилган энг катта қулайликлардан биридир.

Шу ўрнда айтиш жоизки, мамлакатимиз бўйлаб шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари Амр Темур бобомизнинг «Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз курган иморатларга боқ» деган сўзларини ёдимизга сладади. Яна шундай ишлар борки, уларни ҳамма ҳам кўравермайди. Масалан, биргина «Маърифат саройи»нинг ичкарисига нзар солинг. Ундаги қулайликлар, қимматбаҳо асарни кўриб барчамиз учун яратилган бу каби шақалбаримиз ифтихор туйғулари билан тўлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Консерваториясига кирган бўлсангиз, яхши биласиз. – Залнинг бир томонини тўлиқ эгаллаган «Орган» деб аталадиган ушбу нодир мўсақа асбоби катталиги ва қимматбаҳолиги жихатидан дунёнинг учта мамлакатигагина мавжуд. Шулардан биттаси Ўзбекистондир, – дейди Консерватория ходимларидан бири. Тўғриси, бир таълим муассасаси шундай салобатли ва ноёб мўсақа асбоби билан таъминланганлигини кўриб, анча вақтгача ҳаяжонимни боса олманман.

Бундай саъй-ҳаракатлар ёш авлоднинг маънавий оламини интеллектуал бойитишга қаратилганлигидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар кимнинг кафолатланган билим олиш ҳуқуқи амалда тўлиқ таъминланаётганлигидан, ҳар бир бола учун маънавий озуқа манбалари яратилганлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз раҳбари И. Каримов таъкидлаганидек: «Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки, қайси жамият бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш унинг кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай жамият жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар»¹⁷. Шу нуқтаи назардан, бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчаси навқирон авлоднинг ақл-заковатини чархлашга йўналтирилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Яратилган шароитлар, таълим-тарбия ишлари, маънавий озуқа манбалари йиллар давомида янада юқори самара бериши, аниқ натижалар кўрсатиши, ёшларимиз эса, бундан-да маънавий камол топиши шубҳасиз. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради»¹⁸.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, бу каби эзгу ишларнинг самараси яққол кўзга ташланмоқда. Мамнуният билан айтиш

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги. 05.03.2010. www.UzA.uz

¹⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент – 2008 йил, 28-бет.

жоизки, Бутунжахон банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 2012 йил 16 – 17 февраль кунлари бўлиб ўтган ва кўплаб йирик халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия, Исроил, Англия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шarti» мавзuidaги халқаро конференцияда мамлакатимизда қисқа муддат ичида таълим соҳасида эришилган ютуқлар, шу билан бир вақтда, таълим-тарбия ишларининг кўшиб олиб борилаётганлиги юқори баҳоланди.

Хусусан, халқаро анжуманда сўзга чиққан БМТ Бош қотибининг ўринбосари Нойлин Хейзер, Халқаро Вестминстер университети ректори Жеффри Петтс (Буюк Британия), М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий, Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али, Вебстерск университети проректори Нанси Хеллеруд (АҚШ), Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан, Хосей университети ректори Тошио Масуда (Япония), Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Теодор Алерс ва бошқалар томонидан бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳаси тараққиётнинг бош омилига айланганлиги, мамлакат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели қисқа муддатларда юқори натижалар берганлиги қайта-қайта эътироф этилиб, бу соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотларга юқори баҳо берилди.

Конференцияда айрим иштирокчиларнинг фикрлари билан ўртоқлашдик. Жумладан, Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши президенти Ден Девидсон шундай фикрлар билдирди:

– Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва унинг бепул экани қонунларингизда белгилаб қўйилгани эътиборга молик. Бугунги кунда ўсиб келаётган янги авлодингиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-хунарга эга бўлишига, айниқса, қизларнинг бу жараёнда фаол қатнашишига қаратилаётган улкан эътибор ҳам таҳсинга лойиқ.

Белгиянинг Брюссел Эркин университети профессори Жак Вилрокснинг фикрига эътибор қаратайлик:

– Мамлакатингиздаги касб-хунар коллежларида талабаларга яратилган шароит, замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган махсус хоналар, халқаро стандартларга мос таълим тизимининг йўлга қўйилганлиги менда катта ҳавас уйғотди. Ҳали ўн олти ёшга ҳам тўлмаган ўқувчи-ёшларнинг тиббиёт, математика, астрономия, жўғрофия каби аниқ фанларни пухта билиши, бир неча тилларда эркин сўзлаша олишини кўриб, ҳайратим ошди. Бунга мен Тошкент геодезия ва картография касб-хунар коллежи, 1-республика тиббиёт коллежи ўқувчилари билан бевосита мулоқотларим асносида тўла амин бўлдим.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамма-хаммани лол қолдирди ва бу ҳақда конференция иштирокчилари томонидан резолюция қабул қилинди. Резолюцияда Ўзбекистоннинг таълим-тарбия соҳасида қисқа давр ичида ортирган тажрибасини бутун дунё мамлакатлари тажрибасига киритиш масаласи илгари сурилди.

Хуллас, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғломлаштириш, таълим-тарбия бериш, комил инсон қилиб тарбиялаш масалаларига эътибор жуда катта. Бу соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мақсад ва моҳияти ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама баркамол, комил инсон қилиб тарбиялашга йўналтирилган.

Ишончимиз комилки, мана шундай шароитларда униб-ўсиб келаётган жажжи ўғил-қизларимиз вояга етгач, келгусида шу азиз Ватанимизнинг ёруғ истиқболи учун, буюк келажаги учун хизмат қилишга ўзларини бағишлайди. Улар ўз зиммасидаги «Юрт фарзанди», деган шарафли номни ғурур ва ифтихор ҳамда бениҳоя юксак масъулият билан оқлайди.

Зеро, буюк маорифшунос, маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийнинг сўзи билан айтганда: «Тарбия биз учун ё хаёт – ё мамот, ё нажот – ё халокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир»¹⁹.

ОНГ ЭКОЛОГИЯСИ. Онг экологияси – онгни (заҳарланишлардан) муҳофаза қилиш, онгни зарарсизлантириш, онгни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тушунчаларини беради. Онг экологияси ҳақида илк бор эшитаётган одам бироз таажжубланиши табиий. Аммо, онгни турли хил заҳарланишлардан сақлаш чораларини кўриш шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги давримизда жуда муҳимдир.

Экология деганда, кўпчилик олимлар фақат атроф-табиий муҳит муҳофазасини тушунишади. Аслида экология – бу тирлик организмларнинг ўзаро ва атроф муҳитга бўлган муносабатини ўрганадиган фан. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсон тирлик организм сифатида ўзига нисбатан экология фанининг объекти, атроф табиий муҳитга нисбатан эса, субъект бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, инсоният табиатнинг ажралмас бир бўлаги тариқасида ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва умуминсоний қадриятларни рўёбга чиқаришда муносабатдошидир.

Йиллар давомида экология «фан» сифатида ривожланиб, ўзига хос методологик йўналишларга эга бўлиш баробарида, шу қадар жадаллик билан ижтимоий ҳаётга ҳам сингиб бормоқда. Кейинги йилларда экология атамаси кириб бормаган ижтимоий-иқтисодий соҳанинг ўзи қолмади, десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирги вақтда эколог-олимлар орасида «инсон жисми экологияси», «инсон қалби экологияси» ҳақида қизғин мунозаралар давом этмоқда. Дарҳақиқат, бирор-бир муносабатни мўтадиллаштириш учун аввало қалб тоза бўлиши лозимлиги мантиққа зид эмас. Албатта, инсон қалби бирор-бир хатти-ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ҳақида амр қилади, онг эса, шу буйруқни бажаришдан қутиладиган натижаларни муҳокама қилиб, унинг мувофиқ турини танлайди. Шу сабабли ҳам «қалб экологияси» ҳақидаги ёндашувларни қўллаб-қувватлаган ҳолда «онг экологияси» ҳақида ҳам баҳс-мунозара юритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тўғри, экология ҳақида гап борганда «экологик онг» тушунчаси кенг қўлланилади. Ваҳоланки, «экологик онг» ва «онг экологияси» назариялари бир-бирларидан айри тушунчалардир. Экологик онг – бу экология фани, экологик муносабатлар, уларни мўтадиллаштириш ва экологик вазиятни сақлаш, экологик қонунчилик каби экологияга оид маълумотларнинг киши онгида шаклланишидир. Онг экологияси деганда эса, инсонларнинг атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатда бўлиши эмас, аксинча, инсон онгининг турли зарарли ахборот ва маълумотлар билан заҳарланиши ва бунинг натижасида онг фаолиятидаги мувозанатнинг бузилиши тушунилади.

Маълумки, инсон барча жонзотлар орасида энг онгли мавжудот ҳисобланади. Унинг комиллик устуни ҳам онгининг ривожланганлик даражаси билан ўлчанади. Онг – инсоният жамиятидаги маданийлаштирувчи омилдир. У ривожлангани сари жамиятнинг маданийлашуви ҳам ортиб боради.

Ҳалқимиз орасида фалончининг «мияси заҳарланган», «мияси айниган» «миясига қурт тушган» деган гаплар кўп эшитилади. Мантиқан, бу сўзлар замирида онг экологиясининг бузилишига оид ишоралар ётади.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон организмнинг 70 фоизини сув ташкил қилса, миянинг 90 фоизи сувдан иборат²⁰. Сувнинг яхши ва ёмон ахборотларни тез қабул қилиши ҳам, сув орқали инсон организмга тез ва самарали таъсир кўрсатиш натижалари ҳам илмий исботланганлигини яхши биламиз. Шу сабабли, инсон мияси ҳар қандай ахборотни жуда тез қабул қилади. Бу ахборотлар ижобий хусусиятга эга бўлса, натижаси ҳам яхши, агар акси бўлса, унда инсон онгини заҳарлайди. Онги заҳарланган одамдан ҳар қандай ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатни кутиш мумкин.

Инсон онгининг заҳарланиши атроф-муҳитга нисбатан муносабатининг кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Агар киши ўз онгининг заҳарланишига қарши етарли иммунитетга эга бўлмаса, кириб келаётган ахборотларни синтез қила олмаса ва ёмон

¹⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – келажак пойдевори.

²⁰ Вода и мозг человека. Газета «ДЕНЬ», №117, пятница, 10 июля 2009 г. <http://www.day.kiev.ua/276698/>

ахборотларни қабул қилса, бу ахборотлар ақлни чалғитади. Натижада онг таназзулга учрайди. Масалан, билими саёз, маънавияти паст, иродаси кучсиз, мушоҳадаси йўқ, жиззаки, тажанг одамларнинг онги тез заҳарланади.

Онг заҳарланишининг салбий таъсири кўча-кўйда, маҳаллада, мактаб ва бошқа жамоат жойларида, кўни-кўшничилик ва ҳатто оилавий муносабатларда ҳам сезилиб туради.

Айрим ака-укалар ўртасидаги инсонийликка тўғри келмайдиган ёмон муносабатларни кўриб, қачон уларда бир-бирига шундай душманлик муносабати пайдо бўлди, деган саволга жавоб изласангиз, «албатта, улар уйланганларидан кейин», деган жавоб топасиз. Ўшанда, «дарҳақиқат, улар уйланмасларидан илгари жуда аҳил эдилар-ку», деб ўйланиб қоласиз. Бундай пайтда «нега, хотин-қизлар шу қадар жохилми?» деган саволга жавоб излайсиз. Йўқ, албатта. Назаримизда хотинининг «дийдиё»си билан заҳарланиб, заҳрини шошма-шошарлик билан ака-укаларига сочган, шу тариқа муносабатларини таранглаштирган эркак жохил, аслида.

Маҳаллий аҳолимиз удумларидаги тўй олдидан, тўйда ва ундан кейин бўладиган борди-келдилар, олди-бердилар, деди-дедилар кўплаб жанжалларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиб, охир-оқибат айрим оилаларнинг бузилиб кетишигача етиб бораётганлиги амалиётда кузатилмоқда. Аслида, бунга ҳам онг экологиясининг бузилиши сабаб бўлмоқда.

Айниқса, оиладаги бўлар-бўлмас гап-сўзлар, «деди-дедилар» билан заҳарланиш ҳолатлари ҳаётимизда учраб турганлиги кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Қайнона-келин «дийдиё»лари-ю, қуда-анда, опа-сингилларнинг шивир-шивирлари майда-чуйда муносабатларнинг чуқурлашиб, иммунитетни паст бўлган онгнинг заҳарланиб боришига сабаб бўлади. Оқибатда, дастлабки иззат-хурматлар йўқолиб, уларнинг ўрнини бир-бирига нисбатан нафрат чулғаб олади. Ҳатто, ўз ота-онасини унутиб кўядиган, улар билан узилишиб, «юз кўришмас» бўлиб кетадиган йигитлар ҳам учрайди бундайлар орасида. Кескин тус олган бу каби вазиятлар турли оғир оқибатларни келтириб чиқариши, баъзан эса, жиноятлар содир этилишига ҳам сабаб бўлиши аини ҳақиқат.

Мушоҳада учун ҳаётининг бир мисол келтирайлик. Одил судлов органларининг архив материалларига кўра, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир қилганликда айбланган Сирож исмли киши маҳалла кўмитасидан берилган тавсифномада онасини ўлдириш билан боғлиқ мудҳиш жиноятни содир қилгунига қадар ақлли, одобли, ота-онасига ва бошқа яқинларига нисбатан меҳрибон, маҳалла-кўйда ҳурмати бор, оғир-босиқ йигит сифатида эътироф этилган. Жиноят ишида тўпланган дастлабки тергов ва суд материалларида эса, Сирож уйланганидан кейин салбий томонга ўзгарганлиги қайд қилинган. Унинг ўз туришганларига – қариндошларига нисбатан муносабати совуқлаша бошлаган. Аниқланишича, Сирожнинг ҳиссиётларга берилиб кетганлигидан фойдаланган турмуш ўртоғи унга ҳар куни «Онанг ундай деди...», «Онанг бундай деди...», «Онанг ундай қилди...», «Онанг бундай қилди...», каби онасини ёмон кўрсатувчи сўзларни кўп такрорлаган. Рухшуносларнинг жиноят иши материалларига кўшилган хулосасига кўра, турмуш ўртоғининг «дийдиё»лари Сирожнинг онгини қаттиқ заҳарлаган ва унда онасига нисбатан кучли нафрат уйғонишига сабаб бўлган. Оқибатда у мунис ва мўътабар онасининг қотилига айланган. Хуллас, қисқа вақт ичида икки дунёсидан ҳам бутунлай маҳрум бўлган Сирож онаи-муқаррамасини ойболтанинг ўткир тигидан ўтказиб, ховлисининг бир бурчига кўмиб ташлаган²¹.

Онг заҳарланиши натижасида содир этиладиган жиноятларнинг тури кўп, аммо уларнинг аксарияти ҳам, мудҳиши ҳам қасддан одам ўлдириш жиноятидир. Мутахассисларнинг фикрича, бундай жиноятнинг субъекти аксарият ҳолларда эр ёки хотин бўлади. Масалан, кўп ҳолларда эр-хотин муносабатлари турли хил «миш-миш»ларнинг тарқалиши натижасида кескинлашиб қолади ва бу арзир-арзимас миш-мишлар эр ёки хотиннинг онгини маълум бир даражада заҳарлайди. Энг хавфлиси, эр ёки хотин тарқатилган ахборотнинг тўғри ёки сохталигини, ундан кўзланган мақсад ва муддаони ойдинлаштирмасдан, хулоса чиқаради. Уларнинг ожизлиги, яъни онгини заҳарлашга қаратилган ахборотларни тўғридан-тўғри қабул қилиши оқибат

²¹ Суд архивидан.

тида, ҳатто, жиноят ҳам содир этилади. Бундай мисолларни ҳаётда кўп кузатиш, жиноят ишларидан мисоллар ҳам келтириш мумкин.

Шундай жиноят ишларидан бирини варақлаганимизда, хунук бир воқеа сабабларидан хабардор бўлдик. Воқеа тафсилотларига кўра, Фозил билан Нозима эр-хотин бўлиб жуда аҳил яшашган. Кунларнинг бирида Нозима ҳомиладорлиги, врач кўригида бўлганлиги, уни эркак врач қабул қилганлиги, эркак врачнинг қабул қилиш услуги аёл врачларникига нисбатан малакали бўлганлиги ҳақида кўшни аёлга гапириб берган. Бу оддий гапларни эшитган «кўшни аёл» эр-хотин ўртасига совуқчилик солиш мақсадида анчагина бўрттирилган уйдирма гаплар билан Фозилнинг онгини заҳарлаган. Жиноят иши материалларига кўшилган «гувоҳни сўроқ қилиш баённомаси»да Фозил уйига жаҳл билан кириб кетганлиги, орадан кўп ўтмай кўлларининг қони билан кўчага чиқиб, хотинини ўлдиргани ҳақида хабар берганлиги баён қилинган. Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра, Нозима танасига олтмиш икки марта пичоқ чуқур санчилиши натижасида вафот этган²².

Мутахассислар яна бир жиноят ишини кўлимизга беришди. У ҳаммасидан ҳам даҳшатлиси эди. Бир неча улфатлар чойхонада ўтиришибди, суҳбат устида улардан бири Эшматга қараб: — Хотинингни юриш-туриши ўзгариб қолган, наҳотки, сен шуни пайқамаган бўлсанг, эркакмисан ўзи? — деган сўзларни гапиради. — Нима дединг, — дейди кўлидаги пиёлафи дастурхон устига отиб юборган Эшмат оловланган кўзларини суҳбатдошига тикиб. — Ўзингни бос, хотинингдан эҳтиёт бўл, дедимда. Биттаси илакишиб юрганмиш...

Бу «миш-миш» ахборотнинг тўғри-нотўғрилигини таҳлил қилишга ақл-идроки етмасдан онгини заҳарлаб олган Эшмат шу кечаси уйига келиб, анча вақтгача хотини ётган хонага бирон киши кириб-чиқинини пойлайди. Ўзини кўлга олиши учун орадан бир неча соат вақт ўтишига, ҳеч ким уйига кириб-чиқмаганлигига, «миш-миш»нинг қанчалик асосли ёки асоссиз эканлигини текшириб кўриш учун имкониятлар мавжудлигига

²² Суд архивдан.

қарамасдан, ярим тунда уйига ойболта билан кириб, бегуноҳ хотинининг ва унинг ён-атрофида ётган беш нафар боласининг бошини танасидан жудо қилади²³.

Бинобарин, ўз онгини бошқара олмаган ҳар қандай шахс мамлакатимизнинг адолатли қонунларига мувофиқ қилмишига яраша жазосини олади. Лекин, ўша «миш-миш»чилар ҳам унутмасинки, ўзгалар ҳақида уйдирма гаплар тарқатиш қонунчилигимизда «туҳмат» деб квалификация қилинади. Тухмат қилиш, яъни бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 40-моддасига ҳамда Жиноят кодексининг 139-моддасига мувофиқ, маъмурий ва жинойи жавобгарликларни келтириб чиқаради. Халқимиз ҳам инсонларни бир-бирига тезлаш, улар ўртасига совуқчилик солиш каби иллатларни одат қилган одамлардан энг зулмкор, энг гуноҳкор, энг ваҳший инсон сифатида нафратланади.

Инсон онгини заҳарлаш шахсга эмас, жамиятга ёки жамиятнинг айрим қатламларига нисбатан қаратилган бўлса-чи? Бу ўта офир, жуда ҳам хавфли, албатта. Турли оқимларнинг заҳарли маълумотлари, ахборотлари, гиж-гижлашлари таъсирида ўз онгини идрок эта олмай қолган айрим ватандошларимизнинг падари бузрукворига, муштипар онасига, сеvimли оиласига нисбатан қурол кўтариб, ўк узганидан, она Ватанига қилган хиёнатларидан, айрим шахар ва қишлоқларимизда содир бўлган кўпоровчиликлар натижасида бутун бир миллатга, ватандошларимизга етказилган жароҳатлардан, руҳий, моддий ва маънавий зарарлардан халқимиз чеккан азиятларни унутиб бўладими, ахир.

Демак, инсон онгини ҳар хил зарарли маълумот ва ахборотлардан муҳофаза қилишга, маънавий таҳдидлардан асрашга қаратилган саъй-ҳаракатлар нафақат жиноятчиликнинг камайишига, мамлакат тинчлиги ва осойишталигига, юрт равнақи ва турмушимиз фаровонлигига ҳам хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, инсон онгини турли зараркунандалардан, айниқса, ёшларимиз онгини заҳарлашга қаратилган ури-нишлардан, маънавий таҳдидлардан муҳофаза этиш, улар онгига барча кўринишдаги маънавий таҳдидларга ва зарарли таъ-

²³ Суд архивдан.

сирларга нисбатан кучли иммунитет ҳосил қилиш, онг софлигига ва саломатлигига эришиш ҳар бир кунимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, соғ танда – соғлом ақл бўлади.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида эришилаётган натижалар, фарзандларимиздаги Ватанни хис қилиш, уни севиш, ардоқлаш, асраш, Ватан билан гурурланиш ва ундан фахрланиш каби ҳиссиётлар уларни катта-катта муваффақиятларга чорламоқда. Халқаро миқёсда фан-техника, маданият, спорт ва бошқа интеллектуал соҳаларда ўтаётган мусобақалар ва олимпиадалардаги фарзандларимиз эришаётган ютуқлар ҳам ана шу бебаҳо туйғуга туташир.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий *«Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур»*²⁴ деганда қанчалик ҳақ эканлигини бугунги ёш авлоднинг халқаро даражада эришаётган ютуқларида кўриб турибмиз. Мамлакатимиз ёшлари Бош қомусимиз ва қонунларимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан, ҳар томонлама таълим-тарбия олиш учун яратилган шарт-шароитлардан оқилона ва унумли фойдаланиб, бугунги кунда жаҳон интеллектуал майдонида ҳам, спорт майдонида ҳам шахдам одимлаб бораётганлиги барчамизни беҳад қувонтиради.

Бу бежиз эмас, албатта. Айниқса, мамлакатимизда навқирон авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар қўлами кенгайгани сари, спортчиларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар сони ҳам ортиб бормоқда. Зеро, мухтарам Президентимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда: «Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида валабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди».

²⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент – 2008 йил, 95-бет.

Мустақил мамлакатимизнинг дастлабки қонунларидан бири сифатида 1992 йил 14 январда ижтимоий ҳаётга кириб келган ва 2000 йил 20 майда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни соҳага оид муҳим ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда. Унга кўра ҳар бир фуқаро жинсидан, ёшидан, миллатидан, динидан, мулкӣ ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш йўналишидаги жамоат ташкилотларига бирлашиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тез ва юқори самара бераётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Соҳада амалга оширилган ислохотларнинг кейинги ўн йилга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги, 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2006 йил 26 декабрдаги «2007 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2007 йил 12 декабрдаги «2008 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2010 йил 15 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорт объектлари, сузиш хавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2010 йил 1 апрелдаги «Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2010 йил 5 майда-

ги «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2011 йил 19 январдаги «2011 – 2013 йилларда Республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустахкамлаш ва уни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрлар юртимиз шаҳар ва қишлоқларида болалар спортини ташкил этишда асосий дастуриламал хужжат сифатида хизмат қилаётганини таъкидлаш ўринли.

Очигини айтсак, соҳага қаратилаётган юксак эътибор натижасида фарзандларимиз эришаётган ютуқлар, халқаро спорт мусобақаларида ва Олимпиа ўйинларида ўғил-қизларимиз эгаллаётган нуфузли ўринлар, қўлга киритилаётган шода-шоода медаллар кўксимизни ғурур ва ифтихор хисси билан тўлдирмоқда.

Масалан, 2008 йилда 487 нафар спортчи-ўқувчиларимиз (136 нафари қизлар) 47 та медалга сазовор бўлган бўлса, 2009 йилда 595 нафар ўқувчи (шундан 218 нафари қизлар) қирқдан ортиқ мамлакатларда ташкил этилган мусобақаларда қатнашиб, 63 та олтин, 45 та кумуш ва 58 та бронза (жами 166 та) медални қўлга киритган. 2010 йилда ташкил этилган 39 та халқаро спорт мусобақаларида 483 нафар ёшлар (шундан 163 нафари қизлар) иштирок этишган. Шулардан 311 нафарини қишлоқларда истиқомат қилувчи ўқувчи-ёшлар ташкил этади²⁵.

Қишлоқ жойларда яшовчи ёшларимизнинг бир йил давомида 46 та олтин, 19 та кумуш ва 23 та бронза медалларига сазовор бўлганлиги қишлоқ жойларда спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитлар натижаси эканлиги ҳам барчамизга ойдек равшан.

Аниқ мақсадга йўналтирилган шундай саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошган.

²⁵ Бердиев Х. Баркамол авлод – мамлакатимизнинг мустахкам таянчи. «Тошкент окшоми» газетаси 2012 йил 13 февраль. №30 (12.091)

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 таси олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 медал (60 таси олтин) жамғарган. Сув спорти турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз энг кўп медал олгани алоҳида эътиборга сазовор. Жумладан, қорақалпоғистонлик Абубакир Узақбаев Сингапурда академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида олтин медални қўлга киритганлиги²⁶ қалбларимизни қувончга тўлдирди.

Ҳа, бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борар экансиз, бири биридан ҳашаматли, юқори технологиялар асосида, халқаро стандартлар даражасида барпо этилган спорт мажмуаларини кўриб, баҳри-дилингиз яйрайди. Ҳамма талабларга жавоб берадиган спорт масканларининг эшиклари ўғил-қизларимиз учун доимо очик. Бу эса, фарзандларимизнинг халқаро спорт майдонларида Ўзбекистон Давлат байроғини энг баланд чўккиларга олиб чиқишига мустахкам заминдир.

Мана шундай бунёдкорлик ишларини кўрганамизда улур мутафаккир Алишер Навоийнинг:

«Одами эрсанг, демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами», – деган мисраларини эслаб, истиқлолнинг завқли дамларидан баҳра оламиз. Аждодларимиз орзу қилган кунлар етиб келганлигидан, бугунги кунда халқнинг ғаму ташвиши билан ёниб яшаётган, халқ ғамини елкасига ортган Юртбошимиз – фаровон замонамизнинг буюк бунёдкори борлигидан қувонамиз.

Аниқ режалар, эзгу ишлар натижасида сўнгги етти йил оралигида республикаимизда барпо этилган 1200 дан ортиқ спорт иншооти бугунги кунда фарзандларимиз ихтиёрида. Уларнинг мингдан ортиғи, яъни 79 фоизи қишлоқ жойларида қад ростлаган.

– Мен спортнинг «таэквондо» турига қизиққан вақтим 14 ёшда эдим, – дейди «таэквондо» бўйича жаҳон чемпиони Мушарраф Маҳмудова. – Қишлоғимиз Бўка туманининг бир четида жойлашганлиги сабабли дадам мени ҳар куни Тўйтепа шаҳрига олиб борарди, кейинчалик эса, Тошкент шаҳрига қатна-

²⁶ Каримов И.А. Баркамол авлод – мамлакатимизнинг мустахкам таянчи. www.uza.uz

дим. Бугунги кунда қишлоқдан шаҳарга бориб спорт билан шуғулланиш учун ҳеч қандай зарурат қолмади. Қишлоқларимизда шаҳарлардагидан кам бўлмаган спорт иншоотлари қад кўтараётганлиги биз – ёшларга мустақиллик инъом этган мукамал бахтнинг бир бўлагидир.

Шундай имконият ва шароитлардан унумли фойдаланган қизларимизнинг ҳам спорт мусобақаларидаги салоҳиятли иштироки йил сайин ўсиб бормоқда. Масалан, бадий гимнастика бўйича терма жамоа аъзоси Ульяна Трофимова мустақилликка эришганимиздан сўнг илк бор Олимпия ўйинлари йўлланмасининг соҳибасига айланган қизларимиздандир. Илгарилари «Ўзбек қизлари тош кўтариш мусобақаларида иштирок этибди», дейишса, ҳеч ким ишонмасди. Шу йил Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ўзбек спорти тарихида илк маротаба Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси вакили 48 кг вазндаги Марина Сисоева Лондон олимпиадасида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январдаги «Ўзбекистон спортчиларининг 2012 йил Лондон (Буюк Британия) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз спортчилари учун янада кўпроқ имкониятлар яратди. Натижада, 54 нафар йигит-қизларимиз 24 июль куни XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Буюк Британия пойтахти – Лондон шаҳрига жўнаб кетишди. Ўшанда, Ўзбекистон спорт делегациясининг, ҳар бир спортчимизнинг ортидан илму маърифат, маданият ва спорт соҳаларида ҳар доим қўли баланд келган улур халқимиз умидворлик билан тикилиб қолганди.

Дунёнинг икки юздан ортиқ мамлакатидан энг сара спортчилар иштирок этган ушбу нуфузли олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз Ришод Собировнинг «дзюдо», Аббос Атоевнинг «бокс», Сослан Тигиевнинг «эркин кураш» спорт тури бўйича бронза медалларини қўлга киритганлиги, айниқса, Артур Таймазовнинг «эркин кураш» спорт тури бўйича «Олтин медаль» соҳиби бўлганлиги халқимизни тўлқинлантириб юборди. Бай-

роғимиз Лондон осмонида баланд кўтарилиб, Мадҳиямиз бутун дунё узра баралла янграганда кўзларимизда қувонч ёшлари қалкиди. Хурсандчилигимиз оламга сирмай кетди.

Ҳа, Олимпиада ўйинларининг илк асосчиларидан бири Пьер де Кубертеннинг «Кумуш бурғулар галабани эълон қилганларида улар фақат голибни шохсупага чиқарибгина қолмай, спортни, ақл ва кучни, мардлик ва иродани, садоқат, жасорат ва шонни шарафлайдилар. Улар ўз қалбини спортга бағишлаган, ўз ишлари, ўз ибрати билан ҳаётини жасоратга ундайдиган инсонларни шарафлайдилар», деган сўзларини бизнинг спортчиларимиз ҳеч қачон унутишмайди. Бинобарин, бизнинг спортчиларимиз ўз ғурурини, ўз халқини, ўз Ватанини шарафлайдиган ботир ўғил-қизлардир.

Нафақат спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида эришилаётган ютуқлар ҳам кишини қувонтиради. Сўнгги ўн беш йил давомида умумтаълим фанлари олимпиадаси Республика босқичида жами 4970 нафарга яқин ўқувчи ёшлар иштирок этган. Уларнинг 3300 нафарга яқинини умумтаълим мактаблари, 1470 нафарга яқинини ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ташкил этади. Ушбу иштирокчилардан 991 нафари совринли биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб, имтиёзли равишда (кириш имтиҳонларисиз) йўналишларига мос олий таълим таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган. Уларнинг 641 нафарини умумтаълим, 350 нафарини ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ташкил этган.

Мамлакатимиз умумтаълим мактаби ўқувчилари 1995 йилдан бошлаб халқаро фан олимпиадаларида иштирок эта бошлаган. 1995 – 2011 йиллар давомида математика, физика, биология, кимё, информатика, рус тили фанларидан хорижий давлатларда ўтказилган халқаро олимпиада ва танловларда умумтаълим мактабларининг 244 нафар ўқувчилари иштирок этиб, 157 та медални, жумладан, 20 та олтин, 49 та кумуш, 88 та бронза медалларни қўлга киритишган²⁷.

²⁷ www.uza.uz ЎЗА, Анна Иванова.

2008 йилнинг 29 апрель – 4 май кунлари Тошкент шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 42-халқаро Менделеев олимпиада-сида 15 та давлатдан иштирок этган 90 нафарга яқин ўқувчилар орасидан 13 нафар ўзбекистонлик ўқувчилар 1 та олтин, 1 та кумуш ва 11 та бронза медални қўлга киритишган. Шулардан 9 нафари умумтаълим мактаблари ўқувчиларидир.

Хуллас, бирор-бир соҳа йўқки, бизнинг фарзандларимиз томонидан қайси бир даражада забт этилмаган бўлса. Мусиқа соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида гап кетганида, дунёнинг биринчи рақамли фортепьяночиси – халқимизнинг сеvimли фарзанди Бехзод Абдураимов ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Япония (2001), Хитой (2002), Италия (2003), АҚШ (2006) ва бошқа давлатларда ўтказилган халқаро танловлар ғолиби, лицей ўқувчилари ўртасида илк Президент стипендияси соҳиби, 2008 йилда пианиночиларнинг халқаро «Корпус крист» ва «Леннокс» танловлари мутлақ ғолиби, «Нихол» мукофотининг совриндори Бехзод Абдураимов 2009 йилда Лондонда жажоннинг энг таниқли фортепьяно усталари иштирокидаги халқаро танловда ҳам ғолиб бўлиб, Ўзбекистон ёшларининг нималарга қодирлигини яна бир карра амалда ишботлади. Бу унинг миллатимизга хос бўлган қатъияти ва интизомининг, меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлигининг маҳсулидир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадини камраб олган «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1999 йил 10 июндаги Фармони²⁸ муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга мувофиқ 2000 йилдан буён 182 нафар қизларимиз ўзларининг сермазмун ижодий фас-

²⁸ www.lex.uz. Президент фармони. Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида.

лиятлари эвазига Ўзбекистон Республикасининг «Зулфия» номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Хуллас, фарзандларимизнинг бу каби ҳар томонлама эришяётган ютуқлари дунёдаги баъзи бир ноҳолис кучларга ёқмаётганлиги ҳам сир эмас. Уларнинг ҳавас билан эмас, ҳасад билан қараётганлиги минтақамиз ёшларининг маънавий оламига таъсир қилувчи, уларнинг фикру хаёлини, онгини чалғитувчи турли-туман воситалардан кенг фойдаланишга уринаётганлигида, хуллас, ёшлар онгига маънавий таҳдид солаётганлигида кўри-ниб қолмоқда.

Маънавиятимизни чилпарчин қилишга уриниш каби кирдикорлар тушунчаси Юртбошимиз Ислон Каримовнинг «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман»²⁹, деган фикрларида рўй-рост очиб берилган.

Кейинги йилларда маънавий таҳдид солувчиларнинг қораниятлари фош бўла бошлади. Ваҳоланки, бундай қабих ишларнинг бошида турганлар ҳам инсонлар. «Одамнинг оласи ичида...» – деганларидек, нахотки инсонлар шундай қабихликка юз тутса?

Инсон онгига нисбатан маънавий таҳдид солишга бел боғлаган айрим кимсаларнинг мамлакатимизга, фарзандларимизга қаратилган ахборот хуружларини кўриб шоир Бобур Бобомуроднинг «Инсон экологияси» номли шеъридаги қуйидаги мисралар ёдга келади:

«Олам кўрки – одам боласи,
Лек ичида унинг оласи.
Жавоб излаб ҳайрондир юрак –
Инсонга бу не учун керак?!»³⁰

²⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент – 2008 йил. 13–14-бетлар.

³⁰ Бобомуродов Б. Умр баҳори. «O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2004 йил. 130-бет.

Ха, ўйлаб қоласан, киши. Бизнинг тинчимизга раҳна солиш сенга нима учун керак, кўролмасликми ёки манфаат?

Маълумки, мустақил давлатларга демократияни экспорт қилиш васвасаси, ғарблаштириш – «вестернизация» йўлидаги уриниш, антиглобализм – диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, порнография, зўравонликни тарғиб қилиш, ахборот хуружи каби ғайриинсоний ташвиқотлар жаҳон афкор оммаси қаторида бизнинг халқимизни ҳам ташвишга солмоқда.

Энг ёмони, бундай таҳдид ва тажовузлар ортида турган кишилар ўз хатти-ҳаракатларига ялтироқ ғоялар, дунёга демократияни ёйиш, жаҳон халқларига «бахт-икбол», «эркинлик» бериш, «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» каби шиорларни қалқон қилиб олган. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, улар жаҳон афкор оммаси тасаввуридан глобаллашув жараёнида дунё халқлари орасидаги тафовут пардаларини сидириб ташлашга уринишмоқда.

Маънавий таҳдид манбалари ҳақида мулоҳаза юритганимизда, мафкура куролининг ғайриинсоний ва ғайримиллий жиҳатдан бизнинг миллий маънавиятимизга мутлақо ёт эканлигига имон келтирамиз ва дунёни остин-устун қилиб юбориши шубҳасиз эканлигига амин бўламиз.

Минг афсуски, башариятнинг илоҳий тўрт муқаддас китоби: Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон қондаларига зид бўлган диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, инсон онгини захарлайдиган, меҳр-мурувватни унутишга олиб келадиган воситаларни тарқатишга зўр берилмоқда. Айниқса, видео ва овоз ёзувли материаллар, кино-фото материаллар, ёвузликни тарғиб қилувчи қўрқинчли кино-видео фильмлар, телерадио дастурлари, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари, порнографик мазмундаги асарлар ва бошқа маҳсулотлар, рекламаларнинг турли йўллар билан ёшлар орасига билинар-билинамас ҳолда мажбуран киритиш йўлига ўтилганлиги кузатилмоқда.

Бундай ҳаракатлар биз учун, бизнинг келажагимизни белгиловчи, эртанги кунимизни ҳал этувчи фарзандларимизнинг

онгини захарлашга қаратилган маънавий таҳдид эканлигини ҳар биримиз унутмаслигимиз шарт.

Турли никоблар остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларининг тарқатилиши асрлар давомида тўплаган анъана ва кадриятларимизга, комил инсон тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши табиий. Турмуш тарзимизнинг ютуқларини кўролмаслик, унинг минглаб йиллар давомида орттирилган маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган интилиш каби хатарли таҳдидлар халқимизни ташвишга солмай қўймайди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир»³¹.

САРОБ ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ. Иродаси мустаҳкам ёки заиф киши бўлганидек, ҳар бир кишининг ўз руҳий ҳолатига кўра, маълум даражада диний ва дунёвий эътиқодлари ҳам бўлиши мумкин. «Эътиқод» билан «ирода» бир-бири билан чамбарчас боғлиқ руҳий куч. Масалан, иродаси мустаҳкам одам ҳар қандай қийинчиликка чидай олганидек, эътиқоди мустаҳкам одам ҳар қандай ғайри ташвиқотга қарши тура олади.

Айни вақтларда эътиқодни заифлаштириш орқали ўз мақсадларига эришиш ниятида бўлган оқимлар халқимиз орасида оралаб юрганлиги кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Айниқса, диннинг маъно-мазмунини тушуниб етмаган, уни бузиб кўрсатишдан манфаатдор бўлган баъзи бир оқимларнинг фуқароларимизни бир диндан бошқа динга оғдириш, уларнинг эътиқодига даҳл қилиш ҳаракатлари ҳар қандай одам қалбини ларзага келтиради. Миссионерларнинг эътиқоди заиф кишиларни ўз қармоғига илинтириш, ёш ўғил-қизларнинг онгини чалғитиш йўли билан эътиқодини ўғирлаш борасидаги ҳаракатлари ҳам инсон онгига зарарли таъсир қилиш орқали амалга оширилмоқда.

³¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарк, 1999 йил. 8-бет.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида «Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қондан бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади»³², деб белгилаб қўйилган.

Жаҳон афкор оммасига таниқли аллома Жалолоддин Румий «Ичиндаги ичиндадир» китобида: «Бу ер — дунёдир. Шунинг учун ҳам диннинг бир бўлиши мумкин эмас. Чунки, бу ерда уларнинг турли-туман истаги ва тилаги бордир. Дин дунёда бирлашолмайди»³³, деб ёзганидек, миссионерлик, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик оқимларнинг мақсад ва муддаолари, ҳаракат ва уринишлари ҳам асоссиз. Бу дунёда ҳар бир халқнинг ўз истаги, ўз яшаш тарзи бор.

Ислом дини юртимизда ўн уч асрдан буён биз билан ёнма-ён, биз билан бирга. XII асрнинг диний ва дунёвий ҳуқуқ масалалари бўйича йирик намояндаси Бурҳониддин Марғиноний таълимотида ҳар доим инсонлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжихатлик юқори қўйилган. Унинг беназир китоби — «Ҳидоя» асарида одамлар ўртасидаги муносабатларга раҳна солиш, диний муносабатларда бетартибликни келтириб чиқариш энг оғир жиноят³⁴ эканлиги баён этилган.

Тарихдан маълумки, маҳаллий халқ вакиллари асосан ислом динига эътиқод қилишса-да, ҳар доим бошқа диний қарашлар ва мазҳаблардаги кишилар, бошқа дин вакиллари билан дўстона муносабатда бўлган. Бу анъана истиқлол йилларида янада ривожланди. Мамлакатимизда Давлат мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан ҳар бир кишига виждон эркинлигини амалга ошириши учун ҳам кенг имкониятлар яратилди. Конституциямизнинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркин-

лиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»³⁵, деган халқчил, адолатли норма белгилаб қўйилди.

Қайта-қайта такрорлаш жоизки, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда турли дин вакилларига тенг ҳуқуқлар берилди, уларнинг қонуний фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳузурида Дин ишлари бўйича комитет ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари комитетига (қўмитасига) асос солинди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан баҳамжихат ҳаракати ва ҳамкорликни ўрнатиш; диний масалаларни ҳал қилишда вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари билан биргаликда ягона сиёсатни ўтказиш; қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган республикадаги диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этиш Қўмитанинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Мустабид тузум даврида Ҳаж сафари тўғрисида гапириш ҳам мумкин бўлмаганлигини кўпчилик яхши билади. Истиқлолимиз йўлбошчиси Ислом Каримов давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган чоғлариданоқ Ҳаж сафарларига борувчилар учун кенг ва қулай имкониятлар яратила бошланди. Эндиликда ҳар йили беш мингдан ортиқ фуқароларимиз Ҳаж сафаридан баҳраманд бўлишмоқда. Бир пайтлар ҳайит байрамларини нишонлаш, шундай байрамларда сайр қилиш тақиқланганлигини яхши биламиз. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 131-моддасида Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни ҳамда Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адха) диний байрамнинг

³² www.lex.uz Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни. 5-модда.

³³ Жалолоддин Румий. Маънавий-маснавий. «Шарк» нашриёти, Тошкент — 1999 йил, 11-бет.

³⁴ Бурҳониддин Ал-Марғиноний. «Ҳидоя», «Адолат» нашриёти, Тошкент — 2000 йил. 1-жилд, 327-бет.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент — 2010 йил, 8-бет.

биринчи куни байрам кунлари қаторига киритилиб, дам олиш кунлари деб эътироф этилди.

Тошкент ислом университети ташкил этилиб, исломшуносликни ўрганиш учун барча шароитлар яратилди. Қолаверса, кўплаб бошқа диний ташкилотларнинг ҳам мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар берилди.

Шу ўринда дадил ва қатъий айтамызки, бизнинг халқимиз, шу жумладан ёшларимиз ҳам ўз йўлини ўзи белгилаб олган. Уларни чалғитаман, деган ғараз ниятлар пуч хаёлдан бошқа нарса эмас. Улар бошлаган саробга асло бошқаларни эргаштириб кета олмайдилар.

МУСТАҲКАМ МЕЗОНЛАР. Муҳтарам Президентимиздан «Ўзбекистон ёшлари – менинг фарзандларим», «Биз фарзандларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз», деган сўзларни кўп эшитганмиз. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда ёшларга, вояга етмаганларга ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шундай гўзал диёрда яшовчи ҳар бир болага нафақат ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва хомийлик органлари ҳамда давлат томонидан, шахсан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан ғамхўрлик қилинаётганлиги ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Соҳа мутахассисларининг маълумот беришича, ижтимоий муҳофазага муҳтож болаларга бегараз ёрдамлар миқдори йил сайин кенгайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Хусусан, етим, ногирон ва кам таъминланган болаларнинг таълим-тарбияси учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, Президентимизнинг болаларга бўлган оталарча ғамхўрлиги, раҳнамолиги бу борадаги ислохотларнинг янада самарали кечишига ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг³⁶ 93-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили сифатида эътироф этилганлиги ҳам энг мустаҳкам мезонлардан биридир.

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент – 2010 йил.

Айниқса, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни³⁷ муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Қонун асосида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати олиб борилмоқда. Унда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигига эришиш, болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш, болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш, болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш, боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадий ижодкорлигини ривожлантириш, болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш каби устувор вазифалар Давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган.

Бундай давлат сиёсатининг юритилиши аввало мамлакатимизда яшовчи ҳар бир боланинг миллатидан, тилидан, танасининг рангидан, ижтимоий келиб чиқишидан, туғилган жойидан, моддий аҳволдан қатъи назар, бир хилда қабул қилиш, бир хилда кўриш, бир хилда қўллаб-қувватлаш ва бир хилда ҳимоя қилиш каби тенглик принципига асосланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда фарзандларимизнинг эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш ҳуқуқи, ўз шаъни ва кадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқи, қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилмаслик, хибсга олинмаслик, қамоқда сақланмаслик кафолати билан боғлиқ нормаларнинг киритил-

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда.

ганлиги болаларнинг катта ёшлилардан ҳам кўра юқори даражада химояланганлигидан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида қонунлар билан кафолатланганлигидан далолат беради.

Шу билан бир вақтда мазкур Қонун болани эксплуатация қилишнинг барча шаклларида, шу жумладан, жисмоний, рухий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, кўпол ёхуд инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, жинсий фаолиятга, фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этилишдан химоя қилиш билан боғлиқ нормалар эса, уларни маънавий зўриқишлардан асрашга хизмат қилади.

Ушбу Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ундан болалар онгини турли хил заҳарли ахборотлардан химоя қилишни назарда тутувчи норма ҳам ўрин олган. Хусусан, Қонунда ҳар бир боланинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари белгиланган ва бу норма талабига кўра, ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Айни вақтда порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш каби ҳаракатлар тақиқланган.

Шунингдек, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳам қонун нормаларидан бирига айланган.

Хуллас, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишига, маънавияти ва кадриятларига қарши қаратилган, уларнинг рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзлайдиган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари кўрсатиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар қонунчилигимизда таъқиб қилинади.

Маълумки, инсонларнинг маънавий оламини бузадиган, фикру хаёлини чалғитадиган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлардан бири порнографик маҳсулотлардир. Бу каби хатти-ҳара-

катлар ёшлар онгига маънавий бузқликка оид маълумотларни сингдиришга қаратилганлиги билан ҳам хавфлидир. Бинобарин, порнография ҳеч вақт бизнинг миллий маънавиятимизга тўғри келмаган ва тўғри келмайди ҳам.

Албатта, бундай ҳаракатлар жавобсиз қолмайди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 189-моддасида порнографик мазмундаги материалларни тарқатиш учун маъмурий жазо назарда тутилган. Унга кўра, порнографик мазмундаги асарлар, босма нашрлар, ашёларнинг тасвирлари, кино-видео фильмлар, телерадио дастурлар, видео ва овоз ёзувли материаллар, кино-фото материаллар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш учун маъмурий жавобгарлик, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг 130-моддасида намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек, уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш учун жинсий жавобгарлик белгиланган.

Жорий йилда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унда порнографик маҳсулотларни олиб кириш, тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун маъмурий ва жинсий жавобгарликни такомиллаштиришга доир, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни олиб кириш, тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш каби қилмишлар учун маъмурий ва жинсий жавобгарликлар белгиланганга доир, порнографик ҳамда зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар тушунчаларини ойдинлаштиришга доир нормалар ўрин олган.

Аввало, бу нормалар, «касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул» деганларидек, огоҳлантирувчи хусусиятга эга. Шу нуқтаи назардан, бундай қонуннинг қабул қилинишидан мақсад, болалар ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамда анъаналар асосида тарбияланишини кучайтириш, бизнинг миллий кадрият-

ларимизга ёт бўлган тубан «оммавий маданият»нинг инсон онгига, камолотига ҳалокатли таъсирини олдини олишга қаратилган.

Ижтимоий хавфлилик даражаси юқорида бир неча мисоллар орқали баён қилинганидек, инсоннинг имон-эътиқодини издан чиқарадиган, ўзлигини ўғирлайдиган, фикру хаёлини чалғитадиган, онгини заҳарлайдиган диний экстремизм, сепаратизм, ақидапарастлик каби ғайриинсоний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган қонун нормалари ҳам мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 184-моддасида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш учун маъмурий жазо назарда тутилган. Унга кўра, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 244¹-моддасида эса, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаганлик ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаганлик учун жиноий жавобгарликлар назарда тутилган.

Маълумки, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш ҳаракатлари жамиятимиз учун ҳам, ҳар бир инсоннинг тинч ва фаровон турмуш тарзи учун ҳам ниҳоятда хавфли. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 244²-моддасида ана шундай хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, ушбу модданинг биринчи қисмида диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузганлик, уларга раҳбарлик қилганлик, уларда

иштирок этганлик учун беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида ўша ҳаракатлар оғир оқибатларни келтириб чиқарган ҳолларда ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиниши белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, башарти, шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилиниши ҳам эътиборга олинган.

Шунингдек, диний маълумот ва таълимотларни нотўғри етказишга, талқин қилишга қаратилган, инсонларни бир диндан бошқасига оғдиришга ундайдиган ва бошқа ғараз мақсадларни кўзлайдиган диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш каби ҳаракатлар, уринишлар учун ҳам зарур жазо чоралари белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 184²-моддасида диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш учун маъмурий жазо назарда тутилган. Бундай ҳаракатлар маъмурий жавобгарлик қўлланилганидан кейин ҳам давом этадиган бўлса, унда Жиноят кодексининг 244³-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Маънавий таҳдиднинг яна бир ёмон кўриниши миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш ҳаракатларида кузатилмоқда. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 184³-моддасида маъмурий жазо назарда тутилган.

Демак, бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар жавобсиз қолмайди. Чунки, улар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ва маънавий кадриятларимизни йўқотишга, ёш авлод қалбига ёвузлик, худбинлик, ваҳшийлик каби салбий ҳиссиётларни сингдиришга, онгни заҳарлашга, ақлни ўғирлашга,

халқлар ўртасида турли зиддиятларни келтириб чиқаришга қаратилганлиги билан ҳам ижтимоий хавфлидир.

Бундай иллатларга қарши курашиш борасида Президенти-мизнинг «Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи, ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жохил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўткази олмайди»³⁸, деган кўрсатмаларига амал қилиб иш тутумимиз даркор.

Фарзандларимизнинг онгини заҳарлаш, маънавий дунёсини ўз измига бўйсундириш, уларни ўз йўлларида адаштириш истагида бўлган ноҳолис оқимлар йўлбошчилари унутмасинки, Конституциямиз ва қонунларимизга мувофиқ, барча фуқароларнинг маънавий дахлсизлиги қафолатланган. Маънавий таҳдид қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Фарзандларимизнинг нафақат жисми-жони, ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳатто ақл-идроқи, маънавияти ҳам қонун билан мустаҳкам ҳимоя қилинади.

³⁸ Каримов И.А. Юсак маънавият — енгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент, 2008 йил. 119–120-бетлар.

ТИРИКЛИК ТОМИРИГА ТИҒ ТОРТМАНГ, У ҲАМ ДАХЛСИЗ!

Менинг назаримда, авваламбор Яратганимизнинг ўзи ҳар бир мавжудотга жасорат кўрсатиш имконини беради ва онг-тафаккур соҳиби бўлган инсонлар бундан ибрат олиб яшайди. Мисол учун, эрта баҳорда табиатнинг қандай уйғонишига эътибор беринг — тош қотиб ухлаб ётган дарахт новдаларига бир кечада жон кириб, куртак чиқара бошлайди, ерга ташланган уруғ тупроқни ёриб чиқади. Ҳатто бир қарашда ҳаёт аломати йўқдек туюладиган тоғу тошларда ҳам ям-яшил майсалар кўкаради, қирмизи лолалар алвон гиламдек очила бошлайди. Буларнинг барчаси табиат бағридаги кўзга кўринмас мислсиз қудрат-энергиянинг ажиб бир тарзда намоён бўлиши билан боғлиқдир»³⁹.

Ислом Каримов

ЭНГ ОҒИР ДАРД ВИЖДОН АЗОБИДИР. Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонган чоғимизда юрагимиз гуп-гуп уриб турганлигини хис этиб, тану жонимиз саломатлиги учун, шу ёруғ оламни кўриб, тирикликнинг завқ-шавқидан баҳраманд бўлиб яшаётганлигимиз учун Яратганга шукрлар қиламиз. Баъзан эса, гўзал ҳаёт нашидасига берилиб, ҳатто танамизда юрак борлигини, гоҳ билдириб, гоҳида билдирмасдан кириб-чиқиб турган нафас (кислород) эвазига шу ҳаётда мавжудлигимизни унутиб ҳам қўямиз. Аслида ҳаётимизнинг гўзаллиги она Ер гўзаллиги билан чамбарчас боғлиқ. Шундай эмасми?

Бу гўзаллик ўзининг пурвиқор тоғларни, сўлим водийлари, табиий сув хавзалари, тароватли қиру адирлари, кўнгилни

³⁹ Каримов И.А. Юсак маънавият — енгилмас куч. «Маънавият» нашриёти, Тошкент, 2008 йил. 108-бет.

яшнатадиган сўлим боғлари билан донг таратган Ўзбекистонимизга хос. У биогеографик ўлкалар туташган минтақада жойлашгани боис табиати ғоятда ранг-баранг, хавоси мусаффо. Ҳатто, чўл ва сахроларининг ҳам ўзига хос гўзаллиги, нафосати бор.

Қаерда бўлмасин, бизнинг жонажон Ватанимиз – Ўзбекистон ҳақида гап борганда, «жаннатмакон ўлка», «тупроғида олтин гуллайди», деган иборалар жуда кўп ишлатилади. Бу каби таърифлар бежиз эмас. Ўзбекистон – боғу роғлари ҳам, тоғу тошлари-ю, чўлу биёбонлари ҳам ўзига ярашган бетакрор диёр. Нафақат тупроғида, тошларида ҳам олтин гуллайди, бу диёрнинг... Унинг кўрку тароватини тез-тез мадҳ этгимиз келади:

Хурликка бошлаган йўлингга таъзим,
Тошни ёриб чиққан гулингга таъзим,
Олтин унаётган чўлингга таъзим,
Мехнатдан терлаган кўлингга таъзим...
Довруғинг бир олам, танамда жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Ҳа, Ватанимизнинг кўрку таровати Мустақиллик саодати билан бутунлай гўзаллашди. Шаҳар ва қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада обод бўлди. Диёримиз табиати ҳам барқарор ривожланишимизга мос равишда кўркамлашиб, кўкаламлашиб бормоқда.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон наботот дунёси таркибида ҳозирги кунда 4,5 мингга яқин ёввойи ўсимлик, 2 мингдан зиёд замбуруғ турлари мавжуд. Улардан 3000 дан ортиқ тури олий ёввойи ўсувчи ўсимликлар, уларнинг 9% – эндемиклардир. Ўлкамизда ўрик, шафтоли, олма, нок, гилос, олча, беҳи, хурмо, ёнғоқ, бодом сингари мевали, тол, мажнунтол, шумтол, каштан, терак, чинор, қайрағоч, эман, туя дарахти сингари манзарали ва турли-туман нинабаргли дарахтлар ҳам кўп.

Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда ўсимлик турларининг ниҳоятда бойлигини ва йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини кўрсатади. Бироқ, ана шундай бебаҳо бойликка эҳтиётсизларча муносабатда бўлиш, ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга лоқайд ёндашиш ва ундан нооқилона фойдаланиш, ўт қўйиш, ўтин қилиш каби ҳолатлар баъзи турларининг кескин қамайишига

ҳам сабаб бўлмоқда. Оқибатда, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га 163 турдаги ўсимликлар кирган бўлса, 1999 йилда уларнинг сони 301 турга, 2006 йилда эса, 305 турга етди. Ўсимликларнинг кўпчилик турлари ёввойи ҳолда ўсади, бу ўсимликлардан хом ашё тайёрлаш ёки манзарали турларини оммавий тарзда тўплаш ва тайёрлаш жадаллашиб кетгани сабабли уларнинг кўпчилиги (лола, саллагул, зайцеғуб, эремурус) «Қизил китоб»га кириб қолди.

Дунёга донғи кетган лола ва саллагуллар, етмак ва бозулбанглар, умуман олганда, 138 турдаги ўсимликларни алоҳида муҳофаза остига олиш тақозо этилмоқда. Айниқса, тобора қамайиб кетаётган заранг, гужум, саксовул, тут, чинор каби дарахт турлари алоҳида масъулият ва эътибор талаб қилади.

Бу рақамлар барчамизни баҳамжихатликда табиатни химоя қилишга ундайди. Негаки, шу ҳаётда мавжудлигимизнинг асоси табиат билан чамбарчас боғлиқ. Соғлигимиз ҳақида қайғурган чоғимизда унинг таянчи табиат эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз, баъзида. Ахир, биз инсонлар табиатнинг бир бўлаги эмас-мизми, аслида?..

Илмий асосланган маълумотларга кўра, дарахтлар атмосферадаги углерод кўшуксидинигина эмас, бошқа зарарли аראлшмаларни ҳам ютади, чангни ўзида қуршаб олади. Ўрмоннинг ҳар бир гектари ўртача 18 млн. метр куб микдордаги ҳавони тозалайди. Ёз мавсумида яшил экинлар бир соат ичида 1 гектар майдондаги 8 кг углерод кўшуксидини қамраб олиб, 200 кишига етадиган соф ҳаво етказиб беради. Муболағали айтганда, дарахтзору ўрмонзорларни кислород ишлаб чиқарувчи фабрикаларга ўхшатиш мумкин.

Баъзан «Сув йўқ жойда дарахт ҳам бўлмайди», деган сўзларни эшитиб қоласан, киши. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, аксинча, дарахт йўқ жойда сув ҳам бўлмас экан. Ўсимликлар, айниқса, нинабаргли ўсимликлар илдиз тизимида кўп микдорда, яъни бир гектар майдондаги арчазор 6 минг кублитр сув тўплаши илмий исботланган. Демак, ўсимликлар нафақат атроф-муҳитни кислород билан, ҳатто булоқларни обихаёт билан ҳам таъминлар экан.

Инсоният ва табиат эгизак тушунча. Инсон ҳаётини яшил оламсиэ тасаввур этиш қийин. Агар яшил олам инсон танасидан, саноат корхоналари ва чиқиндилардан чиқадиган карбонат-ангидрид ва бошқа заҳарли газларни ютиб, ҳаёт учун зарур бўлган кислородни етказиб бермас экан, бунинг оқибатини ҳаммамиз яхши биламиз. Нафас кириши тўхтадимиз, демак, борлик ҳам тўхтайдиз. Бу ҳаёт ҳақиқатику!

Шундай экан, нега биз инсонлар ўсимлик оламига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаяпмиз, деган савол туғилади. Кейинги йилларда инсон омили туфайли айрим турдаги дарахтларнинг кескин камайиб бораётганлиги ҳаётимизни хавф остида қолдирмоқда-ку, ахир! Она сайёрамизни тоза ҳаво билан тўлдирувчи наботот оламига бундай муносабат адолатданми?

Ҳа, биз одамларни мусаффо ҳаво билан сийлаб — ҳаётбахш неъмат берадиган, баҳорда ям-яшил либосларга кириб — кўзимизни яшнатадиган, турли-туман ранглар жилосида гулга бурканиб — кўнглимизни қувонтирадиган, ёзнинг иссиқ палласида сояси билан жонимизга оро кирадиган, кузда ширин-шакар мевалари билан дастурхонимизга файз киритадиган, қиш келганда бўрон ва тўфонларни қайтариб, беминнат хизмат кўрсатадиган дов-дарахтларга нисбатан айрим замондошларимизнинг жохил муносабатини кўриб, дилинг ачийди, қалбинг йиғлайди, инсон зоти шу қадар жохил бўладимиз, дея, ёка ушлайсан, киши.

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида жойлашган «Башир» қишлоғида бўлиб, у ердаги сўлим боғларни, булоқлардан сизиб чиқадиган зилол сувларни кўриб, мамлакатимизнинг бетакрор гўзаллигига яна бир бор тан берган эдим. У ердаги катта-кичик дарахтлар умрингизга умр, соғлигингизга соғлиқ ваъда қилиб турганлиги бегумон. Алпомишвиқор маҳаллий чинорлар осмонни елкасида кўтариб тургандек, гўё. Ана шундай муқаддас дарахтлар томирига болта урган баъзи юртдошларимиз ҳақидаги хабарни эшитиб, вужудимни титроқ босди.

— Улар ким экан?

— Бегона эмас. Ўша жаннатсифат қишлоқда яшовчи Ғ. ва Ш. ларнинг ҳар бири икки тупдан чинорнинг, Д., О., Ў. ларнинг ҳар бири бир тупдан чинорнинг, К. эса, бир йўла беш туп

чинорнинг илдизига болта урган, — деди суҳбатдошим надомат билан.

Ўшанда асрлар давомида халқимиз томонидан эъозлаб келинаётган Сурхондарё вилоятидаги «Алпомиш» ва «Барчиной», Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Бурган қишлоғидаги минг йиллик «Бобочинор», Янбош қишлоғидаги «Лангар-ота» чинори, Ургут тумани марказидаги «Етти чинор», шу туманнинг Ғўс қишлоғидаги, Наманган вилояти Косонсой туманидаги осмонўпар чинорлар кўз ўнгимда гавдалана бошлади.

Нахотки, халқимиз муқаддас билиб, миллий дарахтимиз сифатида эъозлайдиган чинор⁴⁰дек муаззам дарахтларни ўтин қилиш мақсадида кесишдан кўркмади, улар. Одамларнинг локайдликлари туфайли авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, тарихимиздан, ўтмишимиздан, яхши-ёмон кунларимиздан, иссиқ-совуғимиздан хабардор бобо чинорларнинг умри нокаслар кўлида хазон бўлди. Ваҳоланки, халқимизнинг «Бирни кессанг, ўнни эк», «Эртага қиёмат дейишса ҳам кўчат эк» каби ҳикматларида кўчат экиб, боғ яратиш, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш каби эзгу мақсадлар мужассамдир.

Мутахассисларнинг Қашқадарё вилояти бўйича берган маълумотларига кўра, 2010 йил давомида 99 марта, 2011 йилда 40 маротаба ноқонуний дарахт кесиш ҳолатлари қайд этилган. Бу кўрсаткичларнинг аксарияти Дехқонобод (87), Қамаш (43) туманларига тўғри келади.

— Кейинги йилларда, — дейди суҳбатдошим бошини чайқаб, — Дехқонобод ўрмон хўжалигида арча дарахтларини кесиш ҳамда коврак ўсимлиги ширасини ноқонуний равишда ўзлаштириш ҳолатлари кўп учрамоқда. 2008 йилда Дехқонобод ўрмон хўжалиги томонидан 62 млн. сўм микдорида ўсимлик дунёсига зарар етказилган. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар кейинги йилларда ундан-да кўпаймоқда. Айниқса, Муборак, Дехқонобод туманлари худудларида арчаларни кесиб кетиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Энг ачинарлиси шундаки, ўрмонни кўриқлашга масъул ходимлар томонидан ҳам арча дарахтини кесиб, сотиш ҳолатлари учраб турибди. Кесилган дарахтга етказилган зарар коп-

⁴⁰ Бу ерда чинор номини олган ёввойи дарахтлар ҳақида эмас, маҳаллий чинорлар хусусида сўз бормоқда.

ланиши мумкин, лекин бир дона арча ниҳолини экиб, уни дарахт даражасига етказиш учун жуда кўп вақт керак бўлади. Бир дона арча дарахти ишлаб чиқарадиган тоза ҳаво, илдизи орқали ушлаб турадиган тоза сувни миллионлаб сўмларга ҳам сотиб ололмаймизку!

Ох-хў-ў, қанчалик аччиқ бўлмасин, суҳбатдошим келтирган маълумотлар бор ҳақиқат. Эзгу ишларга лоқайд ва беписанд муносабатда бўладиган шундай одамлар орамизда учраб туриши дилни ранжитади. Битта дарахт экишни билмагани холда ўсиб турган дарахтни ўз манфаати йўлида кесиб олган кишини яна нима ҳам дейиш мумкин. Нақадар ачинасан, ташвишланасан, киши. Ўнта ёш ниҳолни ерга қадаб, битта қуриган дарахтни кесиб олса, отасига раҳмат, дейишади. Асли «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда хозир», деганларидек, дарахтларга гўё ўзининг шахсий мулкидан фойдаланаётгандек муносабатда бўлиш ваҳшийлик ва очкўзликдан бошқа нарса эмас, назаримизда.

Айниқса, автомагистраллар, темир йўл атрофларидаги ихота дарахтларини кесиб олувчилар сони ҳам кўпайиб бораётганлиги бирор-бир виждонли инсонни бефарқ қолдирмайди. Ўтин сотиб олиш ўрнига ўсиб турган дарахтни ўғрилиқ йўли билан кесиб олиб кетиш ёки ундан тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш жамоат мулкани талон-торож қилишнинг бир кўринишику, деб ўйланиб қоласан киши. Шаҳарларимизда ҳам, айниқса, кўп қаватли уйлар оралигидаги бугун бор дарахтларнинг эртаси кунга йўқ бўлиб қолиш ҳолатлари кузатилиб туради. Ундан фақат тўнка қолганлигини кўриб, қанчалик ачинасан. Хуллас, наботот оламига зарар етказган киши виждон азоби дардига мубтало бўлиши аниқ. Виждон азоби — бу одам танасини ичидан емирадиган куч, унинг дарди эса, жуда қаттиқ ва бедаво. Яхшиси, бу дардга чалинмаган маъқул.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўз шахсий мулкидан фойдаланиш ҳам дарахтга нисбатан бўлса, ўйлаб кўришни тақозо этар экан. Ёши улуғлардан қуриган дарахтни кесмаслик беҳосият бўлгани каби, қуримаган дарахтни кесиш ҳам хосиятсиз, деган гапларни эшитганмиз. Бир суҳбатдошим дарахт кесишнинг хосиятсизлиги тўғрисида гапириб, бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди.

— Нарпай туманида яшовчи бир киши шахсий томорқа хўжалигидаги, аниқроғи, ўз ховлисидаги дарахтни кесишга

киришган. Ўшанда, дарахтдан «кесма», деган садо чикқан. Бу фойибона овоздан таажжубланса-да, ҳалиги киши дарахтни кесишни давом эттираверган. Ўшанда, дарахт танасидан юмронкозик сингари бир жонивор қочиб чиқиб, дарахт кесаётган кишининг уйига кириб кетган. Шу захотиёқ ўша уйда ёнғин бошланган. Ёнғин бошқа ёнғинлардан фарқли бўлган, яъни бир буюм ёниб ётган бир вақтда унинг ёнидаги ёки устидаги бошқа бир тез ёнадиган буюм ёнмасдан турганлиги одамларни ҳайрон қолдирган. Энг даҳшатлиси, ким ўт ўчириш учун ёрдамга келса, унинг уйида ҳам худди шундай ёнғин пайдо бўлган. Эшитишимга қараганда, бу ёнғин фақатгина Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг аралашуви билан бартараф этилган.

Суҳбатдошим бу гапларни ёқасини ушлаб, Яратганга тавба келтириб гапирди.

ҚУРТНИНГ ҚАРҒИШИГА ҚОЛМАНГ... Дарахтлар орасида энг камтарин, ҳокисор ва энг муҳими инсон ҳаёти учун жуда фойдали дарахтлардан яна бири тутдир. Унинг саховатлилиги шундаки, шохларини кесиб олаверасиз ва яна шох чиқараверади. Ҳокисорлиги эса, униб чиқиш учун вақт ва жой танламаслигидадир. Шундай хусусиятлари баробарида у серҳосил, серҳосиятдир. Уни ёши улуғларимиз беҳиштдан чиққан дарахт, деб ҳам кадрлашади.

Халқимизнинг «Битта дарахт эксанг ҳам тут эк», «Тут пишиғига етиб олсак бўлгани» деган гапларининг мазмун-моҳиятини очарчилик даврларини бошидан ўтказганлар яхши билишади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўпгина юртдошларимизнинг ҳаётини тут дарахтлари сақлаб қолганлигини эшитганмиз, китобларда ўқиганмиз. Ҳа, тутнинг меваси тўйимлилиги ва шифобахшлилиги билан бошқа мевалардан фарқ қилади.

Таъбир жоиз бўлса, тут дарахти ҳам маҳаллий чинорлар сингари муқаддас дарахт саналади. Ривоят қилишларича, Оллоҳ Ўнга ҳар доим шуқур қилиб яшайдиган пайғамбарлардан бири Аюб алайҳиссаломни яна бир бор синаш мақсадида унинг танасига қурт туширган экан. Шунда ҳам Аюб алайҳиссалом шуқрона келтиришни тўхтатмагач, Яратганнинг амри билан бу қурт

лар тут дарахтига қўйиб юборилибди. Шу-шу, бу илохий қуртлар тут барглари еб, ундан ипак чиқарар экан.

Ҳа, ипак қурти ҳақидаги ҳикмат тагида ҳақиқат бор. Шу сабабли ҳам ипакчилик саноатида тут дарахтининг ўрни бекиёс. Ипак қуртлари тут барглари билан озикланади ва етарли озукани тўплагач, оғзидан ипак толаларини чиқариб, ўрайди. Бу ахир, мўъжиза-ку. Ана шундай сир-синоат замирида асрлар оша сайқалланиб келаётган миллий бойлигимиз – ипак ва атласларимизнинг ранг-баранг жилоси кўзни камаштиради.

Яна бир асосий жиҳати шундаки, мутахассисларнинг маълумотларига кўра, тут дарахти ҳавони инсон организми учун зарарли бўлган кимёвий элементлардан тозаловчи энг ноёб дарахт ҳисобланади. Тут бошқа дарахтларга нисбатан жуда кўп кислород чиқариб, карбонад-ангидрид ва бошқа захарли газларни ва чангни кўп ютади. Натижада, инсон саломатлиги учун зарур бўлган ҳавони мукамал тозалайди. Унинг меваси ҳам кўпгина касалликларга малҳам. Айниқса, оқ марварид ва шоҳ тутлар қонни тозалашда ва кўпайтиришда, кўзни равшанлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тиббиёт ходимлари кўп таъкидлашади. Оқ марварид тутининг меваси шамоллаш, камқонлик, қон босими тушиб кетганлиги ва бошқа ҳолатларда буюрилса, шоҳ тут меваси, аксинча, қон босими кўтарилган, кўзнинг кўриш қобилияти сусайган, юрак-томир хасталиклари хуруж қилган ҳолатларда буюрилади.

Бундан ташқари, тут дарахти сизот сувларнинг режимини бошқариб турувчи кучли биологик дренаж ҳам ҳисобланади.

Хуллас, инсон ҳаёти ва саломатлиги учун, узоқ ва самарали умр кўриши учун тут дарахти ҳам жуда муҳим. Ачинарлиси, ана шундай бебаҳо тут дарахтларини кесиш, тут плантацияларини пайҳон қилиш ҳоллари ҳамон учраб турганлигидадир.

– Шўролар даврида пилла парваришlash масаласига зўравонларча талаб жуда қаттиқ эди. У пайтларда пилла олишдан бош тортганнинг боши балодан чиқмасди. «Агар пилла парвариш қилмасанг, кўчиб кетасан», деб ўшқиритарди, кези келганда елкадан қамчи тортишдан ҳам қайтмас эди, ҳалигилар. Лекин мен улардан қўрққанам учун эмас, пиллакорликка қизиқанам учун бир умр ипак қурти парваришlab, пилла етишти-

риб келаяпман. Ипак қурти айни тўртинчи ёшга кирганида барг излаб юзлаб километр масофаларни босиб ўтган кезларим кўп бўлган. У тўртинчи уйқусидан кейин жуда тез овқат ейди. Уни барг билан таъминлаш учун тутлар етарли бўлиши керак. Шу сабабли вақт топдим, дегунча тут экдим. Менинг тутларим қаммайган эмас, аммо ариқ бўйларидаги икки, уч кишининг қучоғи етмайдиган қатор-қатор тутлар, тут плантациялари йўқолиб кетди. Уларни кесиб кетаётганлар ипак қуртининг қарғишига қолишдан қўрқмайдими, – дейди кўзларида ёш қалқиб тут парваришlabётган, саксон ёшдан сакраб ўтаётган бўлса-да, ҳали қирқ ёшли йигитдек алпқомат бир отахон.

Ҳа, «Зар қадрини заргар билади» деганларидек, тут қадри нафақат пиллакорлар, кўпчилик яхши билади. Тут дарахти ҳар биримизнинг саломатлигимиз учун, шу билан бир вақтда мамлакатимиз саноатини ривожлантириш учун, айниқса, ўзбек аёлларининг миллий либоси сифатида бутун дунёни ўзига жалб этиб, камалаксифат жилоланадиган шоҳатласу хонатласлар учун зарурлигини бемаврид келган дарахткесарлар ҳам билишса, яхши бўлар эди.

ЎҒРИНИНГ ЎҶОҒИДАГИ ЎТИН. Токка чиқсангиз, албатта, арча, дўлана ва бодомзорларга дуч келасиз. Уларнинг хушбўй атридан, мевасидан, манзарасидан, ҳатто соясидан баҳраманд бўлиб, роҳатланасиз. Айниқса, дўлананинг юрак қонтомир ва асаб касалликлари учун нечоғлиқ шифобахшлигини, арчанинг ёқимли ҳиди димоқни қитиқлаб, нафас олиш йўллари-ни даволаш хусусиятини айтмайсизми. Табиатнинг ана шундай неъматларидан баҳраманд бўлишга ихлосманд юртдошларимиз вақт ажратиб, тоғ сайлига шошилишади. Улар орасида она табиатнинг бебаҳо неъматларини асраб-авайловчи инсонлар жуда кўп. Лекин, айрим юртдошларимиз ўчоқларида арча ва дўлана поялари ёнаётганлиги ҳам айни ҳақиқат.

Саксовул ҳам дарахт. У ҳам чўл ҳудудларимизнинг иқлим шароитини яхшилаш, намликни сақлаш, табиатни мўътадиллаштириш мақсадида экиб, парвариш қилинадиган кўп йиллик ўсимлик. Саксовул бор жойда чўл жазирамасини ҳис қилмайсиз. Шу боис уни «Чўл маликаси» ҳам дейишади. Визиллаб

эсаётган шамол саксовул химоясида сизни айланиб ўтади. Кўчма кумлар юзингизга урилмайди, йўлингизни тўсмайди, экинларингизни пайхон қилмайди. Фидойи инсонлар томонидан ана шундай фойдали ўсимлик уруғи кўп машаққатлар билан йиғиб олиниб, ҳар йили уларни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда, парваришланмоқда.

Дарахтзорларни турли тўфон ва офатларнинг яшил қалқони дейишларида ҳам ҳақиқат бор. Ўрмонлар атмосфера ҳавосини тозалаш ва иқлимни мўътадиллаштириш, сел ва кўчкиларнинг олдини олиш, энг муҳими, сув ресурсларини тўплаш ва сақлаш мақсадларида кенгайтирилади.

Ёз кунларида иссиқ шамолдан, қишда эса, изғирин совуқдан химоялаб турган ихота дарахтларининг қадрини биздан кўра чорвадор ва дехқонлар яхши билишади. Қаерда химоя дарахти бўлса, ўша жой беҳавотир. Айниқса, ёзнинг жазирама кунларида йўловчилар учун соябон дарахт сифатида ҳам у жуда асқотади. Машинага дам бериш зарурати тугилдими, соясига ўзингизни оласиз. Салқинлайсиз. Ўша дарахтларнинг беминнат хизматидан баҳраманд бўласиз. Лекин, бир ўтганингизда жонингизга оро кирган ихота дарахтини иккинчи ўтишингизда тополмасангиз, юрагингиз ачийди.

Қир ва адирлар тепаларида, тоғу тошларнинг устида, бепоён саҳроларда ортиқча меҳнат ва қаров талаб қилмасдан, беминнат ўсиб турган арча, бодом, дўлана, саксовул каби манзарали ва бошқа ихота дарахтларининг ўтин бўлиб кетаётганлиги жуда аянчли. Чўл худудларида қийинчиликлар билан етиштирилиб, вояга етказилган саксовулларни кесиб кетиш кимнинг виждонига тўғри келади, дейсиз. Лекин, нафс балоси қурбонига айланиб, ўз виждонини унутиб қўяётган, она табиатга нисбатан ўғрилик содир этаётган ўтинфурушлар ҳам йўқ эмас. Улардан эҳтиёт бўлайлик.

Хуллас, аждодларимиздан бизгача етиб келган она табиатнинг бебаҳо неъматлари тимсолидаги миллий бойлигимизни ҳар томонлама авайлаб-асраш, парваришлаш, ўтинкесарлар исканжасига тушиб қолишдан сақлаш ва келажак авлодларга етказиб бериш ҳар биримизнинг қўлимизда. Зеро, донишманд халқимизнинг «инсофи борнинг баракаси бор» деганларидек, набо-

тот оламига нисбатан инсофли бўлиш ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлиқдир.

УМРИНГИЗГА УМР УЛАШАР! Мутахассисларнинг фикрича, узок умр кўришнинг асосий шarti биз табиатдан оладиган кислороднинг сифатига, сифатли кислороднинг манбаи эса, табиий атроф-муҳитга, ўрмонларга боғлиқ. Донишманд халқимизнинг «тоза ҳаво – танга даво» деганлари ҳам бежиз эмас. Аммо, мамлакатимиз кам ўрмонли давлатлар сирасига киради.

Ана шу камликни тўлдириш, янги дарахтзорлар, ўрмонлар барпо этиш орқали халқимиз учун тоза кислород манбаини яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу мақсадларда, истиклол йилларида амалга оширилётган ишлар натижасида мамлакатимиз бўйлаб қанчадан-қанча ниҳоллар ўтказилди, уларнинг аксарияти дуркун ва кўркам дарахтларга айланди, бири соя берса, бири мева берадиган бўлди. Янги-янги ўрмонлар, Миллий боғлар барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги «2008–2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги Қарорида бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда унда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланганлиги айни муддао бўлди.

Донишманд халқимизнинг «Яхшидан бор қолади» деган нақли замирида катта маъно бор экан. Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган кўкаламзорлаштириш ойлиги қалбимизга руҳан тетиклик бағишлаб, экилган дов-дарахтлар кўзимизни қувонтирмоқда. Яшил худудлар майдонини кенгайтириш мақсадида йилига 40 минг гектардан ортиқ янги ўрмонзорлар барпо этилмоқда. Бир юз эллик тоннага яқин турли дарахт ва бута уруғи, 40 миллион дондан зиёд манзарали ҳамда мевали дарахт кўчати етиштирилаяпти.

Шу билан бир вақтда табиий ўрмонларни асраш чоралари кўрилиб, уларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги натижасида яшил майдонлар сони ва худуди тобора кенгайиб бормоқ-

да. Айниқса, «Мустақилликнинг 20 йиллигига менинг тухфам» шиори остида ҳар бир шахснинг 20 тупдан дарахт кўчати экиши пировардида юзлаб гектар ўрмонзорлар, хиёбонлар ташкил қилинди.

Бундан ташқари, саксовул ўсимлигининг табиий мувозанатни сақлашдаги аҳамияти жуда муҳимлиги эътиборга олиниб, ҳар йили юзлаб гектарга уларнинг уруғи сепилиб, миллионлаб кўчат олинапти. Орол денгизининг суви чекиниши туфайли ҳосил бўлган шўрхок ерлар ўзлаштирилиб, улар шароитига мос ўсимлик ва дов-дарахтлар экишга киришилганлигини айтмайсизми. Кейинги йилларда Оролнинг қуриган тубида икки юз саксон минг гектарлик саксовул-ўрмонзор барпо этилди. Шўрхок ерларда экилган саксовул гармселни камайтиришга, зарарли кум ва тузлар ҳавога кўтарилишининг олдини олишга, чанг-тўзондан сақлашга беминнат хизмат қилаётир. Айниқса, «Япон сакуриси» ва «От каштани» дарахтларининг кўпайтирилаётганлиги нафақат киши кайфиятини кўтарувчи чиройли манзара манбаи, мутахассисларнинг фикрича, шифобахш неъмат, енгил ва тоза ҳаво сифатида ҳам қадрланади.

Хуллас, давлатимиз Раҳбарининг сарф-харакатлари билан амалга оширилаётган бундай ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, маданий ва ихота ўрмонлари барпо этиш тадбирларини халқимиз қўллаб-қувватламоқда. Бу каби эзгу ишлар элнинг олқишлари-ю, дуоларига сабаб бўлмоқда. Пировардида, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг катта-катта боғлар яратиш борасидаги амалий ишлари яна давом этмоқда, ривож топмоқда.

Халқимиз Ўзбекистонда тўрт фасл ҳам ўз тароватига, ўз зийнатига эга эканлигидан қувонади. Унинг баҳор фаслидаги қиёфасини бир кўз олдимизга келтирайлик, қандай гўзал, қанчалик чиройли. Атрофимизда гиламдек ястаниб ётган далалар кўзни яшнатиб, дилларга ором бахш этади. Ям-яшил адирлар узра ўз тароватини ёйган қизғалдоқлар ўз бағрига тортади. Ўшанда табиатнинг бунчалик гўзал сепини босиб боришга ийманасан, киши.

Айниқса, қушларнинг дарахтлар куртак ёза, гуллар япроқ ота бошлашиданок узоқ ўлкалардан учиб келиб юртимиз табиатига бўлган меҳрини, завқ-шавқини кўрсатишганида, фахрланасан, уларга қўшилиб завқланасан, киши.

Ҳа, тўрт фасл чегараси яққол акс этиб турадиган, тоғи ҳам, боғи ҳам, бўстони ҳам, ҳатто саҳролари ҳам ўзига ярашиқли бўлган жаннатмакон Ўзбекистондек юрт дунёнинг бошқа бурчида йўқ. Унинг гўзаллигини мадҳ этишга эса, сўз ожиз. Устоз Ҳамид Олимжоннинг сўзлари билан айтганда, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонга нисбатан «Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон»... таърифи дostonларга сирмай кетади. Ёки мана бу таърифга эътибор қаратинг:

«Бунда булбул китоб ўқийди,

Бунда куртлар ипак тўқийди.

Бунда ари келтиради бол,

Бунда қушлар топади иқбол...»

Ушбу мисраларда шоир мамлакатимизнинг гўзал ва бетакрор табиатини, бутун борлигини ишғол этган. Қани эди ҳаммамиз ҳам бугунги Мустақил Ўзбекистонимизни ватандошимиз Х. Олимжоннинг кўзлари билан кўриб, мадҳ этсак.

Жуда қисқа вақтларда ён-веримизда пайдо бўлиб қолаётган янги-янги боғлар, хиёбонлар, кўчаларимиз теварак-атрофидаги манзарали дарахтлар тану жонимизни яшнатиш баробарида, парранда-ю даррандаларнинг ҳам севимли маконига айланмоқда. Айниқса, олмахонларнинг пойтахтимиз хиёбонлари узра у дарахтдан бу дарахтга ўтиб юриши, лайлақларнинг биз билан дўст бўлиб, бемалол сайр қилиши қанчалик қувонарли, қанчалик тароватли, қанчалик файзли.

Хуллас, ҳар биримиз она Ватанимиз – жаннатмакон Ўзбекистон билан, унинг гўзал ва бетакрор табиати билан ғурурланиб, ўз фуқаролик бурчимиз ва масъуллигимизни англаб, инсоний фазилатларимизни намоён қилиб, табиатга, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлсак, уни авайлаб-асрасак, у ҳам бизни ўз эҳсони билан сийлайди. Умримизга умр улашади. Тану жонимизга сиҳат-саломатлик бағишлайди. Аҳолимизнинг ўртача умр кўришининг кейинги йилларда кескин узайганлиги ҳам эҳтимол ана шундай шароитлар туфайлидир.

Зеро, Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида таъкидлаганидек, «Токи қуни билан ишлаб,

уйига чарчаб қайтган инсон атрофдаги сўлим боғлар, шинам хиёбонлар, тинч ва осойишта юртнинг гўзал манзараларини кўриб, бутун чарчоғи чиқиб кетсин. Ёш авлод эса, мана шундай жаннатмакон диёрда яшаётганидан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этсин»⁴¹.

ҚИНҒИР ҚИЛМИШ ҚИЙИҒИ... Бирор-бир иш йўқи, унинг охири бўлмаса, оқибати бўлмаса. Халқимиз «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деганидек, қинғир қилмиш бежазо қолмайди. Ёки «Ҳар ким экканини ўради» деганларидек, ҳар ким қилмишига яраша жазосини ҳам олади.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан мустаҳкам ҳимоя қилинганидек, ўлкамиздаги ҳар бир дов-дарахт, ўсимлик ҳам қонун ҳимоясида. Юртимизнинг қайси бир гўшасида, боғда бўладими, тоғда бўладими, чўлда бўладими, ўсимликларга зарар етказиш қонунчиликда белги-ланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Неча асрлар оша, турли тўфонлардан, замон силсилаларидан омон қолиб, бизгача етиб келган ноёб ва кўхна дов-дарахтлар, ўт-ўланлар тарихимизнинг тирик тимсолидир. Табиат томирига болта урувчилар бир нарсани унутмасинки, ҳозирги кунга қадар табиат муҳофазасига хизмат қилувчи ўттиздан ортиқ қонун ва уч юз эллиқдан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Кўплаб давлат дастурлари, Миллий ҳаракат режалари, лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шулардан бири, Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни бўлиб, унга кўра ўсимлик дунёси дахлсиз ҳисобланади.

Ушбу Қонунга мувофиқ, ўрмон фонди ерларида дарахт ва буталарни кесиш, доривор ўсимликларни йиғиш ишлари белги-ланган тартибда бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилишига йўл қўйилади. Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга санитария мақсадларида ҳамда бинолар, ин-

⁴¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь.

шоотлар ва коммуникациялар қурилиши билан боғлиқ ҳоллардагина фақат маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган қарорига биноан рухсат этилади. Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан таъминланмаган ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда технологияларини қўллаш ман этилади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга дахлдор хатти-ҳаракатлар, албатта, маъмурий, жиноий ва моддий жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 60-моддасига кўра, ўсимлик дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, 78-моддасига кўра, ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш, 79-моддасига кўра, дарахтларни, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш, 80-моддасига кўра, ўрмонларни тиклашга, уларнинг ҳолатини, тури ва таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек, етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш, 81-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг илдизлари, поялари, шохлари, барглари, гуллари, мевалари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш, 84-моддасига кўра, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш каби ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Шунингдек, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш, кесиш, ёқиш ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 198-моддаси 1, 2 ва 3-қисмларига мувофиқ, ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш эса, шу кодекснинг 202-моддаси 1, 2 ва 3-қисмларига мувофиқ жиноий жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарларни

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш эса, айбдорларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишидан озод қилмайди.

Шундай бир ҳолатда ўз нафсини жиловлай олмаган, ерданда, табиатдан-да ниманидир ундириш пайида бўлган, нафси хакалак отган одамлар ҳам орамизда бор. Масалан, ҳамюртимиз Х. Сирдарё вилояти ҳудудида ноқонуний равишда 3084 кг ширинмия ўсимлиги илдизини йиғиб олган. Демак, у ўзининг хатти-ҳаракати билан нафақат ўсимликни бир йилга қуритди, балки катта миқдордаги ўсимлик томирига ҳам болта урди. Хуллас, кейинги уч йилда Сирдарё вилояти ҳудудида ўсимлик оламига зарар етказиш билан боғлиқ 300 дан ортиқ ҳуқуқбузарлик аниқланган. Жумладан: 2009 йил мобайнида 114 та шахсга нисбатан 2646,6 минг сўм жарима қўлланилиб, 4983,25 минг сўмлик етказилган зарар, 2010 йил мобайнида 98 та шахсга нисбатан 3288,56 минг сўм жарима қўлланилиб, 3822,31 минг сўмлик етказилган зарар, 2011 йилнинг 11 ойи мобайнида 68 та шахсга нисбатан 3368,6 сўм жарима қўлланилиб, 4596,1 сўмлик етказилган зарар ундириб олинган. Тошкент вилоятида аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони бундан ҳам юқори. 2009 йилда 335 тани, 2010 йилда 405 тани, 2011 йилда 371 тани ташкил этган.

Айрим вилоятлардан келтирилган ушбу мисоллар ўсимлик оламига кўрсатилган жафо учун жазо муқаррарлигидан далолатдир. Аммо, уларга бу қадар қирғин келтириш жамият учун ўта хавфли. Зарар қопланиши мумкин, аммо, илдизи билан ёниб кетган ўсимликларни тиклаб бўлмайди-ку, ахир.

Бундай текинтомоқлар жиноятни содир этиш ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддасида белгиланганидек, талончилик учун 15 йилга озодликдан маҳрум қилишгача бўлган, 167-моддасида белгиланганидек, айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ҳаракатлари учун 10 йилга озодликдан маҳрум қилишгача бўлган, 169-моддасида белгиланганидек, ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш ҳаракатлари учун 15 йилга озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жиноий жазолар кутаётганлигини асло унутмаслиги лозим.

Айрим шахслар ўз нафсининг қурбони бўлиб, шундай ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қўл уришса, айримларининг хатти-ҳаракатлари янада хавфли. Нега дейсизми? Орамизда ўсимлик оламига ўт қўйиб юборадиган одамлар ҳам учрамоқда. Биргина Сирдарё вилояти мисолида олинган маълумотларга кўра, 2009 йилнинг 11 ноябрь куни ов-ўрмон хўжалигининг 1-айланмаси 3-ҳудудида ёнғин содир этилган, оқибатда умумий ёнғин майдони 22,25 гектарни ташкил этиб, ўсимлик дунёсига 2520,0 минг сўм миқдорда зарар етказилган. 2009 йилнинг 20 ноябрь куни яна 139,4 гектар майдонга ўт қўйилган ва натижада ўсимлик оламига 15993,2 минг сўм моддий зарар етказилган. 2010 йилнинг 12 октябрь куни ов-ўрмон хўжалиги ҳудудининг 1-ўрмон участкаси 1-қисмида содир этилган ёнғин 40,6 га майдонни қамраб олган ва оқибатда 614 туп табиий ҳолда ўсувчи туронғил дарахтларидан 34 тупи ўсишдан тўхташ даражасигача куйган, 10 ёшгача бўлган 236 туп туронғил дарахтлари ва 510 туп жинғил буталари ҳамда 344 туп 10 ёшдан катта туронғил дарахтлари ўсишдан тўхташ даражасига етмаган ҳолда шикастланган. Қайд этилган ёнғин натижасида ўсимлик дунёсига етказилган зарар миқдори 7342,5 минг сўмни ташкил этган.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган ҳар қандай ўсимлик қайсидир мақомда дахлсизлик ҳуқуқига эга. Тўғри, орамизда амалдаги қонунларимизни билмайдиган ўсимлик оламининг онгли зарарқунандалари, олов билан ўйнашадиган шайтонфёъл одамлар ҳам йўқ эмасдир. Аммо, қонунни билмаслик айбни енгиллаштирмайди. Дарахт қандай турга мансублигидан қатъи назар, қонун ҳимоясида. Қолаверса, виждон қонуни ҳам бор-ку! Ёхуд бировларнинг жиловланмаган нафс балоси имон ва виждондан ҳам устунми? Бемаврид кесилган дарахтнинг ёки пайхон қилинган ўт-ўланнинг танасидан оққан илтижоли «кўз ёшлари»дан нахотки «онгли зарарқунандалар» кўрқишмаса...

Қолаверса, миллий гурур йўқми, ўша пайхончиларда? Ахир, дарахтлар ҳам бизнинг миллий бойлигимизку! Уларни авайлаб-асраш, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш бурчимиз, улар билан фахрланиш миллий гуруримиз эмас-ми?!

Ишончимиз комилки, бугунги авлод вакиллари ҳеч қачон бундай номақбул ишларга қўл урмайди. Зеро, ўсимлик дунёсини

вайлаб-асраш, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш, наботот олади учун давлатимиз томонидан яратилган шароитларни қадраш, ўтказилаётган кўкаламзорлаштириш тадбирларини ҳамжihatлик билан қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистондек жаннатмакон, ўзал масканни келажак авлодларга бор кўрки ва таровати билан етказиб бериш ҳаммамизнинг биргаликдаги ишимиздир.

ТИРИКЛИК МАНБАИ. Нафақат инсонлар, наботот ва айвонот олами учун ҳам тириклик манбаи — бу сув. Мамлакатимиз катта-катта денгизлардан, дарёлардан анча узоқда жойлашган бўлса-да, Яратгандан ризку насибамизга яраша сув ҳам нъом этилган. Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Норин, Қорадарё, Ўқдарё, Чирчиқ, Охангарон сингари кўплаб дарёларимиз ўз бағидан боласига сут берган она сингари оби ҳаёт билан таъминлаб турибди. Айниқса, булоқлардан ер қаърини сизиб чиқаётган зилол сувлар «мени ичинг, тўйиб-тўйиб ичинг, роҳатланинг» еяётгандек, гўё.

Кўм-кўк бўлиб ястаниб ётган кўлларни, мовий осмон сингари кўрку тароватини бахш этаётган сув омборларини айтмай-изми, ҳар бирининг табиатдаги ўрни алоҳида. Ҳа, диёримизда на шундай кўллардан 500 таси, сув омборларидан 507 таси, дунингдек, бир қанча дарёлар ва каналлар мавжуд. Улар нафақат мамлакатимизнинг иқлим шароитини яхшилаш, балки ба-икчиликни ривожлантириш, хайвонот ва наботот ҳаёти учун ам қулай шароит сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мамлакатимиздаги энг йирик сув омборларидан бири узкон, Арнасой ва Айдаркўлдан таркиб топган «Айдар-Арна-рой» кўллар тизимидир. «Айдар-Арнасой» сув ҳавзасининг узун-иги 350 километрни, эни 45 километрни, чуқурлиги эса, 45 метрни ашқил этади. Унга 2008 йили Рамсар конвенцияси котибияти томонидан Халқаро муҳофаза этиладиган кўллар мақоми бел-илган, — дейди соҳа мутахассисларидан бири.

Дарҳақиқат, бир томони Шарқий Қизилқум чўли, яна бир рафи Нурота тоғ тизмалари билан тутшиб кетган Айдаркўл-инг чеки-чегараси йўқдек, гўё. Атрофга боксангиз, кўзингизга авжланиб турган кўлдан ўзга нарса кўринмайди. Турли-туман-шларнинг сайрашлари қалбингизга ором бахш этса, кўл шамо-

ли майинлик билан юзингизни силаб, руҳингизни тетиклашти-ради. Сиз ўшанда ўзингизни сув устида сузиб юрган оккуш сингари энгил ҳис этасиз. Бутун борлиқ сувга ўхшаб туюлади, хаёлингизда.

Ана шундай катта-кичик кўлларимиз, сув ҳавзаларимиз кўп. Чучук сувларимиз ҳам етарли. Энг муҳими, уларни экология талабларига риоя қилган ҳолда, турли хил шароитларда ифлос-ланишдан, захарланишдан, чиқиндилар майдонига айланиб қоли-шидан сақлаш, улардан унумли ва самарали, ижтимоий адолат мезонлари доирасида фойдаланишдир.

Акс ҳолда, сувларнинг дахлсизлиги ҳам қонунларимиз би-лан ҳимояланган. Хусусан, сув ресурслари Ўзбекистон Респуб-ликасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, сувдан фойдаланувчилар ва уни истеъмол қилувчилар бир қанча ҳуқуқларга эга бўлиши баробарида қатор мажбуриятлардан ҳам холи эмас. Жумладан, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари:

сув объектларидан оқилона фойдаланиши, сувни тежаб сарфлаши, сувларнинг сифатини тиклаш ва яхшилаш тўғриси-да ғамхўрлик қилиши;

белгиланган сув олиш лимитларига ва сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши;

сувдан махсус фойдаланишда қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда рухсатнома расмийлаштириши;

ифлослантирувчи моддалар мавжуд бўлган оқинди сувлар-ни сув объектларига оқизишни тамомила тугатиш чора-тадбир-ларини кўриши;

бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари-нинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига, шу-нингдек, сув объектларига, хўжалик объектлари ва табиий ре-сурсларга (ерлар, ўрмонлар, хайвонот дунёси, фойдали қазил-малар ва бошқаларга) зарар етказилишига йўл қўймаслиги;

сув объектларини, сувни муҳофаза қилиш иншоотларини ва бошқа иншоотларни, техник қурилмаларни техник жихат-

дан соз ҳолатда сақлаши, уларни ишлатиш сифатини яхшилаши ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;

сувни олиш ва беришда сув миқдори ҳисобини юритиши, шунингдек, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоботни тақдим этиши;

сув ресурсларидан фойдаланганлик, шунингдек, сувни етказиб бериш бўйича хизматлар ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловларни ўз вақтида шартномавий асосда тўлаши, сувни тежаш чора-тадбирларини кўриши;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда сув истеъмолчиларига кўмаклашиши;

сувларнинг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларига сувларнинг зарарли таъсирини бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши, шунингдек, ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган майдонларнинг ифлосланишига йўл қўймаслиги;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини сақлашнинг белгиланган режимида риоя қилиши;

сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг вакиллари ўз сув хўжалиги объектларига белгиланган тартибда киритиши ҳамда уларга зарур ахборотни тақдим этиши;

сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этадиган авариялар ва бошқа табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келганлиги тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ўз вақтида хабардор қилиши ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни амалга оширишда, шунингдек, сув объектларида таъмирлаш-тиклаш ишларида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши;

балиқларни, бошқа сув флораси ва фаунасини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириши жоиздир.

Бундан ташқари, конунчилигимизда сувга нисбатан экологик талаблар ҳам ўрнатилган бўлиб, мазкур талабларга қатъий

риоя қилиниши — ноёб эндемик турлар, ноёб биохилма-хиллик, ноёб ландшафтлар, ўзига хос ижтимоий аҳамияти ва эстетик хусусиятларига эга бўлган сув экотизимларини ҳимоя қилишни ҳам назарда тутати.

Шунга қарамасдан, мутахассисларнинг фикрича, баъзи ҳудудларда айрим ватандошларимизнинг эътиборсизлиги, аниқроғи, лоқайдликлари туфайли сувларнинг ифлосланиш даражаси ортиб бормокда. Айниқса, коллектор-дренаж сувлари билан энг кўп ифлосланганлик кичик дарёлар ва Амударёнинг қуйи оқимида кузатилмоқда. Ташланадиган токсик моддалар умумий миқдори бўйича сувнинг ифлосланиши айрим ҳудудларда меъёридан анча юқорилигича қолмоқда.

Дарвоқе, сув ресурсларининг антропоген ифлосланиши уч турга бўлинади: биринчиси, қишлоқ хўжалиги фаолияти натижасидаги ифлосланиш; иккинчиси, саноат фаолияти натижасидаги ифлосланиш; учинчиси, шаҳар ва қишлоқ жойларидаги маиший чиқиндилар манбалари ҳисобига ифлосланиш.

Атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан, қишлоқ хўжалиги далаларидан минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларининг суғорма сувлар орқали чиқиши, шунингдек, чорвачилик комплексларидан ифлосланган оқаваларнинг ер усти ва сизот сувларига тушиши ҳолатлари ҳам ифлосланиш манбаларидан ҳисобланади.

Кон-қазиб олиш ва металлургия саноати, металлларни гальваник қайта ишлаш ва бошқалар ташланмаларидаги оғир металллар (токсинлар); ихтисослашган саноат тармоқларидан (токсинлар ва нотоксинлар) тушадиган азот, цианид каби ва бошқа органик моддалар; нотоксик органик моддалар, масалан, озик-овқат ва енгил саноат ташланмалари; кимё саноати ташланмаларининг токсик органик қисмлари, хусусан, нефть компонентлари, қоришмалар ва бошқа шунга ўхшаш оғир метал қоришмалар асосий ифлослантирувчилар бўлиб ҳисобланади.

Маиший ифлослантирувчи манбалар сифатида кўпроқ турар жойлардаги чиқиндиларнинг сувга оқизилиши, канализациялашмаган жойлардаги аҳолининг маиший оқаваларни ариқ ва коллектор-дренаж тармоқлари ёки ўраларга ташлашлари, тоза-

лаш иншоотларининг самарасиз ишлаши, уларнинг лойихавий қувватидан ортиқ қувват билан ишлаши оқаваларнинг етарлича тозаланмаслигига ва атроф-муҳит ифлосланишига олиб келади ҳамда сизот сувлари сифатига салбий таъсир қилади. Шу сабабли сувларнинг ифлосланишини олдини олишда соҳа мутасаддиларидан ҳам катта масъулият, фидойилик талаб қилинади.

Таниқли шоир Фахриёр шўролар даврида пахтани дорилаш баҳонасида мамлакатимиздаги дарё ва ариқлар оша бот-бот заҳарли моддалар сепиб ўтилганлигини, сувларга нисбатан бўлган эҳтиётсизларча муносабатни кўриб бу каби ҳаракатларни одамларни заҳарлашнинг яширин усули сифатида баҳолаб, шундай мисраларни қоғозга туширган:

«Дарё,
сен заҳар ичгансан, хастахонага
олиб бормокликнинг ўзи бир ғурбат.
Шаҳар-ку нотаниш, кишлокда эса
Бир хастахона бор, у ҳам тирбанд.
Дарё,
имтиёзлар гувоҳномаси сенда йўқ-ку
навбат сафлари ҳар ёқ.
Духтирларга навбатда туриб
Куриб кетмасмикан, касалманд дарё»⁴².

Мамлакат мустақиллиги туфайли устимиздан сепиладиган заҳарларга чек қўйилди. Истиклол йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб диёримиздаги барча сув йўллари ҳамда ҳавзаларни заҳарли моддалардан тозалаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди ва бундай саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ғамхўрлигида халқимизнинг сув таъминотини яхшилаш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ичимлик суви таъминоти тизимларини такомиллаштириш лойиҳалари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг Оролбўйи минтақасида, Қашқадарё, Навоий вилоятлари, Самарқанд, Бухоро, Гулистон,

⁴² Фахриёр. Аёлгу. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2000 йил. 47-бет.

Жиззах, Қарши шаҳарларида ичимлик суви таъминоти лойиҳалари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Лекин, биз шу меҳнатларнинг, шундай яратилаётган шароитларнинг ҳамма вақт ҳам кадрига етаяпмизми? Менинг назаримда, йўқ. Чунки, сувларни керагидан ортиқ окизиб қўйиш, тешилган қувурларни вақтида ямамаслик, ичишга яроқли бўлган сувларни ифлослантириш, сойлар, анҳор ва ариқлар бўйларига ҳожатхоналар, молхоналар қуриш, айникса, ахлатлар ва маиший чиқиндиларни сувга окизиш ҳолатлари ҳали-ҳамон мавжуд.

Ҳатто, шаҳар ободончилиги учун масъул ходимларнинг ўзлари ҳам тунги вақтларда ўз худудидаги баргхазонларни, чиқиндиларни сувга окизаётганлигини кўриб қоласан, киши. Ўшанда, нахотки, шундай маданиятли, маънавияти юксак, кадриятлари мустаҳкам халқимиз орасида сувнинг нақадар муқаддас неъмат эканлигини тушунмайдиган кишилар ҳам бор бўлса, деган хаёлларга бормасликнинг ҳеч иложи қолмайди.

Ахир, сувни қадрлаш, сувни эъзозлаш, сувга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш миллий кадриятларимиз сирасига кирди-ку. Ёши улугларимиз сувга нафақат ахлат, ҳар қандай нарса ташлаш, ариқ ва сой бўйида кир ювиш, оқар сувларга ювиниш, чўмилиш, ҳовузларни ифлослантириш, сувга тупуриш каби ҳаракатлар оғир гуноҳ эканлигини бот-бот тушунтиришади. Ҳатто эски ариқларни ҳам покиза саклашни талаб қилишади. Қани эди, шу насихатлар бир қулоқдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетмаса, қонунларимизда белгилаб қўйилган сувдан фойдаланиш ва истеъмол қилиш меъёрлари бузилмаса...

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринишича, атрофимиздан шилдир-шилдир оқиб турган сувлар ҳам ҳимояга муҳтож. Демак, сувнинг дахлсизлик ҳуқуқи бузилдими, албатта, бу борадаги ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракат белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 60-моддасида сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик учун, 65-моддасида ерларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантирилганлик учун фуқароларга ва мансабдор шахсларга маъмурий жазо чоралари назарда тутилган.

Ушбу кодекснинг 72-моддасида сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув тўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш; шунингдек, корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш; сув қудукларини қазининг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш, ишлатилаётган ва кузатув қудукларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудукларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек, ишлатишга яроқсиз қудукларни консервациялаш ёки йўқ қилиш чораларини кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувларининг ифлосланиши ёки уларнинг сифати ёмонлашиши манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалик иншоотлари ва бошқа объектларни жойлаштириш каби ҳаракатлар учун тегишли маъмурий жавобгарликлар белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 74-моддасида табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув хавзалари (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш каби ҳуқуқбузарликлар учун; сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпик каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув хавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш каби ҳуқуқбузарликлар учун жазо чоралари назарда тутилган.

Мазкур кодекснинг 76-моддасида сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш каби ҳуқуқбузарликлар учун, 163-моддасида водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш учун, 163¹-моддасида канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш учун ҳам тегишли жавобгарликлар назарда тутилган.

Айрим ҳолларда шунга ўхшаш ҳаракатлар жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 185²-моддасида водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун, 196-моддасида атроф табиий муҳитни, шу жумладан, сувни ифлослантирганлик учун жиноий жазолар назарда тутилган. Жиноят кодексининг 203-моддасига мувофиқ, сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, бундай шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси, ёинки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Зеро, сув тирикчилигимиз манбаи экан, ундан оқилона фойдаланишимиз даркор.

ЎЛДИРМАНГ, ЖОНИВОРЛАР ҲАМ ДАҲЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИГА ЭГА

Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади⁴³.

Ислом Каримов

УЛАР БИЗНИНГ ДЎСТЛАРИМИЗ. Мамлакатимизда яшовчи жониворларни сақлаб қолиш, кўпайтириш ва уларнинг авлодлари давомийлигини таъминлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилаётганлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Республикаимизда Чотқол, Бадай-тўқай, Ҳисор, Зомин, Зарафшон, Қизилқум, Нурота, Сурхон, Китоб номлари билан машҳур бир канча кўриқхоналар, давлат миллий боғлари, давлат буюртмахоналари, табиий питомниклар, экомарказлар ташкил қилинган бўлиб, уларнинг мақсади табиат оламига, шу жумладан, жониворларга гамхўрлик қилишдан, уларни химоялашдан иборат.

Мутахассислардан олинган маълумотларга кўра, кўриқхоналарда кўплаб «Қизил китоб»га кирган ҳайвон турлари: хонгул, морхўр, Северцев кўйи, кўк суғур, Туркистон силовсини, йирик йирткич қушлар, хашоратлар муҳофаза қилинади. Жумладан, Чотқол биосфера кўриқхонасида 44 турдаги сут эмизувчи, 230 дан ортиқ турдаги қуш, 16 турдаги судралиб юривчи ва 2 турдаги сувда ва қуруқликда яшовчи, 3 мингдан ортиқ турдаги умуртқасизлар яшайди. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га бир турдаги илон, 10 турдаги қуш ва уч турдаги сут эмизувчи кирган. Халқаро Қизил китобга йўқолиб кетиш хавфи остида илвирс (*Uncia uncia*), кўк суғур (*Marmota menzbieri*), ўрмон соняси (*Dryomys nitedula*), кўршапалаклар — кичик ва катта такабурунлар (*Rhinolophus ferrumequinum*, *Rh. hipposideros*)

⁴³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: «Ўзбекистон» 1997. — 113-б.

ва уч рангли тун-шапалак (*Myotis emarginatus*); қушлардан: тасқара (*Aegypius monachus*), қуйка (*Falco naumani*), қора каптар (*Columba evermanni*), оққанот қизиштиштон (*Dendrocopos leucopterus*) киритилган.

Ҳисор давлат кўриқхонасида 2 турдаги балиқ, 19 турдаги амфибия ва рептилия, 103 турдаги уяли қушлар, 28 турдаги сут эмизувчилар яшайди. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га оқтирноқ айиқ, илвирс, Туркистон силовсини, Эрон қундузи, қушлардан: бургут, болтаётар, итолғи, қумой, кичик бургут киритилган. Қизилсув участкасида Сибир кўзиси, илвирс ва қизил суғур яшайди. Судралиб юривчилардан сувилон, чипорилон, бушилон, кўлбор илон, Туркистон агамаси, Осиё илонқуйруғи ва бошқалар учрайди.

Сурхон давлат кўриқхонаси Халқаро Қизил китоб ва Ўзбекистон «Қизил китоби»га кирган Бухоро бугуси (хонгул)ни кўпайтиришга ва асрашга шароитлаштирилган. Кўриқхонада, шунингдек, умуртқасизларнинг турлари кўп. Ҳозирги пайтда Қўхитангда 1 турдаги балиқ, 2 турдаги амфибия, 26 турдаги рептилия, 74 турдаги қуш ва 23 турдаги сут эмизувчи аниқланган.

«Бадай-тўқай» давлат кўриқхонасида 91 турдан ортиқ қуш, 15 турдаги сут эмизувчи ва 15 турдаги балиқ мавжуд. Ушбу кўриқхона асосан Бухоро бугусини (хонгулни) иқлимлаштириш билан шуғулланади.

Зарафшон давлат кўриқхонасининг фаунаси 359 турдан иборат, шундан амфибиялар — 2, судралиб юривчилар — 8, қушлар — 206, сут эмизувчилар — 24 турни ташкил қилади. Ноёб ва йўқолиб кетаётган турлар 32 та. 1996 йилда Зарафшон давлат кўриқхонасига «Бадай-тўқай» кўриқхонасидан 6 бош Бухоро бугуси келтирилган. Ҳозирги пайтда кўриқхона худудида 27 бош хонгул яшайди. Кўриқхона аслида йўқолиб бораётган чиройли Зарафшон қирғовулини сақлаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида ташкил қилинган.

Қизилқум давлат кўриқхонасида 250 турдаги ҳайвон мавжуд, шундан 10 дан ортиқ тури Халқаро Қизил китоб ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган. Бухоро бугуси

алоҳида эътибор билан парваришланаётганлиги сабабли унинг сони истиклол йилларида 200 бошгача кўпайган.

Китоб давлат кўрикхонасида эса, 168 турдаги ҳайвон мавжуд бўлиб, (кушлар – 128, сут эмизувчилар – 21, судралиб юривчилар – 14, балиқлар – 3 турдан иборат), шундан 10 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган.

Орол инқироzi оқибатлари Устюрт платоси биохилма-хиллигининг ўзгаришига ҳам олиб келди. Сўнгги йилларда минтақада атиги 35 турдаги сут эмизувчи рўйхатга олинган, шундан 4 тури: жайрон, манул, хинд асалхўри ва қорақулоқ «Қизил китоб»га ёзилган жониворлар сирасига киради.

Уларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун янги-янги кўрикхоналар, экомарказлар ташкил этилмоқда, ҳайвонот дунёсининг табиий кўпаядиган ҳудудларини сақлаб қолиш, кўрикхоналар майдонларини кенгайтириш, ҳар бир жониворнинг яхши шароитларда яшаши учун барча чоралар кўрилмоқда, Ҳайвонот оламига мослаштирилган ҳудудларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолият юритиш самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЖАЙРОН, НЕЧУН ҲОЛИНГ БУНЧА ТАНГ... Яқинда автобусда кетаётган бир кишининг бошқаларга қандай қилиб ов қилганлиги тўғрисида оғзини тўлдириб гапираётганлиги қулоғимга чалинди. Ўшанда суҳбатдошларини Бухоро оҳусини овлашга чорлаётган шахс битта овнинг ўзида икки оҳуни отиб олганлиги, оҳу гўштидан лаззатли таомлар тайёрлашга уста эканлиги ҳақида мақтаниб гапирарди.

– Қанча гўшт қилди? – сўради ёнидагилардан бири.

– Нимасини сўрайсиз, ҳар қайсиси 40–50 килограммдан кам эмас эди. Нақ етилган вақти экан. Урғочисининг қорнидан боласи ҳам чиқди.

Бошқаси чўнтагидан мобил телефонини олиб, калькуляторда гўштининг нархини чиқарди.

– Қарийб бир миллион сўм экан-а?

– Кўпроқ, аммо ҳар бирининг экспорт нархи 7000 – 10000 АҚШ долларига тенг. Кийик гўштини мазасини айтмайсизми,

бир есангиз, яна есам дейсиз, – деди ҳалиги одам мақтанчоқлик билан.

Шу орада кимдир: – инсофсиз, сен текинтомоқларни дастингдан жайронлар йўқолиб бораяпти – деди ташвишланган оҳангда.

– Ҳа, инсофсизлик бўлибди, – кимдир қаттиқроқ овоз чиқарди.

Бу сўзлар одамлар оғзидан отилиб чиқаётганлигини сезган браконьер оғзига толқон солгандек жим бўлди.

Хўш, инсоф ўзи нима? Бу ҳаммада ҳам бoр хислатми? У одамнинг инсофи бўлганида мамлакатимиз «Қизил китоби»га кирган икки бош жайронни отармиди? Ана шу саволлар автобусдаги кўпчилик йўловчиларнинг муҳокамасига айланди.

Дарҳақиқат, инсофсизлик бу виждонсизлик белгиси. Ўзбекистон бошқа мамлакатлардан бағрикенг, меҳр-мурувватли, юксак маданиятли ва ўзига хос фазилатларга эга бўлган халқи билан, роҳатбахш иқлими ва бетакрор табиати билан ажралиб турадиган мамлакат. Лекин «Гуручни орасида курмаги ҳам бўлади» деганларидек, орамизда инсофини йўқотганлар ҳам йўқ эмас экан.

Оҳу, жайрон, кийик номлари билан машҳур ўша жонивор нечоғли гўзал, нечоғли мафтункор, шу билан бир вақтда кўзлари жовдираб турадиган нечоғли ожиз ва химояга муҳтож ҳайвон. Қуённи айтмайсизми, овчини кўрганида бечора шошиб қолганидан юмронқозик сингари тик туриб олар экан. Бу унинг соддалигидан далолат беради.

Қуён ҳақида гап кетганда шоир Бобур Бобомуроднинг ушбу сатрлари беихтиёр ёдга келади:

«Мунчоқ кўзи жовдираб чунон,

Чўчиб юрар ҳар жойда қуён.

Ҳадик уни қўймас бемалол

Кўрқоқлиги шундан эҳтимол»⁴⁴.

Ўзбекистондек жаннатмакон диёрни ўзига ватан деб билган шундай ҳайвонларни отиш қанчалик шафқатсизлик эканлигини овчи акамлар наҳотки ҳис этмаса, шундай беозор жо-

⁴⁴ Бобур Бобомурод. Умр баҳори. «O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2004 йил. 130-бет.

ниворларни қаердан паноҳ топишини билмайдиган танг аҳволга солиб қўйишмаса, дейсан киши.

Айниқса, очикда юрган жайронларнинг ҳоли танглиги, уларга нисбатан овчилар хавфи кўплиги кенг жамоатчиликни ташвишга салади. Жайрон соатига 60 километргача масофани босиб ўта олса-да, унинг оёқлари ингичка, нозиккина бўлганлиги, энг муҳими йиртқич эмаслиги сабабли ҳам овчилар уни тез қўлга киритишади. Шу ўринда жайронларнинг танг аҳволини теран ҳис қилган Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг (охиратлари обод бўлсин) юрагидан дард бўлиб отилиб чиққан шеърдан бир шингилини мисол келтириш жоиз деб ҳисоблаймиз:

«Кон йиғлатди қайси бағритош,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?
Оёғинга кўйиб ётай бош,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..
Лабим билан яранг силайман,
Сенга дарди шифо тилайман.
Кел, туғишган оғанг бўлай ман,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..⁴⁵»

Жайроннинг кўзини ёшга тўлдириб, дунёдан меҳрини сўндириб ов қилаётган браконьерлар дастидан мамлакатимизда уларнинг сони кескин камайиб кетган, десак муболаға бўлмайди. Бу турдаги жониворларнинг Халқаро ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилганининг боиси ҳам шунда. Шу нуқтаи назардан, жайрон ва шунга ўхшаш ноёб жониворни асраб қолиш ва кўпайтириш мақсадида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жойларда миллий ҳамда Халқаро Қизил китобга киритилган, йўқолиш эҳтимоли бор ҳайвонот турлари кўпайтирилаяпти. Ана шундай эзгу ишлардан бирини Бухоро вилоятида ташкил этилган «Жайрон» экомаркази мисолида кўриш мумкин.

Марказ Қоровулбозор туманида, Бухоро шаҳридан 42 километр узоқликда жойлашган. Экомарказ ҳудуди Қизилқум

чўлининг жануби-ғарбий қисми билан туташган. Марказда айни вақтда атиги 800 га яқин жайрон, шунингдек, қулонлар, Бухоро ёввойи қўйлари, Пржевальский отлари ва бошқа ноёб жониворлар ҳам парваришланмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, йил давомида марказ ҳудудида 257 турдаги қушларни учратиш мумкин. Бу эса, Ўзбекистон орнитофаунасининг 37 фоизи демакдир. Қушларнинг 67 тури ин куриб яшайди, шулардан 23 тури ноёб қушлар сирасига мансуб, 20 тури эса, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган. Бундан ташқари, экомарказ ҳудудида судралиб юривчиларнинг 21, сут эмизувчиларнинг 33, умуртқасизларнинг 700, балиқларнинг 15, амфибияларнинг эса, 2 турини учратиш мумкин. «Жайрон» экомаркази ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга ихтисослашган жаҳон миқёсида ўзига хос бўлган объект ҳисобланади.

Яқинда ҳаётини ана шундай табиат гўзалликларининг химоясига бахш этган фидойи кишилар билан суҳбатлашиб қолдим.

— Бир куни марказимизнинг янги ҳудудига Пржевальский отларини кўчириб ўтказмоқчи бўлдик, — дейди суҳбатдошларимдан бири. — Улардан биттаси ўтказишимизга ҳадеб қаршилик кўрсатаверди. Негадир тўрт оёғини ерга тираб олди. Шунда жониворнинг руҳий ҳолатини тушундим ва у билан шахсан «гаплашдим». Қарийб ярим соат унга сўз қотдим, эркаладим. Жониворлар ҳам гаплашади, деганлари рост экан. Жонивор билан гаплашишни, унинг тилини тушунишни ҳам билиш керак экан! У мени тушунди. Шунда англаб етдимки, жониворларни шунчаки муҳофаза қилиш, ем-хашак бериб парваришланишнинг ўзи камлик қилади, улар билан тиллашиш, уларга меҳр бериш ҳам керак экан.

Жониворлар ҳақида гап кетар экан, беихтиёр турналарни эсладим. Уларнинг овозлари қулоғимга чалингандек бўлди гўё. Хаёлимдан «нега суҳбатдошим турналар ҳақида гапирмаяпти», деган фикр ўтди. Бунини сезиб қолгандек, суҳбатдошим турналар ҳақида, уларни ҳам отиш ҳолатлари қайд этилганлиги ҳақида афсусланиб гапира бошлади:

— Турнанинг Ўзбекистонни севиб, унга интилиб яшашини кўпчилик яхши билади. У жуда хосиятли қуш. Шу сабабли

⁴⁵ Муҳаммад Юсуф. Сайланма. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012 йил, 12-бет.

хам илгарилари маҳаллий халқимиз томонидан турнага қарата ўқ узилганлигини эшитмаганман. Ачинарлиси, уларга қарата ҳам ўқ отувчилар чиқиб қолмоқда. Ваҳоланки, ҳар йилги баҳорни интизорлик билан кутиб оладиган нуроний отахон ва онахонларимиз саф тортиб учиб келаётган турналарни меҳрибонлик билан кутиб олишади. Уларга қарата яхши ниятлар айтишади, пастлаб учишларини, барака келтиришларини сўрайди. Турналарнинг пастлаб ёки юқорилаб учаётганлигига қараб йилнинг қандай келиши ҳақида башорат ҳам қилишади.

Сухбатдошимнинг гапларини тинглар эканман, «наҳотки, турнага ўқ узиш мумкин?», деган ўй хаёлимни чулғаб олди. Халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуфнинг китобхон кўнглини йиғлатадиган «Чўлок турна» номли шеъри бежиз ёзилмаганлигига амин бўлдим:

«Бир оёқда чопиб келдинг
Чўлок турна.
Уйим қайдан топиб келдинг,
Чўлок турна.

Ўзи қон бу дилни энди
Сен ҳам тирна,
Қай ёвузга нишон бўлдинг
Чўлок турна?..»⁴⁶

Хуллас, браконьерлик билан шуғулланувчи шахслар бир нарсани унутмаслиги лозим. Юртимизда нафақат табиатнинг гултожи бўлган инсонлар, балки барча ҳайвонот олами ҳам ҳар қандай хавф-хатарлардан холи эканлигини ҳис этган ҳолда эркин яшаш ҳуқуқига эгадир. Уларнинг ҳаёти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан қафолатланган.

Мамлакатимиз ҳайвонот оламини сақлаб қолиш мақсадини қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг

«Қизил китоби» тўғрисида»ги Қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Қарорга мувофиқ, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида қонунчиликда назарда тутилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилган ҳайвонларни овлаш ман этилган бўлиб, бу ҳам уларнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган яна бир қафолатдир.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ҳайвонот оламини сақлаб қолишнинг кенг кўламли чоралари кўрилган ва айрим жониворлар ҳаёти алоҳида муҳофазага олинган. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда яшаётган ҳайвонот вакилларига қарата:

«Овчи оғам оилангни қилди вайрон,
Боланг қолди ва ортингдан борди камон,
Энди қонун химоячинг, кўркма ҳеч он,
Бу юртни сен ташлаб кетма, бўлма айро», дегим

келади.

Шу ўринда «ов қилиш мумкин эмасми?» — деган савол турғилиши табиий. Албатта, мумкин. Фақатгина ов қилиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га кирмаган ҳайвонларни белгиланган муддатларда ва ҳудудлардагина овлашига рухсат этилган. Браконьерликка эса йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш яъни ёввойи ҳайвонларни овлаш ҳуқуқини берувчи рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан белгиланган намунадаги махсус бланкаларда бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Овланган ёввойи ҳайвонлардан фақат рухсатномада кўрсатилган мақсадларга мувофиқ фойдаланишга йўл қўйилади.

Қашқадарё вилоятида хизмат сафарида бўлганимда Миришкор туманидаги «Алан» сув ҳавзаси мутасадди ходимларидан бири билан суҳбатлашиб қолдим. Мазкур, мамлакатимизда мавжуд ҳайвонот олами ҳақида тўлқинланиб, айрим муаммолар ҳақида эса, афсусланиб сўзлаб берди.

— Муаммолардан бири шундаки, айрим нафсини жиловлай олмайдиган ҳамюртларимиз ҳам бор. Ана шундай нафси ҳақлақ отган норасмий овчилар томонидан ҳайвонот дунёси ва баликчилик соҳасига зарар етказиш ҳолатлари тез-тез учрамоқ-

⁴⁶ Муҳаммад Юсуф. Сайланма. «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012 йил. 185-бет.

да. Хусусан, бу соҳада 2009 йил давомида ўн еттита қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилиб, ўн олти ҳолат бўйича ваколатимиз доирасида ҳуқуқбузарларга 501.242 сўмлик маъмурий жарима жазолари қўлладик. Бундан ташқари, бир гуруҳ фуқаролар томонидан Миришкор тумани «Алан» сув ҳавзаси атрофида отилган қушлар, овланган балиқлар ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган 3 дона жайрон (кийик)-ларни овлаб, табиатга, ҳайвонот дунёсига 30.038.496 сўм зарар етказганлик ҳолати бўйича материаллар айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун прокуратура органларига юборилди.

2010 йилда ҳам шу каби ҳуқуқбузарликлар сони қирқ бештани ташкил этди. Шулардан қирқ уч ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлар 1.703.125 сўмлик маъмурий жарима жазоларига тортилди. Иккита ҳолатда ихтиофауна ресурсларидан ноқонуний тарзда фойдаланиб, табиатга, ҳайвонот дунёсига 18.444.240 сўм зарар етказилганлиги учун жиноий жазо чоралари қўлланилди.

2011 йилнинг 9 ойида қирқ уч марта ҳайвонот дунёси ва балиқчилик соҳасига нисбатан ноқонуний муносабатда бўлиш ҳолатлари кузатилди ва қирқ ҳолатда 2.389.800 сўмлик маъмурий жарима жазолари қўлланилди. Икки ҳолатда ихтиофауна ресурсларидан ноқонуний тарзда фойдаланиб, табиатга, ҳайвонот дунёсига 8.226.169 сўм зарар етказганликлари учун, бир ҳолатда 1 дона ёввойи чўчка ва 1 дона Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган айиқни отиб, ҳайвонот дунёсига 51.480.000 сўм зарар етказганликлари учун материаллар прокуратура органларига юборилди.

Ҳамсубҳатимнинг маълумотлари бўйича биргина сув омбори ёнида бўлаётган бундай нохуш хангомаларга нима дейсиз? Бундай воқеалар киши дилини тирнамасдан, кўнгилни ғашламасдан қўядими?! Тасаввур ҳам қилиш қийин, ортидан ўк бориб турган ўша табиат жониворларининг аҳволини.

ИЛТИМОС, ШАФҚАТ ҚИЛИНГ!!! Ҳа, халқимизда шундай ҳикмат бор. Биз жониворлар билан танишмизу, аммо тўғриси айтсам, ҳаммамиз ҳам уларни яқиндан билавермай-

миз. Агар уларни яқиндан ўргансак, бирор-бир жонивор йўқки, унинг оиласи бўлмаса. Жониворлар ҳам оиласи бузилмаслигини истаб яшайди, шунга интилади. Масалан, биз учун оддийгина туюлган чумчуқнинг ўз оиласига меҳрибонлигини, ўз инини қанчалик даражада қадрлашини шоир Муҳаммад Юсуф шундай изоҳлайди:

«Терлар оқди сув бўлиб биздан,
Ва гурсиллаб йиқилди терак...
Ака, бизнинг қилмишимиздан
Тунда қушлар йиғласа керак.
Она чумчуқ айланиб кетмас,
Кўнглига қил сиғмаса керак.
Эски индан тошиб бориб хас,
Янги инда йиғласа керак...»⁴⁷

Ҳар қандай йиртқич ҳайвон ҳам, албатта, ин ясади, онла куради, зурриётларига «ота-она» сифатида меҳрибонлик кўрсади. Ҳар бир жонивор ота-она ўз зурриётлари тарбияси ва уларнинг моддий таъминоти учун масъуллигини хис қилиб яшайди ва уни амалда бажаради. У ҳар қанча йиртқич бўлмасин, топган ўлжасини ўзи емасдан, аввало боласига едиради. Болаларини боқиб, вояга етказиш ва уларни ўз одатларига кўра ов қилишга, жанг қилишга, химояланишга ўргатиш учун иккиси ҳам бир хил масъулият билан ҳаракат қилади.

Маълумки, ҳайвонот олами ўзига хос гўзалликка эга. Ҳар бир ҳайвоннинг тузилиши, танасининг ранги ва бошқа органлари санъат асаридек. Масалан, сержило қирғовуларнинг мафтунқор гўзаллиги, ёввойи ўрдақларнинг бўйин соҳасидаги ўзинининг миллий бекасам тўнларимиз матоларини эслатувчи камалаксифат ранглар, цесаркаларнинг хотин-қизлар кийимлари матосини эслатувчи нафис парлари ҳар қандай кишини ўзига ром этади. Ана шундай гўзалликларни томоша қилиш учун ким интилмайди, сайроқи қушларнинг хонишларини тинглаб, роҳатланмайди, дейсиз. Шуниси қизиқарлики, улар бор гўзаллигини, барча куй ва қўшиқларини ўз оиласига намойиш қилади, ундан узоклашмаган ҳолда тараннум этади.

⁴⁷ Муҳаммад Юсуф. Шеърлар. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002 йил. 57-58-бетлар.

Кузатувларда жониворларнинг, айниқса, куш ва паррандаларнинг оиласига, ўз зурриётларига бўлган меҳри, уларни баҳолатга етказишга бўлган масъулияти ниҳоятда катта эканлигини сезганмиз. Айниқса, биз инсонлар учун яқиндан таниш бўлган хонаки паррандаларни кузатсак, улар жуфтлигининг бири-бирига бўлган меҳрибонлиги ҳар қандай инсонни лол қолдиради. Цесарка билан ғозларнинг турмуш тарзини кузатдик. Нар цесарка билан мода цесарка ўртасидаги муҳаббат шу даражада кучли эканки, баъзи бир инсонлар ўрганса арзигулик. Бири иккинчисини кўрмаса, шу қадар қаттиқ қуюнчақлик билан қидира бошлайдики, бунга инсоннинг кўнгли бардош бера олмайди. Айрилиқ уч кундан ошса, ўлим билан тугайди. Шу сабабли ҳам уларни бир-биридан айириш жоҳилликдан ўзга нарса эмас. Ғозларнинг ҳам оилавий меҳр-муҳаббати цесаркалардан қолишмайди. Нар ва мода ғозлар зурриёт қолдириш ниятида тухумларни тоза ва қулай жойга жойлаштириб, барча шароитларни ҳозирлайди. Мода ғоз тухумларни босиб ётганида нар ғоз мода ғознинг оғзига овқат солиб, қўриқлаб туради. Агар модасининг оёқларини ёзиб, бир оз ҳаракатланиб келиши учун зарурат туғилса, нар ғоз дархол унинг жойига ўтиб, тухумларни босиб ётади. Уларнинг ўртасидаги бу қадар ахиллик, оилапарварлик, ўз полапони тарбиясига бўлган эътибор одамни шошириб қўяди.

Қалдирғочни айтмайсизми? Ҳаммамизга кадрдон бўлган ўша қалдирғочни оғзида лой келтириб, озода ва ибратли хонадонларга ин қуришини яхши биламиз. Гўё, у инсонлар билан дўстдек. Қишлоқ жойларида эшик ва деразалар доим ланг очиқ туриши сабабли энг ичкари хоналарга ҳам кириб ин қуришади-ю, аммо бир томчи ҳам лой ёки бир дона хасни ерга туширишмайди.

Жониворларнинг энг кичиги чумоли бўладиган бўлса, улар ҳам топган ўлжасини инига, болалари томон судрашини, судраганда ҳам ахиллик билан бир-бирларига кўмаклашган ҳолда инларига олиб киришганлигини кўп кўрганмиз. Бу ҳаракатлар уларнинг ҳам ўз оиласи учун масъуллигидан, бир-бирларига меҳрибонлигидан, ҳамжихатлигидан далолат беради. Қолаверса, чумоли ҳам жонзот. У ҳам яшашга ҳақли. Унинг ҳам зурриётлари бор. Битта чумоли ташқарида ўлиб қолса, унинг ўлигини ҳам бир гала чумолилар биргалашиб инига олиб кетганлигига кўпчили-

гимиз гувоҳ бўлганмиз. Хуллас, биз онгсиз, ақлсиз деб ўйлаган ҳайвонот олами ҳақида, уларнинг хислатлари ҳамда фазилатлари ҳақида жуда кўп ибратли мисоллар келтириш мумкин.

– Баъзан биз инсонлар жониворлардан ҳам баъзи нарсаларни ўрганишимиз керакка ўхшайди, – дейди бир суҳбатдошим. – Нега десангиз, ҳаётда ўз фарзандини, ёрини ёки дўстини ташлаб кетган инсонлар ҳақида талайгина мисоллар келтириш мумкин, аммо ҳайвонлар эса, шеригини душманга олдирамаслик, ёрдамга муҳтож ҳолатда қолдирамаслик учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишади. Ҳар жиҳатдан бир-бирларига ёрдам беришади, ўзаро ғамхўрлик қилишади...

Суҳбатдошимнинг бу гапларини эшитингу шоир Муҳаммад Юсуфнинг қушлар, уларнинг бир-бирларига бўлган меҳрибонлиги ва садоқати ҳақидаги мисраларини эсланг:

«Баланд шохга осилиб қолди,
Бир оёғи кириб айри новдага.
Кун бўйи силтаниб тойди ҳолидан,
Қийин, қийин бўлди ушоқ гавдага...

Бизлар томошабин,
Қарға азобда,
Тўлганар тўкилиб кўзларидан чўғ.
Ундай қил, бундай қил, деб ўргатамиз,
Дарахтга чикқани бир ёш бола йўк...

Қарға эса баланд бутокда энди
Тақдирга тан бериб ётарди беун.
Тепада айланиб фарёд соларди –
Бир дунё қузғун...

Тонгда чопиб чикдим.
Дарахт жойида.
Шох бор,
Шохда қарға йўк эди аммо.
Бошга қулфат тушган кунда шеригин
Ташлаб кетмас экан қузғунлар ҳатто!»⁴⁸

⁴⁸ Муҳаммад Юсуф. Сайланма. «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012 йил. 156–157-бетлар.

Шу ўринда яна ўша чумоли ҳаётига қайтиб, И. Холлиев, А. Икромовларнинг касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган «Экология» номли ўқув кўлланмасидан улуғ мутафаккир, маънавият султони Алишер Навоийнинг чумолига бўлган ибратли муносабатини мисол келтириш жоиздир: «У киши ибодат маҳалида елкасида бир чумолини кўриб қолади. Ҳазрат жониворнинг ўзи таҳорат қилган жойда унга илашганини билди. У чумоли елкадан тушиб, озор топса ва ўз уясининг йўлини тополмаса, уволига қоламан, деб ўйлайди. Шунинг учун намоздан кейин тезлик билан таҳорат олган жойга бориб, уни уяси олдига қўяди ва озор етказиш изтиробидан қутилади»⁴⁹.

Лекин, замондошларимиз орасида ана шундай жониворларнинг нафақат ўзларига, балки уларнинг оиласига хужум қилиш, оёқлари ва бошқа воситалар билан эзиб ташлаш, айниқса, истеъмолга яроқли бўлган жониворларни болалаётган даврида уларнинг ожизлигидан фойдаланиб овлаш, тухумларини ўғирлаш ёки тортиб олиш, инларини бузиш каби ғайритабиий ишларга қўл урувчилар ҳам борлиги ахён-ахёнда кўзга ташланиб, қулоққа эшитилиб тургани ёмон.

Шу сабабли ҳам мутахассислар ноқонуний овчилар томонидан ҳомиладор ёки болалаган жониворларни отиб олиш, хайвонлар ва қушларнинг инларини бузиш ҳолатлари ҳамма вақт ҳам уларни ташвишга солиб туриши ҳақида қуюниб гапиришади.

– Айниқса, балиқлар кўпайиш вақтини халқимиз яхши билди, жуда кўпчилик аҳоли шу даврда уларни истеъмол қилишдан ҳам ўзларини тийиб туришади. Шунга қарамастан, кейинги вақтларда балиқларни тухум қўйиш даврида ов қилиш, тухум қўядиган инларини бузиш, ҳатто оёқ ости қилиш, уларни кенг ўлчамли тўрлар билан овлаш каби ҳолатлар тез-тез учрамоқда. Энг ёмони, балиқлар кўпайиш даврида ҳам умумқирғин келтирадиган «кўринмас тўр», яъни электр қармоқ билан уларни овлаш каби ноҳуш ҳолатлар кишининг ғазабини келтиради. Ов қилишнинг бундай турлари балиқларнинг кескин камайиб кетишига олиб келишини ўйлаб кўришмаса ҳам

керак, деб ўйлайман, – дейди Сирдарё ҳавзаси бўйича масъул ходимлардан бири.

Ҳа; балиқ халқимиз томонидан энг тоза, шифобахш истеъмол маҳсулоти сифатида кадрланади. Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз сарҳадларида умуртқали хайвонларнинг 677 тури, умуртқасизларнинг эса, 15 мингдан ортиқ хиллари макон топган. Уларнинг аксарияти бетакрор бўлиб, фақат бизнинг ўлкамизда учраши қувонарлидир. Шулардан бири турли-туман балиқлардир.

Шундай табиат мўъжизаларига нисбатан «уруш эълон қилиш», уларни қириб юбориш халқимиз маънавиятига зид ҳолат бўлса-да, афсуски, орамизда балиқларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлаётган кимсалар ҳам йўқ эмас экан.

Таъбир жоиз бўлса, мамлакатимиз истиклолининг дастлабки йилларида Самарқанд вилоят прокуратурасининг тергов бошқармаси прокурори лавозимида фаолият юритар эдим. Пайарик туман прокуратурасидан юборилган махсус хабар менинг воқеа жойига чиқишимни тақозо этди. Туман ҳудудида бир гуруҳ фуқаролар электр тоқини сувга улаш орқали балиқ овлашган ва оқибатда жуда кўп миқдорда балиқлар, айниқса, уларнинг болалари ва бошқа сув жониворлари қирилиб кетган.

– Эй, болам, деди кўзларида ғазаб билан воқеа жойида бизнинг ҳаракатимизни кузатиб турган бир нуроний киши. – Бу нафси ўпқонларнинг қилаётган ҳаром ишлари ҳаммамизнинг нафратимизни қўзғатмоқда. Уларнинг дастидан ҳар куни минглаб балиқлар қирилиб кетаяпти. Оқиб ўтаётган сувга электр тоқининг уланиши нафақат сув жониворлари учун, балки, шу сувдан фойдаланмоқчи бўлган инсонлар учун ҳам хавfli эканлигини бу нодонларга қанчалик тушунтирмайлик, гапирдингми ҳам демайди, нокаслар. Ахир, балиқлар ҳам Яратганнинг неъматидир. Уларнинг ҳам уволи бор. Қолаверса, балиқдан тоза, балиқдан беғубор, балиқдан безарар, балиқдан зийрак, балиқдан меҳрибон нима бор ўзи бу дунёда. Инсоният оламига ер қимирлаши ҳақида ҳаммадан барвақт маълум қиладиган ҳам, меҳрибонлик билан одамларнинг касалини ўзига тортиб оладиган ҳам балиқ-ку, болам. Наҳотки, уларга шунчалик зарар етказишса-я...

⁴⁹ И. Холлиев, А. Икромов. Экология. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 2007 йил.

Ҳа, отахоннинг гаплари жуда ўринли эди. Ариқ бўйида жонсиз ётган қоп-қоп балиқчаларни кўрган ҳар қандай кўз жовдираши табиий. Ўша воқеани қачон эсласам, отахоннинг «Уларнинг ҳам қарғиши бор, уволи бор», деган сўзлари кулгим остида жаранглаб, тану жоним жунжикиб кетади. Ваҳоланки, табиат мавжудотларининг қирилиб кетмаслиги учун унинг энг онгли вакили — инсон масъулдир.

Биз севган атоқли адиблардан бири Чингиз Айтматов бу каби ҳолатлар ҳақида шундай дейди: «Бир куни Яратган эгам: «Ер юзидаги бутун тирикликни ихтиёрингга топшираяпман. Бепоеъ текисликлар, пурвиқор тоғлар, кўм-кўк денгизлар, зилол кўллар, қуюқ ўрмонлар, ҳамма-ҳаммаси сеники.

Жамики махлуқлар ҳам сенинг ҳукмингда бўлсин. Буларнинг ҳаммасига, биринчидан, ўзим, иккинчидан, сен жавоб берасан.

Ҳаёт Ер юзида гуллаб-яшнайдими ёки ҳаммасининг кули кўкка совуриладими, фақат сенга боғлиқ, ҳаммаси учун менинг олдимда фақат ўзинг жавоб берасан», — дебди Одамга.

Шундай қилиб, инсон чексиз ҳокимиятга эга бўлишдек шарафга муяссар бўлган экан.

Ер юзида қанчадан-қанча тирик махлуқот борлигини ва яна қанчадан-қанчаси инсон қўли билан йўқотиб юборилганлигини ўйласанг, беихтиёр баданинг жунжикиб кетади»⁵⁰.

БУРЧГА СОДИҚЛИК ҲАМ ФАЗИЛАТ. Шунингдек тақрор ва тақрор таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиздаги ҳайвонот оламини қириб юбориш ёки уларга бошқача зарар етказиш, ҳатто уларни тутқунликда сақлаш, яъни қафасга, алоҳида хоналарга ва улар эркинлигига таъсир қиладиган бошқа жойларга солиб қўйиш орқали озор етказиш тақиқланади. Уларни тутқунликда сақлаш учун зарурат бўлган ҳолларда бундай ҳаракатлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномаси билангина амалга оширилиши мумкин.

⁵⁰ Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққиди қолган овчининг охи-зори (Аср адоғида айтилган истиқфор). — Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош тахририяти, 1998. — 225-б.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорига асосан мулк шаклидан, хўжалик фаолияти туридан қатъи назар, барча корхоналар ва ташкилотларга, шунингдек, жисмоний шахсларга тегишли рухсатномаси бўлмаётган ҳайвонларни овлаш, тутқунликда сақлаш ва республикадан четга олиб чиқиб кетиш, улардан заҳар олиш ва бу заҳарларни сотиш ман этилган. Ҳайвонот олами ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ёввойи ҳайвонлар давлат муҳофазасига олинган бўлиб, ов қилиш қоидаларига риоя қилинмаслигининг барча кўринишлари Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 39-моддасига мувофиқ, маъмурий, жиноий ва моддий жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 60-моддасига кўра, ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик, 90-моддасига кўра, ов қилиш қоидаларини бузганлик, 94-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, уларни ўлжа қилиш ёхуд туҳумларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инларини, уяларини ва бошқа яшаш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб, сони камайиб кетишига, яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаганлик маъмурий тартибда жазо қўллаш учун асос бўлади.

Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини овлаш қоидаларини бузиш, Ўзбекистон Республикаси-

нинг «Қизил китоби»га киритилган ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 202-моддаси 1, 2, ва 3-қисмларига мувофиқ, жиноий жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Жумладан, Жиноят кодексининг 202-моддасига мувофиқ, овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларнинг доридармон, озик-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, шунингдек, махсус қўрикланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик олаmidан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, бундай фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг «Қизил китоб»га киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан ёки кўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёинки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, бундай фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу ҳаракатлар хавfli рецидивист томонидан ёки шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, ёинки ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб, бундан ташқари, портлаш қурилмалари, захарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда, ё бўлмаса уюшган гуруҳ томонидан, ёхуд жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, бундай ҳолларда айбдор бўлган фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 204-моддасига мувофиқ, алоҳида мухофаза этиладиган ҳудудларнинг тартибини бузиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, бундай фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Агар алоҳида мухофаза этиладиган ҳудуд ёки объектларни қасдан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёхуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, бундай ҳолатда фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Табиатга зарар етказиш ниятида жиноятга қўл урмоқчи бўлган ҳар бир киши улуғ шоҳ ва мумтоз шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги сатрларини ёдга олса, бу йўлдан қайтган бўлармиди, дейсан киши:

«Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир».

Акс ҳолда, она табиатнинг дахлсизлигига қарши қаратилган бирор-бир ҳуқуқбузарлик ёки жиноий ҳаракат жазосиз қолмаслиги муқаррар. Яхшиси, унга дахл қилмаслик, аксинча, унинг барча беназир неъматларидан баҳра олмақлик жоиз.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида белгилаб қўйилганидек, атроф табиий муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўлиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир. Бурчга содиклик ҳар бир жониворни авайлаб-асрашга, уларнинг эркин яшашлари учун давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитларни қадрлашга, ҳар бир ёввойи ҳайвон турлари йўқолиб кетмаслигининг олдини олишга ва келажак авлодларга етказиб беришга хизмат қилади.

ЙЎЛ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК ДАХЛСИЗЛИГИ

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир⁵¹.

Ислом Каримов

САВОБИ КЎП, УВОЛИ ҲАМ БОР. Одамзот доимо қулайликка, фаровонликка интилади. Шулардан бири узокни яқин қилиш... Дарвоқе, узокни яқин қилиш истаги анчагина кучли истак. Шу истак туфайли манзилга тезроқ элтадиган сўқмоқлар пайдо бўлади. Бора-бора бу сўқмоқларнинг аксарияти катта-кичик, узок-яқин йўллarga айланади.

Инсоният тараққиётида йўлларнинг тутган ўрни бекиёс. Унинг аҳамияти шунчалар муҳимки, одамзот илк бор қадам ташлаганидан буён барча даврларда инсониятнинг нафақат тараққиёти, балки унинг оддий ҳаёт тарзини ҳам йўлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу боис ҳам халқимиз томонидан янги йўллар барпо этиш, борларини ободонлаштириш, кенгайтириш, уларга доимо эҳтиёт-корона муносабатда бўлиш масалаларига жиддий аҳамият берилган. Барчанинг эҳтиёжи тушадиган йўлларни бузилишдан эҳтиёт қилиш, ифлосланишдан тоза сақлаш, эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ота-боболаримизнинг азалий фазилатлари сирасидандир. Ваҳоланки, бир вақтлар «Буюк ипак йўли»нинг асосий чорраҳаларидан бири бўлган мамлакатимиз бугун ҳам кўплаб мамлакатларни бир-бирларига боғловчи «кўприк» вази-фасини ўтамоқда.

Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан истиқлол

йилларида мамлакатимизда ҳаво йўллари, темир йўллари ва автомобиль йўлларига нисбатан бўлган эътибор жуда юқори даражага кўтарилди. Натижада мамлакатимизда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси фаолиятлари ривожланган мамлакатлар амалиётига мутаносиб равишда йўлга қўйилди. Юртимизнинг само йўли жаҳоннинг барча мамлакатлари сайин кенгайтирилди. Алмисокдан қолган самолётлар ўрнига ҳаво кемалари паркини етти иқлимга учадиган дунёнинг етакчи «Боинг» ва «Аэрбас» авиакомпанияларининг замонавий, ҳар жиҳатдан қулай ва тежамли самолётлари билан тубдан янгилаш чоралари кўрилди.

Ҳаво йўлларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, Тошкент шаҳри ва республиканинг вилоят марказларида янги ва замонавий аэропортлар қуриш, аэропортларни жаҳон андозалари даражасида реконструкция қилиш, йўловчилар ташиш даражаси ҳамда сифатини ошириш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада бугунги кунда нафақат хорижий мамлакатларга, ҳатто шаҳарлараро учаётган самолётларимиз, улардаги юксак хизмат маданияти, соҳада ўрнатилган хавфсизлик чоралари халқимизни қувонтирмоқда. Айниқса, ҳаж сафарини адо этиш учун Маккаю Мадинага бориб-келаётган нуроний отахон ва онахонларимизнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хизматидан қувончи бир дунё.

Худди шундай, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг фаолияти ҳам мамлакатимиз тараққиётига мос равишда ривож топиб бормоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси томонидан йўловчилар ташиш даражаси ҳамда сифатини ошириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Янги-янги йўллар қурилиб, уларнинг атрофлари ободонлаштирилмоқда. Бу борадаги ишлар ҳақида сўз юрит-

⁵¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: «Ўзбекистон» 1997. — 115-б.

ганда, мамлакатимизда темир йўл қурилиши бўйича эришилган натижалар, Тошкент – Самарқанд йўналишидаги юқори тезликка мослаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилганлиги, юқори тезликда хавфсиз ҳаракатланувчи поездлар қатнови йўлга қўйилганлиги соҳада эришилган ютуқлар сирасига киради.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларини ўзаро бирлаштирадиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш чоралари доирасида Ўзбекистон миллий магистрალი таркибига кирадиган, халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган, замонавий цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламалар билан таъминланган тўрт полосали йўл участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўлларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, йўллар атрофини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва йўл сервисини яхшилаш борасида ҳам жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ишларни изчил давом эттириш мақсадида мамлакатимизда «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Натижада, транспортда фуқароларни ҳамда юк ташишни ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, кўп мақсадли замонавий самарадор транспорт-транзит инфратузилмасини яратиш, барча хилдаги транспорт турлари – автомобиль, темир йўл ва авиация транспорти томонидан транспорт хизмати кўрсатишда туташликни таъминлаш, Ангрен шаҳридаги ва Навоий шаҳри аэропорти негиздаги логистика интермодаль марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолият юритиш самарадорлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, ушбу дастурга мувофиқ халқаро транспорт коммуникацияларига қисқа йўллар билан чиқишни ва транзит юк ташиш кўпайишини, минтақавий ҳамда дунё бозорларига чиқишни кенгайтиришни, экспорт салоҳиятидан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш ва миллий маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришни таъминлайдиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш, бундан ташқари, миллий автомагистрал ёқаси ва темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, автомобиль ва темир йўл магистралларида қатновчилар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратиш ишларига аллақачон киришилган.

Мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида биргина 2011 йилнинг ўзида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрალი участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида 234,8 километр автомобиль йўлини асфальт-бетон билан қоплаш ишлари бажарилганлиги, Ўзбекистон миллий автомагистрალი бўйлаб йўл ёқасида 34 та инфратузилма ва сервис объекти ишга туширилганлиги, 54 километрлик темир йўл тикланганлиги, 192 юк ва 7 йўловчи ташиш вагонлари тайёрланганлиги, «Навоий» интермодал логистика маркази орқали 37,8 минг тонна юк ташилганлиги ҳақидаги маълумотлар бу борада эришилган ютуқларимиздан далолатдир. Ваҳоланки, халқимиз битта кўприк ёки йўл қурган кишини «жаннати инсон», дейдилар.

Мамлакат бўйлаб бунёд қилинаётган янги-янги йўл иншоотлари гўё мўъжизадек пайдо бўлиб қолмоқда. Бугунга келиб темир йўллар атрофи ўралиши натижасида темир йўл хавфсизлиги икки томон учун ҳам бирдек таъминланди. Кенг ва раво автомобиль йўллари, йўл четларидаги бежирим безаклар, манзарали дарахтлар ҳар қандай кишининг кўзини қувонтиради. Бундай бунёдкорлик ишларини халқимиз қанча қувончу олқишлар билан эътироф этмоқда, шу ишларнинг бошида турган муҳтарам Президентимиз ва барча мутасадди раҳбарлар ҳаққига дуолар қилишмоқда. Айниқса, чекка қишлоқларгача асфальт ётқизилган йўллардан мактабга қатнаётган ўғил-қизларнинг қувончи чексиз. Бу эса, халқимизнинг йўл қурилиши борасидаги асрий анъаналари яна давом этаётганлигидан, ривож топаётганлигидан далолатдир.

Бинобарин, йўл ҳам иншоот, ҳам манзил-макон. У ҳам қанча меҳнатлар, харажатлар эвазига бунёд бўлади. Элнинг, ҳар биримизнинг қоримизга ярайдиган бундай иншоотларни авайлаб-асраш эса, шу юрт фарзандларидан, ҳар биримиздан ниҳоятда эҳтиёткорлик, юксак маданият, катта масъулият талаб этади.

Маълумки, мамлакатимизда транспорт тизими Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ҳаво йўллари, темир йўллари ва автомобиль йўллари фаолиятининг алоҳида қонунлар билан мустақамлаб қўйилганида катта маъно мужассам. Чунки, ҳар бир йўлнинг ўзига ҳослиги, аниқ вазифалари, иш қўлами бор.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимиздаги барча автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ушбу қонунга мувофиқ, автомобиль йўли деганда, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва ҳавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек, ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ тушунилади. Автомобиль йўлларида фойдаланувчилар тоифасига эса, йўл ҳаракатининг иштирокчилари бўлган ёки ажратилган минтақа ҳамда йўл бўйи минтақаси доираларида белгиланган тартибда рухсат этилган фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар қиради.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари уч тоифага бўлинади: умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари; шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари; хўжалик автомобиль йўллари.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат мулки бўлиб, автомобиль йўлларида фойдаланувчилар учун ҳар доим очиқ. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари аҳоли

эҳтиёжларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва муҳофаза эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ўртасида юклар ва йўловчилар ташишни таъминлайди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ҳам халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларига бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ халқаро автомобиль йўллари тармоғига қирадиган йўллар халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва туманларининг маъмурий марказлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, маданият ҳамда саноат марказлари ўртасида транспорт қатновини таъминлайдиган, мазкур марказларни эса, халқаро аҳамиятга молик йўллар билан, аэропортлар, темир йўл станциялари, портлар ва кема тўхташ жойлари, шунингдек, қўшни давлатлар билан боғлайдиган йўллар давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари сирасига қиради.

Туманларнинг маъмурий марказларини шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар билан, шунингдек, давлат аҳамиятига молик йўллар билан боғлайдиган йўллар маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига қиради.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар доирасидаги йўллар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлади.

Технологик мақсадларга хизмат қиладиган йўллар, шохобча, хизмат, патруль ва бошқа шунга ўхшаш автомобиль йўллари эса, хўжалик автомобиль йўллари жумласига қиради ва давлат, юридик ёки жисмоний шахсларнинг мулки ҳисобланади.

Бу йўллар кимнинг тасурруфида бўлишидан, кимнинг мулки ҳисобланишидан қатъи назар, шу жамият аъзоларига, барчамизга хизмат қилади. Халқ хизматида ётган йўлларга зарар етказиб бўлмайди. Йўл қурмоқ энг савобли ишлардан биридир. Аммо, масъул бўла туриб, йўлларни сифатсиз қуриш, йўлни

ҳақидан уриш, йўлларга зарар етказиш каби ҳаракатларнинг уволи жуда оғир. Ундан сақланиш керак.

ЖАРОҲАТЛАШ ГУНОҲ, ЯРАСИНИ БОҒЛАШ ЭСА, САВОБ. Қизик, йўл ҳам яраланиши мумкинми, деган савол туғилиши табиий. Албатта, яраланади. Йўлларни инсон организидаги қон томирларига қиёсланиши ҳам бежиз эмас. Тўғри, албатта, у шундай катта вазифани бажарса-да, жонсиз. Аммо, ўзи жонсиз бўла туриб, тирик организмлар учун, уларнинг ўзаро муносабатлари учун ҳар доим хизматда. Шундай экан, йўлнинг бағрини тилиш, бизнинг бағримизни тилиш дегани...

Баъзан, бирор қурилиш қилиш ёки бирор-бир нарсани йўл остидан ўтказиш бахонасида асфальт кўчани ёриб, унга зарар етказиш, сўнгра ўз ишлари яқун топгач, «яраланган» йўлни шу ҳолида ташлаб кетиш ёки чала-чулпа, тош-тупроқ аралаш кўмиб қолдириш ҳолатларига кўзингиз тушади. Ажабо, бус-бутун, тоза, текис турган йўлни бундай аянчли аҳволда қолдиришга ким журъат қилди, деб жаҳлингиз ҳам чиқади. Ўшанда, бундай масъулиятсиз кишилар йўлнинг жамиятимиз ривожини, халқимиз фаровонлигини, Ватанимиз равнақини учун нақадар аҳамиятли эканлигини билмайдиларми, деб ажабланасан, киши. Йўлнинг уволдан қўркмайсанми, дегинг келади уларга.

Қизик, бир иншоотни қуриб, ёнгинасидаги бошқа бирини «хе» йўқ — «бе» йўқ бузиб кетишга кимнинг ҳаққи бор? Нахотки, умумхалқ мулки бўлган йўлга зарар етказиб, йўловчиларга озор етказаётган кишилар шахсий манфаатини ўйласа-ю, ўзгалар манфаатини эътиборидан четда қолдирса? Йўл иншоотлари ҳам эгасиз эмаслигини, уларга масъул мутасадди ташкилотлар борлигини, асфальт кўчани ёришдан олдин шу ташкилотдан рухсат сўраш, зарур чораларни белгилаш шартларини йўл бузағонлар кошқийди билишмаса, дейсиз. На инсоф, на масъулият, на жавобгарликни ҳис қилиш бор бундай кишиларда. Нахотки, фуқаролик бурчини англамаслик мумкин бўлса?

Йўлдаги кичиккина бир жароҳат ҳам тез кунда кенгайиб, йўловчи ва машиналар учун ноқулайлик пайдо қилади. Ёки ариқдай ёрилган жой чала кўмилса, ўнқир-чўнқир бўлиб қолади.

Ундан ўтган пиёда йўловчига қандайдир даражада зарар етади, машиналар турли даражада шикаст топиб бораверади. Бундай жойларда ноҳуш кўнгилсиз воқеалар, ҳатто содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ҳам кузатилган ҳолатлар кўп. Айниқса, ёмғир ёғиши, сув оқиши билан кўчанинг шу «яра»сидан икки томонга қараб анча жойгача лой «ўрмалайди». Натижада йўлнинг бир неча метр масофаси яроқсиз ҳолга кела бошлайди. Энди икки-уч метр кенгликдаги майдон эмас, иншоотнинг нақ 20-30 метр қисми таъмирга муҳтож бўлиб қолади. Бундай инсофсизлик қанчалар қимматга тушишини билиш учун, бизнингча, фақат йўлсоз бўлиш шарт эмас. Буни ўз манфаатини кўпроқ ўйлайдиган шахслар бошқалардан ҳам кўра яхшироқ фаҳмлай олади.

Асосан, мамлакатимиз бюджети маблағлари ҳисобига яратилаётган бу азим йўллар ким учун? Ахир, бу йўллар бизнинг ижтимоий-маданий объектларимиз, бойлигимиз-ку! Қачон биз Ўзбекистонни ўзимизнинг ягона уйимиз сифатида биладиган, унинг ҳар бир қарич ерига, ҳар бир ижтимоий-маданий объектига нисбатан ўзимизники, деб қарайдиган, шу халққа, шу мулкка ҳурмат билан муносабатда бўладиган бўламиз, дейсан киши.

Йўллардаги жароҳатларни кўриб, уларнинг вужудга келишида йўл қурилиш ва таъмирлашга масъул идораларнинг мутасадди ходимлари, ишчи-хизматчиларида ватанпарварлик етишмаяптими, деган ўй ўйлантирса, йўл усталари томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган хабарлар кишини янада таажжублантиради. Йўл қурилиши ишларини бажариш имкониятини қўлга киритгунга қадар катта-катта ваъдалар берилади-ю, иш бошлангандан кейин таниб ҳам бўлмайди уларни. Йўл қурилиши ишларини бажарувчи (пудратчи) тариқасида давлатдан олаётган пулларни ҳалоллаши, йўл усталари бола-чақасига олиб бораётган маошини оқлаши, унинг ҳаққини адо этиши лозим эмас-ми? Ҳалоллик-чи? Шу юрт учун, шу халқ учун фидойилик-чи?

Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун масъул бир ходим билан суҳбатлашиб қолдим. У киши йўлларда содир бўлаётган автоҳалокатларда айрим йўлсозларнинг ҳам айби борлигини таъкидлаб, баъзи ҳолларда йўллар сифатли қурилмаслиги, таъмирлаш

ишлари олиб борилаётган жойларга тегишли белгилар қўйилмаслиги, қоронғи вақтларда йўл юзида техника воситалари ҳеч қандай белгиларсиз ташлаб кетилиши, тош ва қумлар ётқизмасдан йўлларда қолдирилиши каби ҳолатлар оқибатида содир бўлган бир қанча бахтсиз ҳодисалар юзасидан мисоллар келтирди.

Мутахассисларнинг фикридан маълум бўлишича, йўлсозларнинг шундай масъулиятсизликлари натижасида қанчадан-қанча юртдошларимиз ҳаётдан бевақт кўз юмган. Уларнинг оиласи боқувчисидан, фарзандлари ота ёки онасидан, айрим ҳолларда ҳар иккаласидан, баъзан ота-оналар фарзандларидан айрилиб қолган. Муддатидан илгари тўлиқ ёки қисман яроксиз ҳолга келиб қолаётган автотранспорт воситаларининг, манзилга етмасдан ёрилиб кетаётган автошиналарнинг сон-саноғи йўқ.

Ҳа, халқимиз учун, унинг фаровон турмуши учун хизматга шай турган йўлларга бепарво, лоқайд муносабатда бўлувчи, ҳатто уларга шикаст, зиён етказувчи, бағрини тилиб, яраловчи кимсалар ҳам учраб турганлиги, йўл қурилишини зиммасига олган пудратчи ташкилотларда фаолият юритаётган айрим ходимларнинг нафси ҳакалак отиб, масъулиятини унутиб қўйганлиги жамият аъзоларини хавотирга солмоқда. Айниқса, бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар соҳага мутасадди ташкилотлар раҳбарлари томонидан содир этилса, бунинг сабабини изоҳлаш ҳам қийин, ҳам ачинарли.

ЙЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ЁКИ ЧОРИҒИНГНИ УНУТМА.

Донишманд халқимизнинг «Чоригингни унутма» деган нақлларига амал қилиб, яқин-яқинларда ҳам тупроқ йўлларда чангга булғаниб, ёгингарчиликларда лойга беланиб юрган кунларимизни унутмайлик. Яёв ёки от ва туяларда минглаб қақирим йўл юриб, манзилга етишнинг ўзи бўлмаган. Халқ орасида «Йўл азоби – гўр азоби», деган нақлнинг пайдо бўлиши ҳам шундан бўлса ажаб эмас. Шукрим, бугунги кунда мамлакатимизда шахсий автомобили бўлмаган оилалар сони кун сайин камайиб бормоқда. Аммо, юқорида баён этилгани каби ҳолатларни кузатганда шундай бебаҳо шароитларга беписанд қараб, бизни елкасида кўтариб, узоқ манзилларга олиб борадиган йўлларга озор бериб қўяётганимиздан уяласан, киши.

Пиёдалар йўлакчасида ҳасса суянган ҳолда кетаётган оксокол киши ерга энгашиб, ёнғокдек келадиган бир тошни йўлакча юзидан кўтариб олганлигига кўзим тушди. Бирон киши суриниб кетмасин тагин, дея анча жойгача кўтариб борган қўлидаги тошчани йўлнинг четига ташлади ҳалиги одам. Лекин, айрим кишиларнинг уй-рўзғор ва маиший чиқиндиларни кўчаларга, йўл бўйларига ташлаётганлигини ҳам кўрмасликнинг иложи йўқ. Айниқса, Тошкентдек гўзал ва мафтункор шаҳримизнинг оралик кўчаларида уюм-уюм чиқиндиларни кўриш кишини ташвишга солади. Ҳатто, кўп қаватли уйларнинг олдидаги йўлакларда ҳам қоп-қоп чиқиндиларга кўзингиз тушиб туради. Аслида бундай нопокизаликнинг шу тарзда одатий ҳол бўлиб қолаётгани миллий анъаналаримизга, кадриятларимизга, ўзлимизга, одоб ва ахлоқимизга ёт ва номуносиб эмас-ми? Қолаверса, бу одамийликдан ҳам йироқлаштирувчи иллат-ку, ахир...

Мен шу отахоннинг ёнига етиб бориб, у кишини суҳбатга чорладим. Отахон мен билан суҳбатлашишдан тортинмади.

– Эй, болам, йўлларни озода тутиш аслида бизнинг миллий урф-одатимиз. Бошқа кўпчилик миллатлардан фарқимиз ҳам шунда. Эрта тонгдан келинларнинг кўчаларга сув сепиб, супириб-сидиришларида ҳикмат кўп. Тозалик бор жойда баракка бўлади, соғлиқ бўлади. Аммо, орамизда шундай яшашимиз кераклигини билмайдиганлар ҳам учраб турганлигидан хафа бўламан. Тўртинчи қаватдан туриб чиқиндисини кўчага улоқтираётганлар ҳам кўпаймоқда, ахир...

Мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган шароитлар кўпгина хорижликларнинг ҳам хавасини келтирмоқда. Бир-биридан салобатли бинолар, бир-биридан кўркем боғлар, бир-биридан гўзал спорт майдонлари... Қайси бирини айтасиз... Бундай бунёдкорлик ишларининг саноғи ҳам, адоғи ҳам йўқ. Шундай бир шароитда уларга нисбатан бўлган беписанд муносабатларни кўриб, хафа бўласан, киши. Пойтахтимиз марказидаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи шаҳарликлар учун ҳам, меҳмонлар учун ҳам жуда қулай жойда жойлашган. Шу сабабли бўлса керак, бу ерга ташриф буюрувчилар сони жуда кўп. Аммо, айрим ёшларнинг шундай гўзал масканда

писта чакиб, пўчоғини ерга ташлашларига, сигарет колдикларини кўча юзларига отиб юборишларига, ўтиргичларни тирнаб исмини севгани билан кўшиб ёзишларига, ижтимоий-маданий объектларга зарар етказишларига кўзинг тушганида, аклинг бовар килмайди, кишини...

Ҳа, отахоннинг куйиб-ёниб гапираётган гапларида жон бор. Европа мамлакатларига бориб келган ёшлар билан суҳбатлашиб қолганимизда, улар чет эллик тенгдошларининг шаҳар озодалигига, атроф табиий муҳитга нисбатан муносабатларини жуда ижобий баҳолашади. Аслида улар биздан ўрганишлари керак эмасми?

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. Ўтган йили ёзда пойтахтимизнинг энг гўзал масканларидан бири «Миллий бор»да бир танишим билан учрашиб қолдик. Ўриндикларнинг бирида ўтирмоқчи бўлдик, аммо уларни олдидаги писта пўчоқларини кўриб, ўтиришга хижолатландик. Ўшанда ҳамсуҳбатим бошидан ўтган «писта» воқеасини сўзлаб берган эди.

— Ҳарбий хизматни етмишинчи йилларнинг охирларида Москва вилоятининг Солнечногорск шаҳрида ўтаганман. «Подсолнечное» деган жойда пистанинг бир неча турлари етиштирилган экан. Шу сабабли бизнинг ҳарбий қисмда писта чакиш ҳамманинг кундалик ишига айланиб қолганди. Ҳар бир аскарнинг чўнтаги тўла писта, ҳамма томон писта пўчоқ, устида юришга кўниқиб ҳам қоларкансан, киши. Бир куни Москва шаҳрига тушдим. Вокзалда ҳамма шошилиб, юрган йўлида овқатланиб бораётганлигини кўриб, оч қолганлигимни пайқадим ва шу заҳоти чўнтагимда писта борлиги ёдимга тушди. Писта чакиб, пўчоғини пуфлаб кетаётгандим, бир кекса аёл (ҳойнахой озарбойжонлик) нимадир дегандек бўлиб ўтиб кетди. Ҳар ҳолда менга яхши гап гапирган бўлса керак, деб ортидан етиб бориб, ўзбекчалаб: онахон, менга гапирдингизми, деб сўрадим. У киши: — Ҳа, — деди. — Нима деб гапирдингиз, тушунмай қолдим, — дедим. — Уят, — деб гапирдим деди-ю, юзини тесқари олди. Мен нима уят иш қилдим экан, деб анча ўйландим, у ёқ-бу ёримга қарадим. Орадан бироз ўтгач яна ёнига бориб: — Онахон, мен гапирдингизга тушунмадим, — дедим. У киши ўшанда писта пўчоғини кўчага ташлаш уят эканлигини, кўчаларни ифлосланти-

риш мусулмонларнинг одоб-ахлоқига тўғри келмаслигини босиқлик билан тушунтирди.

Танишим билан турғунлик йилларидаги бу воқеани анча муҳокама қилгандик. Ҳа, орамизда ҳали ўша турғунлик даврича қарашлардан кутулиб улгурмаган кишилар, улардан ўрناق олаётган ёшларимиз ҳам борлиги хавотирлантиради. Албатта, нопокизаликка ўрганиб қолган айрим кишилар ўша даврларда яшашмагандир, аммо «қуш инида кўрганини қилади», деганларидек... балки, оиладаги тарбия муҳити шу қадардир. Нима бўлганда ҳам эскича қарашлардан, эскича ёндашувлардан, эскича яшашдан холи бўлмоғимиз, жонажон Ватанимиз — Ўзбекистонга ўз уйимиз, умумий оиламиз деб қарамоғимиз, унинг маданий объектларини авайлаб-асрамоғимиз, ҳар бир қарич ерини муқаддас билмоғимиз, ҳар бир қадамда аждодларимиз ҳоки ётганлигини унутмаслигимиз, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ўз уйимизни ўзимиз асрамоғимиз даркор».

— Шаҳарлардан чиқаётган чиқиндиларни бевосита йўлларнинг четига, ҳатто кўп қаватли уйларнинг йўлакларига ташлаш каби ҳолатлар кўпчиликнинг жирига тегмоқда, — дейди суҳбатимизга қўшилган ҳамюртларимиздан яна бири ташвишли оҳангда. — Яқинда узоқ бир қишлоққа боришимга тўғри келди. Йўлда туман марказидан чиқарилган чиқиндилар марказдан 2000 метрлар чамаси чиқарилиб, ўнлаб қишлоқлар учун мўлжалланган автомобиль йўлининг икки томонига ташланаётганлигига гувоҳ бўлдим. Чиқиндиларнинг миқдори ва эгаллаган майдонига қараганда бир неча йиллар давомида шу жойдан макон топганлиги кўриниб турарди. Уларнинг бир қисми йўл юзида ётибди. Босиб ўтмасдан, иложингиз йўқ. Бундай йўлларда «чорик»сиз юриб бўладими? Босмаганимизда ҳам унинг анқиган хидига, сочилиб ётган ҳолатига чидаб бўлармиди? Маҳаллий аҳолининг айтишларича, бир неча бор бу ҳақда туман раҳбарларига мурожаат қилинган. Бу гапларни эшитиб, нахотки, чиқиндилар учун асосий йўллардан 500 — 1000 метр узоқликда кейинчалик кўмиб ташлашга мўлжалланган махсус чиқиндихоналар ташкил қилиш туман мутасаддилари учун қийин бўлса, деб ўйланиб қоламан.

Суҳбатдошимнинг гапларида жон бор эди. Ота-оналаримиздан, кўни-кўшни, устозларимиздан тозалikka риоя этиш за-

рурлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Хонадонларни, ҳовли юзи ва кўча-кўйларни, иш жойларини тоза сақлаш зарурлигини кўп уқтиришган. Мағзава тўкилган жойни босманг, супургининг устидан ўтманг, чиқиндиларни оёқ остига, йўл-йўлакка, ариқларга ташламанг, эски (сув ўтмай кўйган) ариқларни ҳам тоза тунинг, сувни булғаманг ва унга тупурманг каби сўзларни кўп айтишган. Тозалик бу ҳалоллик эмасми? Нега тозалikka амал қилмай кўйдик? Ахлоқданми ёки ахлоқсизликдан?

Ахлоқ — манманликка, адолатсизликка, зулм ва зўравонликка асосланган тоталитар тузумлардаги муносабатларнинг акси бўлиб, инсонларни камтарлик ва адолат сари етакловчи, бегаразлик, покизалик ва ақл-идрок билан иш юритишга ундовчи, нафс ва манфаатлар ўлчовини бошқарувчи куч. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг таъбири билан айтганда: «Ахлоқ-маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки саломалик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ — бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани»⁵².

Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, чиқиндилар кўмиб ташланадиган жой маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади. Бу Қонуннинг қабул қилинишидан мақсад ҳам чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олишга, йўл ва сувлар чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олишга ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланилишни таъминлашга қаратилганлигидир.

Ваҳоланки, ушбу Қонун талабларига мувофиқ, чиқиндиларни нафақат аҳоли яшайдиган жойларга, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ҳамда тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказиш таҳдиди келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларга ташлаш, хатто бундай жойларда сақлаш ва кўмиш ҳам тақиқланади.

Халқимизда «Чорифингни унутма», деган пурмаъно нақл бор. Айрим кишилар шу мақолни унутмаслик чораларини кўриб юри-

шади. Бу нақл, аввало, ўтган кунларни, хусусан, мустабидлик давридаги тупрок ва лой йўлларнинг азобини, транспорт танқислигини унутмасликка, шунингдек, бугунги ҳамма талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган, замонавий йўлларимиз ва улар атрофидаги хизмат кўрсатиш шохобчалари, яратилган шарт-шароитлар, барча қулайликларга эга бўлган транспорт воситалари катнови учун шукроналар айтишга чорлайди.

ЙЎЛНИНГ ҲАҚИ. Ҳадиси Шарифда «кўчадан азият берадиган нарсаларни олиб ташлашлик ҳам иймоннинг бир шохчасидир», дея марҳамат қилинса, яна бир ҳадисда йўлнинг ҳаққини адо қилишга, уни покиза сақлашга даъват қилиниб: «Кўчаларда ўтиришликдан сақланинглари. Агар ўтирган бўлсаларингиз ҳам кўчанинг ҳақларини адо этинглари» деб уқтирилади. «Кўчанинг ҳақлари» деган жумла беихтиёр йўлнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳақларини ҳам ёдга солади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуни 24-моддасига кўра, автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар автомобиль йўлига туташ йўлларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари, дов-дарахтларни асраш ва сақлашга кўмаклашишлари, автомобиль йўлига туташ буталарни парваришлашлари, шунингдек, автомобиль йўли ўқидан элик метргача бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл кўймасликлари шарт.

Автомобиль йўлларига зарар етказиш, чиқиндилар ташлаш ва бошқача ифлослантириш орқали йўл экологиясини бузиш қонунчиликда белгиланган тартибда қилмишига яраша жиноий ёки маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддасида мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш учун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 123-моддасида транспорт воситаларидан ахлат ва бошқа нарсаларни ташлаб юбориш учун, 147-моддасида йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш учун, 148-моддасида темир йўллар ва автомобиль йўллари учун аж-

⁵² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., Ўзбекистон, 1996, 39-б.

ратилган минтакаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш учун, 149-моддасида ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликлар белгиланган. Қолаверса, йўлга нисбатан ҳурматсизлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда моддий ва маънавий зарарларни ундириш учун ҳам асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, йўлларнинг яроқсизлиги натижасида фойдаланувчиларга етказилган ҳар қандай зарар уни яроқсиз ҳолга келтирган юридик ёки жисмоний шахсдан ёхуд йўлни таъмирлаш учун масъул ташкилотдан ундирилади.

Хуллас, манзилга етгунимизча юзини ҳокисор тутиб хизмат қилувчи йўлларни «азобга қўймасак», йўллар қуриш савоб бўлганидек, уларга шикаст етказиш, ифлос қилиш гуноҳи азим эканлигини, энг муҳими, йўллар ҳам дахлсиз бўлиб, қонун ҳимоясига олинганлигини унутмасак, деймиз. Шундагина, бундан ўзлари ҳам, эл-юрт ҳам фақат фойда, роҳат, манфаат топажак. Йўллар ҳам азият чекмагай. Пировардида, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг умидбахш шеърий сатрлари рўёбга чиққай:

«Боши, охири бор ҳар қандай йўлнинг,
Бу йўлларнинг эса адоғи бўлмас.
Эзгу ниятларга ошно ҳар дилнинг
Йўлини Аллоҳим ўзи бергай, бас!

Бу йўллар таратгай Ўзбекнинг шонин,
Неча манзилларда машъал ёққайдир.
Бу йўллар... Айланиб ҳали, дунёнинг
Чаккасига гуллар такгайдир!»⁵³

Дарҳақиқат, бир-биридан чиройли йўлларимиз, кўприқларимиз дўстлик рамзига айланиб, узоқларни яқин қилиб, халқларни бирлаштираверсин, юртимизнинг кўркига кўрк, гўзаллигига янада хусн қўшиб, бизни эзгу мақсадлар сари элтаверсин!

⁵³ Абдулла Орипов. Адолат кўзгуси. Тошкент, «Адолат», 2005 йил. 69-бет.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Онг мувозанати ёки маънавий дахлсизлик кафолатлари.....	5
Халқ фалсафаси	5
Оила – маънавий дорилфунуни	7
Бир болага етти маҳалла ота-она.....	11
Тарбия – ё ҳаёт, ё мамот	14
Онг экологияси	28
Маънавий таҳдид	34
Сароб ортидаги ҳақиқат	43
Мустаҳкам мезонлар	46
Тириклик томирига тиг тортманг, у ҳам дахлсиз	53
Энг оғир дард виждон азобидир	53
Қуртнинг қарғишига қолманг.....	59
Ўғрининг ўчоғидаги ўтин	61
Умрингизга умр улашар	63
Қинғир қилмиш қийиғи	66
Тириклик манбаи	70
Ўлдирманг, жониворлар ҳам дахлсизлик ҳуқуқига эга	78
Улар бизнинг дўстларимиз	78
Жайрон, нечун холинг бунча танг	80
Илтимо, шафқат қилинг	86
Бурчга содиқлик ҳам фазилат	92
Йўл ва унинг экологик дахлсизлиги	96
Савоби кўп, уволи ҳам бор	96
Жароҳатлаш гуноҳ, ярасини боғлаш эса, савоб... ..	102
Йўл экологияси ёки чоригингни унутма	104
Йўлнинг ҳақи.....	109

Абдукамол РАХМОНОВ

**МАЪНАВИЙ-ЭКОЛОГИК
ДАХЛСИЗЛИК ВА ИЖТИМОИЙ
АДОЛАТ**

Мухаррирлар: *А. Омонов,
Г. Ортиқхўжаева*
Техник мухаррир: *Ш. Қурбонбоев*
Компьютерда
саҳифаловчи: *Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АИ №133, 14.03.09.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Теришга берилди 10.08.2012 й. Босишга рухсат этилди 07.09.2012 й.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 7,0.
Нашриёт ҳисоб табағи 6,0. Адади 1 000 нусха.
15/9-бўртма. Нархи шартнома асосида.

«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Фурқат кўчаси, 2-уй.